

Ўзбекистонда профессионал таълим

Профессиональное образование в Узбекистане
Vocational education in Uzbekistan



5-iyun - Butunjahon atrof-muhit kuni!



www.profedu-jurnal.uz

2-сон (3)
2023 йил

илмий, маънавий-маърифий
журнал

*“Азиз устозлар,
Мен сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини дунёдаги
энг улуғ ва олижаноб ишга – янги авлод тарбиясига
бағишлаган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонларни
кўраман. Бугун сизлар таълим-тарбия бераётган,
қалбини, онгини эзгулик билан тўлдираётган
миллионлаб фарзандларимиз эртага Янги
Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиб бизнинг сафимизга
киради. Ватанимиз, халқимиз сизларнинг бундай
олижаноб хизматларингизни ҳеч қачон унутмайди”.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



“ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯККА-Ю ЯГОНА ТЎҒРИ ЙЎЛИДИР”

**Ҳурматли профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари,
педагоглар ва соҳа мутахассислари!**

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизими, хусусан, профессионал таълим тизимида меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ўзгариш ва ислоҳотлар сизнинг ва бизнинг зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Бугунги кунда тизимда 704 та профессионал таълим муассасаларида 27 717 нафар раҳбар ва педагоглар фаолият олиб бормоқдаки, ушбу рақамлар таълим тизимида салмоқли ўринга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқарашга эга бўлган замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

Замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш нақадар машаққатли меҳнат эканлигини инобатга олиб, сизнинг соҳа тараққиётида ўрнингиз юқори эканлигини алоҳида эътироф этишимиз жоиз.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ушбу таълим тизимини ҳам Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқасидан бири деб, соҳада хизмат қилаётган профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларни эса янги Уйғониш даврининг таянч устунлари дея, юксак эътироф этганлиги ҳаммамизга аёнди.

Азиз ўқитувчилар, муҳтарам соҳа мутахассислари!

Тез орада янги 2023-2024 ўқув йили бошланади. Шу муносабат билан сизларни самимий муборакбод этиб, янги ўқув йилида янги куч-ғайрат ва шижоат билан фаолият олиб боришингизни, Ватанимиз тараққиёти учун юксак билимли ва малакали кадрлар тайёрлаб беришингизда куч-қувват тилаймиз!

“Ўзбекистонда профессионал таълим” журнали жамоаси номидан Сиз азиз фидойи инсонларларга сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

***“Ўзбекистонда профессионал таълим”
журнали тахририяти***

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК

З.Я. Худайбердиев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Аннотация.

Мақолада мамлакатимизда профессионал таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибаларни ўрганиш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалалари ёритилган. Бунда Жанубий Корея, Германия, Финляндиядаги профессионал таълим тизими атрофлича таҳлил қилинган. Бошланғич таълим, ўрта таълим, юқори мактаблар (профессионал таълим)да яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар:

таълим тизими, юқори мактаблар, профессионал таълим, ўқувчи.

Аннотация.

В статье освещаются вопросы изучения зарубежного опыта в развитии профессионального образования в нашей стране, налаживания сотрудничества с зарубежными государствами. При этом детально проанализирована система профессионального образования в Южной Корее, Германии, Финляндии. Дана информация об условиях, созданных в начальном образовании, среднем образовании, высшие школы (профессиональном образовании).

Ключевые слова:

система образования, высшие школы, профессиональное образование, учащийся.


Abstract.

The article highlights the issues of studying foreign experience in the development of vocational education in our country, establishing cooperation with foreign countries. At the same time, the system of vocational education in South Korea, Germany, and Finland is analyzed in detail. Information is given about the conditions created in primary education, secondary education, higher schools (vocational education).

Key words:

education system, higher schools, vocational education, student.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳар жиҳатдан ривожланган мутахассисни тайёрлаш муаммоси ҳозирги куннинг асосий талаби бўлиб турибди. Чунки, жамиятда юз бераётган инқилобий ўзгаришларни инсоннинг ўзини ўзгартирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ахборот ривожланишининг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Ўзбекистонда мутлақо янги тизимнинг ташкил этилиши бу борада хорижий тажрибаларни ўрганиш ва хорижий давлатлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этади.

динамикаси ижтимоий институт сифатида таълимга янги юқори талабларни қўяди. Шахсни тез ўзгарувчан дунёда ўқитиш, ривожлантириш ватарбиялашни таъминлаш, мутахассисларнинг яхлит дунёқараши ва муносабати, функционал саводхонлиги ва ижодий касбий маҳоратини шакллантириш зарур.

Рақамли технологиялар етакчи ўринга чиқиб олган ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда таълим тизимини, таълим мазмунини янгилаш заруратга айланди. Эскича ўқитиш усуллари ва методлари маънан эскириб, таълимнинг илғор педагогик технологияларга асосланган методлари ва шакллари эҳтиёж кучайди.

Янги профессионал таълимни жорий этишда ҳам хорижий тажрибаларни ўрганиш ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корея тажрибаси. Профессионал таълимни ривожлантиришда Корея тажрибасини ўрганиш муҳим. Жанубий Корея таълим тизими таълим ва фан интеграциясига йўналтирилган бутун жаҳон тамойилини амалга оширади. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб бормоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган. Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда, 97-98% корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаган. "Илмий" юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш учун анча мураккаб

имтиҳонларни топшириш талаб этилади.

Профессионал коллежлар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахассислик берилмайди, балки ёшларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди. Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрокультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган.

Жанубий Кореяда касб-ҳунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% и бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23% ида техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларни корхоналар оталиққа олган. Жанубий Корея "Таълим ҳақида"ги қонун талабларидан бири ҳам шудир.

Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- профессионал коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- индустриал университетлар;
- педагогика институтлари;
- сиртқи университетлар;
- очиқ университетлар.

Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашдир. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетга, шу билан бирга махсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам ўқишга кириши мумкин.

Жанубий Кореяда профессионал таълим тизимини жорий этиш бўйича олиб борган кичик таҳлилимиз натижа-сида Ўзбекистонда профессионал

таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кун сайин ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Профессional таълим муассасалари моддий таъминотининг яхши таъминланганлиги, амалий ва лаборатория хоналарининг тўлиқ жиҳозланганлиги, назарий ва амалий билимларнинг ҳамоҳанг тарзда олиб борилиши таълим сифатини ошириш билан бирга етук мутахассислар тайёрланишига замин бўлади.

Швеция, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларда таълим тизимини ривожлантириш тажрибаси малакали мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ўқув жараёни ва амалиётини бирлаштириш зарурлигидан далолат беради.

Германия тажрибаси.

Германия иккиламчи таълим тизими тамойилларидан фойдаланган биринчи мамлакат бўлди (ушбу тизим 15 йилдан бери амалда). Ўқув жараёнини амалга ошириш ишлаб чиқариш фаолиятини стажёр (бўлажак мутахассис) сифатида таҳлил қилиш ва ўқув юртида назарий қисмни ўрганиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, ўқув ва амалий вазифаларнинг босқичма-босқич мураккаблашиши тизими ҳам мавжуд.

Маълумки, Германиядаги профессионал таълим марказлаштирилмаган бўлса ҳам, у маълум бир стандартга мувофиқ қурилган. 1981 йилдан бери “Профессионал таълимни ривожлантириш тўғрисида” (профессионал таълимни режалаштириш ва статистикада тартибга солувчи воситаларни тавсифловчи), “Ёшларнинг меҳнатни муҳофаза

қилиш тўғрисида”ги қонуни, “Касбий таълим тўғрисида шартнома” каби қонун ҳужжатлари мавжуд. Ўқитиш жараёни машғулотлар рўйхатига мутлақо мос келади, ҳозирги пайтда 600 (1971 йилдаги)дан 380 та касбга қисқартирилди. Касблар сонининг қисқариши шу каби фаолият соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш билан бирлашиши натижасида рўй берди.

Таъкидлаш керакки, касбларнинг номи, ўқувчиларнинг ҳар бир касбни ўзлаштириши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг умумийлиги, шунингдек, намунавий ўқув режаси ва якуний сертификатлаштириш талаблари маълум бир соҳа вазири билан биргаликда ишлаб чиқилган ва келишилган. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб, мажбурийдир. Бундан ташқари, давлат корхонанинг касб таълими харажатларини қоплашга ҳаракат қилмоқда.

Дуал таълим бўйича турли адабиётларни ўрганиб чиққандан сўнг, биз бундай таълимнинг жуда кўп фойдали томонлари борлигини аниқладик. Дуал тизим шароитида таълим нафақат ўқув муассасалари, балки саноат корхоналари, фирмалар, ташкилотларни ўз ичига олади. Дуал таълим тизимининг дастурлари назария ва амалиёт томонидан синовдан ўтган “ноу-хау”ни бирлаштиради.

Ўзгаришларнинг мазмуни шундан иборатки, талабалар бир вақтнинг ўзида иккита таълим муассасасида: университетлар ва институтларда – назарий қисмда, ишлаб чиқаришда эса – амалий муҳитда таълим оладилар. Иккилик тизим анъанавий тизимдан ажралиб турувчи хусусият сифатида бутун ўқув даври давомида назария ва амалиётнинг алмашилишини назарда тутуди, бу эса олинган билим ва кўникмаларни қўллаш самарадорлиги ошишига олиб келади.

Дуал таълим тизими касб-ҳунар таълими тизимидан фарқли ўлароқ, ўқув ҳафтасининг кўп қисми корхонада

амалиётга, кичик қисми эса (1-2 кун) университетга бағишланган бўлиб, дуал таълим тизими техник ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, қурилиш, муҳандислик соҳаларида ҳам қўлланилади. Дуал тизим ижтимоий менежмент, туризм менежментида яхши самара беради.

Сўнги ўнйилликларда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг доимий равишда такомиллаштириб борилиши туфайли икки томонлама таълим тизими ахборот технологиялари соҳасида мақбул бўлиб қолди. Германияда дуал таълим тизимини жорий этишнинг амалий тажрибаси шуни кўрсатадики, бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг кўп соҳалари ижтимоий шериклар, минтақалар ва давлат ўртасидаги келишув билан тартибга солинади. Муайян йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ёшларда профессионал ҳаракатчанлик ва рақобатбардошликни таъминлашга имкон берадиган кадрлар бозорининг талабларига асосланган. Ўқиш муддати 3 йилгача этиб белгиланган. Корхонада амалий машғулотлардан ўтган ўқувчилар иш ҳақи олишади. Тизим давлат ва корхоналар томонидан молиялаштирилади. Давлатнинг ваколоти бу корхонада ўқитиш, минтақанинг ваколоти эса профессионал университетда ўқишни ўз ичига олади.

Финляндия тажрибаси.
Профессионал таълим саккизта таълим йўналишини қамраб олади. Профессионал таълимнинг давомийлиги уч йил, ҳар бир касб/мутахассислик бўйича ўқитиш камида олти ой ишлаб чиқариш таълимини талаб қилади. Профессионал таълимни таълим муассасасида ёки иш берувчи билан тузилган шартнома асосида ўқитиш шаклида олиш мумкин.

Касбий таълим стандартлари меҳнат фаолияти вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Бу эгалланган касб/мутахассислик меҳнат бозорига мослашувчан ва самарали киришга ёрдам бериш, касбий ривожланишни таъминлашга ёрдам бериш учун амалга оширилади.

Профессионал таълимнинг дастури жуда мослашувчан. Талабалар курсларни турли йўллار билан ва турли муҳитларда ўрганишлари мумкин. Мисол учун, иш жойида тренинг, таълим муассасасида ёки онлайн тарзда ўтказилиши мумкин. Талабалар бутун курсни ёки унинг бир қисмини олишлари мумкин.

Профессионал таълимнинг ўқув дастурлари умумтаълим мактабининг ўқув режасига мувофиқ тузилади. Ўқув режаси 120 кредитдан иборат: 20 кредит иш жойида ўқитиш, 90 та асосий фанлар учун ва 10 кредит талаба танлаган фанлар. Асосий фанлар фин, швед тили, математика, физика ва кимё, ижтимоий тадқиқотлар, бизнес ва меҳнат бозори, жисмоний ва тиббий тарбия, санъат ва маданиятдир.

Бошланғич касб-ҳунар таълимининг мақсади эса ўқувчиларда касбий малакага эга бўлиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни, шунингдек, мустақил иш билан шуғулланиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида профессионал таълимни ривожлантиришда бир қанча самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, Германия тажрибаси асосида 62 та профессионал таълим муассасасида 8 та мутахассислик бўйича дуал таълим жорий қилинди.

Германия (German Sparkassenstiftung) билан ҳамкорликда 40 нафар ўқитувчи, 100 нафар ўқувчилар бизнесни ташкил этиш бўйича халқаро экспертлар иштирокида ўқитилди.

Worldskills Uzbekistan ассоциация билан ҳамкорликда Сурхондарё, Жиззах,

Ўзбекистонда касб-ҳунар мактабларида Дуал таълим шакли бўйича ўқув жараёни

Умумтаълим фанлар **1100 соат** этиб белгиланди. Умумкасбий, профессионал модуллар ва таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар билан **750-850 соатгача** ва Квалификацион амалиёт **1100-1200 соатгача** режалаштирилди

**Касб-ҳунар мактабларида ўқув жараёни**

42 ҳафтадан иборат бўлади



Ўқув жараёни графиги 1-босқичда **20 ҳафтасига 30 соатдан 600 соат**, 2-семестрида **10 ҳафтасига 18 соатдан 180 соат**, ишлаб чиқариш амалиёти **10 ҳафтасига 36 соатдан 360 соат**, жами **1228 соат**, 2-босқичда **30 ҳафтасига 18 соатдан 540 соат**, ишлаб чиқариш амалиёти **10 ҳафтасига 36 соатдан 360 соат**, режалаштирилса **соатлик** юклама тўлиқ бажарилади

Тошкент, Сирдарё вилоятларида ушбу стандартлар бўйича ўқитувчилар ўқитилди.

Профессионал таълимни хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдир. Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан хорижий ва миллий илмий-инновацион лойиҳа ва грантларни жалб этиш ва амалга ошириш, шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича муайян ишлар бажарилиб келинмоқда. Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Россия Федерацияси профессионал таълимни

ривожлантириш институти (ИРПО), Беларуссия Республикаси профессионал таълим институти (РИПО), Немис Халқ Университетлари ассоциацияси (DVV), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), "Sparkassenstiftung" Германия халқаро ҳамкорлик фонди, Британиянинг "Pearson Education Limited" таълим, нашр ва баҳолаш хизмати, Швейцариянинг "SustainableSkills", ЮНЕСКО каби олий таълим муассасалари ҳамда лойиҳа доирасидаги ташкилотлар билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон Қарори.
3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. 464 бет.
4. Вазирлар Маҳкамасининг "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида" 2021 йил 29 мартдаги 163-сон Қарори.
5. Андреева А.С. Формирование системы профессионального воспитания обучающихся в условиях непрерывного образования // Устойчивое развитие науки и образования. 2016. № 3. С.34-38.
6. Аношкина В. Л., Резванов С. В. Образование. Инновация. Будущее. 2001. Раздел. 3. Стадии становления концепции непрерывного образования. URL: sbiblio.com/biblio/archive/resvanov_obrasovanie/
7. Ахмедов А.Э., Смольянинова И.В., Шаталов М.А. Система непрерывного образования как драйвер совершенствования профессиональных компетенций // Профессиональное образование и рынка труда. 2016. №3. С.26-28.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИ

Б.Б. Шойқулов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти директор ўринбосари,
техника фанлари номзоди, доцент,

Ш.С. Рахимов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти бошқарма бошлиғи, сиёсий
фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда профессионал таълим тизими олдида турган муҳим вазифалар ва уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти баён қилинган. Шунингдек, янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш, Август кенгашларини ташкил қилиш, тизимдаги раҳбар ва педагогларнинг шўба ва ялпи йиғилишларни ташкил қилиш ҳамда тизим олдида турган янгиликларни амалиётга татбиқ этиш каби долзарб масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, Август кенгашлари, таълим дастурлари, компетенция, таълим натижадорлиги, илғор таълим технологиялари, ўқув семинарлари.

Аннотация: В данной статье обозначены важные задачи, стоящие сегодня перед системой профессионального образования, а также роль и значение обеспечения их реализации в развитии экономики нашей страны. В нем также изложены такие вопросы, как подготовка к новому учебному году, организация августовских советов, организация обувных и чистых встреч руководителей и учителей в системе, а также внедрение инноваций, стоящих перед системой.

Ключевые слова: профессиональное образование, Августовские советы, образовательные программы, компетентность, эффективность образования, передовые образовательные технологии, образовательные семинары.

Annotation: This article outlines the important tasks facing the professional education system today and the role and importance of ensuring their implementation in the development of our country's economy. It also outlines such issues as preparing for the new school year, organizing August councils, organizing shoe and pure meetings of leaders and teachers in the system, and implementing the innovations facing the system.

Keywords: professional education, August councils, educational programs, competence, educational effectiveness, advanced educational technologies, educational seminars.

Республикамизда сўнгги йилларда фаолиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маърифий ҳамда таълим соҳаларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимиз келажаги барча соҳаларда билимли инсонларга боғлиқ, шу боис охирги беш йилда таълим сифатини яхшилаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини, билим ва тафаккурини юксалтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ривожлантириш мақсадида ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар лавозимларининг касб стандартларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва янгилаб бориш механизминини жорий қилишга, таълим жараёни учун зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратиш ва ўқув жараёнига юқори иш тажрибага эга бўлган амалиётчи мутахассисларни жалб этишга ҳамда ўқувчиларнинг эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган, юқори даражада сифатли билим олишини ва касбий тайёргарликни таъминлайдиган

Миллий профессионал ва давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, турли ёшдаги таълим олувчиларда меҳнат бозорига йўналтирилган билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш орқали уларнинг иқтисодий тармоқларида муносиб иш ўринларини топиш имкониятларини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПФ-5812-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМ-466-сон қарорига мувофиқ профессионал таълимнинг асосий мақсад ва вазифалари иш берувчиларнинг талаб ва таклифларига асосан кадрларга бўлган реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда иқтисодий соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жамиятнинг касблар ва мутахассисликларга бўлган талабларини қондириш, меҳнат фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, Халқаро таснифлагич даражалари билан уйғунлашган табақалаштирилган таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш, таълим олиш билан биргаликда ўқувчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўқувчиларда ватанпарварликни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда уларда масъулият ва ижодий фаолиятни ривожлантиришдан иборат.

Қолаверса, мамлакатимизда профессионал таълим соҳасидаги туб ислохотлар натижасида 2020-2021-ўқув йилидан бошлаб янги форматдаги профессионал таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш жараёнлари бошланди. Бу жараёнларни янги сифат босқичига кўтариш ва таълим натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасида 2020 йилдан эътиборан Миллий малака тизими йўлга қўйилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда илғор техника ва технологиялар ривожланиб бораётган даврда профессионал таълим дастурларини ҳам замон талабларига мослаштириб бориш давр талабидир. Профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори асосида профессионал таълим тизимининг компетенцияга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш масалалари долзарблигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилдаги ПҚ-4939-сон қарорида белгиланган вазифалар, яъни профессионал таълим муассасаларининг таълим дастурларини касбий стандартлар асосида ишлаб чиқишни самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун касбий стандартлар асосида компетенцияга асосланган профессионал таълим дастурларини ишлаб чиқиш босқичлари ва тартибини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Янги ўқув йилини бошлашдан олдин бир қатор пировард масалалар белгиланади, хусусан, профессионал таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгиловчи, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, профессионал таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган услубларни жорий этиш, профессионал таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор

хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш масалалари ўрганилади.

Юқоридаги каби мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича профессионал таълим тизимида ҳар йили Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳаридаги олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари, Профессионал таълимни ривожлантириш институти томонидан янги ўқув йили бошланишидан олдин профессионал таълим муассасалари раҳбар-педагог ходимлари учун Август кенгашлари - шўба ва ялпи йиғилишларининг бўлиб ўтиши анъанага айланган.

Ушбу анъанага мувофиқ, 2023 йил 31 июлда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «2023/2024 ўқув йилига тайёргарлик бўйича профессионал таълим муассасалари Август кенгашларини ўтказиш тўғрисида»ги 332-сонли буйруғи қабул қилинди ва унга кўра, Август кенгашлари профессионал таълим муассасаларида «Сифатли таълим ва малакали мутахассис - барқарор иқтисодиётнинг асоси» шиори остида 2023 йил 28-31 август кунлари шўба ва ялпи йиғилишлар бўйича бўлиб ўтиши белгиланган.

Унда профессионал таълим муассасаларининг 2023-2024-ўқув йилига тайёргарлигини таъминлаш, раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, ўқув-методик таъминотни кучайтириш, таълим сифатини ошириш, таълим жараёнини самарали ташкил этиш, модулли таълим дастурларини жорий этиш, меҳнат бозори ва таълим интеграциясини таъминлаш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни юритиш ҳамда ўқитишнинг замонавий технологияларини кенг жорий этишни таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланган.

Август кенгашларини профессионал таълим тизимида «WorldSkills» стандартлари, дуал таълим, компетенцияга асосланган таълим (competency based learning), касбларга ўқитишда рақамли таълим технологияларини қўллаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилишга, шунингдек, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ўқувчиларнинг амалий машғулотларини юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Профессионал таълимни ривожлантириш институти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳамда профессионал таълим муассасаларига методик кўмаклашиш мақсадида Август кенгашлари - шўба ва ялпи йиғилишлари ўтказиш бўйича ўқув-амалий семинарлар ташкил этилади.

Шўба йиғилишларида ўтган ўқув йилида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси, келгусида режалаштирилган ишлар ҳақидаги таҳлилий мониторинг жадваллари тайёрланади. Шунингдек, таълим муассасаси директор, директор ўринбосарлари, методик бирлашмалар, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун йиллик иш режаларни тузиш бўйича таклифлар берилади.

Семинарларда кўзланган асосий мақсадлардан яна бири бу - янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнлари, ортда қолган ўқув йилида йўл қўйилган камчиликларни янги ўқув йилида такрорламаслик, шунингдек, янги ўқув йилида таълим муассасалари олдида турган вазифалар, ўзаро тажриба алмашиш, янги қабул қилинган раҳбар ва педагог ходимлар учун мастер класслар ўтказишдир.

Унда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, ўринбосарлари ҳамда профессионал таълим муассасаларига методик кўмаклашиш бўйича семинарларда таълим муассасаси директорлари, ўқув ишлари бўйича ўринбосарлар, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари, ёшлар масалалари бўйича директор ўринбосарлари, молия-иқтисод бўйича директор ўринбосарлари, бош бухгалтерлар, ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбарлари, жисмоний тарбия раҳбарлари, услубчилар, бўлим бошлиқлари, умумтаълим, умумкасбий ва махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва бош усталари учун ҳудудий бошқармалар томонидан тасдиқланган

график ҳамда дислокация асосида шўъба йиғилишлари ташкил этилади.

Умумтаълим, умумкасбий ва махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва бош усталари учун соҳалар кесимида тасдиқланган график асосида шўъба йиғилишлари ташкил қилинади.

Худудларда ўтказиладиган Август кенгашларига тайёргарликни юқори савияда ташкил этиш бўйича шўъба йиғилишларида модераторлик қилиш учун танлаб олинган тажрибали тренер-ўқитувчилар ва услубчиларга ҳудудий бошқармалар томонидан ўқув семинарлар ташкил этилади.

Семинар мавзулари асосида модераторлик қиладиган тренер-ўқитувчилар томонидан тайёрланган маърузалар, тақдимот материаллари тайёрлаб ҳудудий бошқармалар томонидан муҳокамадан ўтказилади.


Худудий бошқармалар томонидан Август кенгашлари ўтказиладиган профессионал таълим муассасалари рўйхати ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Август кенгашлари шўъба йиғилишлари танланган профессионал таълим муассасалари замонавий техник воситалар билан жиҳозланган хоналарида ўтказилади.

Худудларда ташкил этиладиган Август кенгаши ўқув-амалий семинарлари ва шўъба йиғилишларида маҳорат дарслари, профессионал таълими тизимида амалга оширилётган ислохотлар, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўқув-семинар иштирокчиларига янги инновацион технологиялар бўйича яратилган электрон ўқув услубий қўлланмалар, дарсликлар ва ўқитиш материаллари тўпламини кўргазма тарзида намойиш қилинади.


Профессионал таълими тизимида Август кенгашлари ва шўъба йиғилишлари жараёнлари Республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш таъминланади.

Илова

Август кенгашларига тайёргарликни ташкил этиш СХЕМАСИ



Август кенгашлари шўбалар йиғилишларида қатнашадиган гуруҳлар таркиби



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2020 йил 15 майдаги 287-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 15 июндаги аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқи
5. Методические рекомендации к разработке рабочих учебных программ по модулю.
6. Методические рекомендации по разработке программ профессионального обучения на основе профессиональных стандартов. Москва 2019 г

Интернет манбалари:

1. <https://lex.uz>
2. https://uza.uz/uz/posts/kasb-hunar-organish-uchun-sharoitlar-kengaytiriladi_
3. <https://firo.ranepa.ru/files/docs/spo/metod>
4. <http://edu.profedu.uz>
5. <https://mehnat.uz>
6. <https://www.uz.undp.org>

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ: АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

У.М. Алижонов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Аннотация.

Мазкур мақолада мамлакатимизда профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, профессионал таълим тизими мутахассислари ва ходимларининг малакасини ошириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу соҳада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар:

профессионал таълим, педагоглар, халқаро ҳамкорлик, малака ошириш, миллий малака тизими, тажриба алмашинув, компетенция.

Аннотация.

Вданной статье анализируется работа, проводимая в системе профессионального образования в нашей стране, в частности работа, проводимая в рамках международного сотрудничества, в частности, повышение квалификации специалистов и работников системы профессионального образования. Также даны предложения и рекомендации по задачам, которые необходимо реализовать в этой области.

Ключевые слова:

профессиональное образование, педагоги, международное сотрудничество, обучение, национальная система квалификации, обмен опытом, компетентность.


Abstract.

This article analyzes the work carried out in the professional education system in our country, in particular, the work carried out within the framework of international cooperation, in particular, the improvement of the qualifications of professionals and employees of the professional education system. Also, proposals and recommendations on tasks to be implemented in this area are given.

Key words:

professional education, pedagogues, international cooperation, training, national qualification system, exchange of experience, competence.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Профессионал таълим тизимида ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёрлаш орқали соҳани асосий тармоқ сифатида ривожлантириш, раҳбар ва педагог кадрлар малакасини оширишнинг замонавий, илмий-педагогик фаолият натижаларини инobatга оладиган узлуксиз шаклини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш олдимизда турган муҳим масалалардан ҳисобланади.



Профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва педагоглари-нинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларни касбий салоҳиятини ошириш учун етарли даражада моддий рағбатлантириш ва юқори иш ҳақи тайинлаш бўйича мамлакатимизда

амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб профессионал таълим тизими ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи ўртача 22 фоизга, ишлаб чиқариш таълими усталарининг ойлик иш ҳақи ўртача 35 фоизга оширилди. Бу эса ўз ўрнида педагог кадрларнинг сифат таркиби яхшиланишига олиб келди.

Бугунги кунда профессионал таълим тизимида 26 минг нафардан ортиқ педагоглар фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 20 минг нафардан ортиғини ўқитувчилар ва 6 минг нафардан ортиғини ишлаб чиқариш таълими усталари ташкил қилади. Ўқитувчиларнинг 606 нафарини бош ўқитувчилар, 1441 нафарини етакчи ўқитувчилар ва 3366 нафарини катта ўқитувчилар ташкил қилади. 2022/2023 ўқув йилида профессионал таълим муассасалари педагог кадрларнинг малака тоифалари 14,7 фоизга оширилди.

Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури доирасида вазирлик ва идораларнинг фаолият турлари ўзгартирилди. Шу сабабли педагог кадрларнинг аттестациядан ўтказиш тизимига бирмунча ўзгартиришлар киритилиб, педагогларни аттестациядан ўтказиш жараёнлари соддалаштирилмоқда.

Педагог ходимлар учун қулайликлар яратиш ва уларнинг педагогик мақомини ошириш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси ва тегишли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда “Педагог мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасига кўра педагог ходимларнинг мақоми, мавқеи ва даражаси белгиланмоқда.

Профессионал таълим тизимида фаолият юритиб келаётган умумтаълим фан ўқитувчилари учун янада қулайлик яратиш, уларнинг ойлик иш ҳақларини яхшилаш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Миллий баҳолаш тизими мувофиқ бўлиши лозим бўлган халқаро стандартлар, таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ваколатли халқаро ташкилотлар, халқаро тан олинган ва миллий баҳолаш тизимида берилган сертификатлар (уларнинг комбинацияси) рўйхати ҳамда ҳар ойлик устама олиш учун уларнинг энг кам даражасини белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа тасдиқлангандан сўнг камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга профессионал таълим муассасаларининг умумтаълим фан ўқитувчиларининг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда устама ҳақ тўлаш тизими йўлга қўйилади.

Педагог ходимлар томонидан юритиладиган ўқув-меъёрий ҳужжатларни ҳамда педагогик юкмааларини ихчамлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “Профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа тасдиқдан ўтказилиши билан педагог кадрлар томонидан юритиладиган ўқув-меъёрий ҳужжатлар

60 фоизга қисқартирилади ҳамда педагоглар ўз устида ишлашлари учун кенг имкониятлар яратилади.

Хусусан, келгусида педагог кадрлар малакасини ошириш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилиши режалаштирилган. Педагог кадрларнинг ўз яшаш ҳудудларидан чиқмаган ҳолда малака оширишларини ташкил этиш мақсадида ҳар бир ҳудудда Профессional тайёргарлик марказлари ташкил этилади.

Бунда, иш берувчиларни жалб қилиш орқали педагогларнинг корхона ва ташкилотларда стажировка ўташини ташкил этиш, уларни замонавий методология ва илм-фан ютуқларидан хабардор қилиш, ўзаро тажриба алмашинув, касбий салоҳиятини ошириб бориш имконияти яратилади.

Германия давлатининг “German Sparkassenstiftung” лойиҳаси доирасида 39 нафардан ортиқ тренерлар тайёрланди, улар бошчилигида 600 нафардан ортиқ ўқувчилар тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқитилди.

Бундан ташқари, Германиянинг “German Sparkassenstiftung Cooperation” ташкилоти томонидан Германиялик экспертларни жалб қилинган ҳолда 14 нафар ҳудудий бошқармалар масъуллари ва 34 нафар профессионал таълим муассасаларининг бизнес асослари фани ўқитувчилари тадбиркорлик кўникмаларига тренер сифатида ўқитилди. Ушбу тренерлар томонидан профессионал таълим муассасаларининг 545 нафар тадбиркорлик ва бизнес асослари фани

ўқитувчиларини молиявий саводхонлик ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Жорий йил якунига қадар барча тадбиркорлик фани ўқитувчилари Германия методикаси ўз касблари бўйича ўқитилади.

Германия халқаро ҳамкорик жамияти (GIZ) томонидан лойиҳа доирасида пилот таълим муассасаларининг 57 нафар директорлар, ўринбосарлар ҳамда педагог кадрлари ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, дуал таълим ташкил этиш, иш берувчилар билан ишлар, ахборот саводхонлиги каби йўналишлар бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Бундан ташқари Европа Иттифоқи Комиссияси, ЮНЕСКО, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Осие тараққиёт банки, Швейцариянинг Helvetas Uzbekistan ташкилоти лойиҳалари асосида хорижий экспертларни жалб этган ҳолда профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагоглари касбий салоҳиятини ошириш бўйича семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Шунингдек, ушбу хорижий лойиҳалар доирасида 100 нафардан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлар хорижий давлатларда малака ошириши ташкил этилди. Хусусан, жорий йилда 20 нафар педагог кадрлар Германияга стажировкага юборилди. Бугунги кунда 20 нафар педагог кадрларни Франция давлатига стажировкага жўнатиш бўйича Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан музокаралар олиб борилмоқда.

Европа таълим фондининг “Darya” лойиҳаси доирасида ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини оширишга қаратилган ўқув семинарлар ташкил этилмоқда. Мазкур семинарларда профессионал таълим муассасаларининг 20 минг нафардан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлари иштироки таъминланди.

Швейцариянинг “�збекистонда профессионал таълим ислохотларини қўллаб қувватлаш” (VET4UZ) лойиҳаси билан ҳамкорликда профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш тизими натижадорлиги бўйича 10 минг нафардан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлар ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижалари бўйича ишлаб чиқариш таълими усталарининг малака ошириш тизимини назарий шаклдан амалий шаклга ўтказиб, уларни ишлаб чиқариш корхоналарига стажировкаларга жалб этиш ҳамда малака ошириш жараёнига таълимнинг

кредит-модуль тизимини жорий этиш бўйича тегишли Ҳукумат қарори ишлаб чиқилди.

Юқоридаги амалга оширилаётган ишлар ва ислохотларга қарамасдан бугунги кунда профессионал таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимлар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг билим ва кўникмаси, малака даражаси ҳамда касбий салоҳиятини ошириб бориш зарурати туғилмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этишга доир қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин:

- соҳа мутахассислари ва педагогларининг бевосита корхона ва ташкилотларда стажировка ўташ тизимини жорий қилиш ҳамда ушбу муассасадаги самарали фаолиятига қараб малака мақомини белгилаш;
- профессионал таълим раҳбар ходимлари ва педагогларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш жараёнида уларнинг компьютер саводхонлиги ва хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш;
- профессионал таълим муассасалари педагоглари томонидан яратилаётган илмий лойиҳалар салмоғи жуда паст бўлиб, келгусида педагог кадрлар томонидан илмий лойиҳалар ишлаб чиқилишини йўлга қўйиш орқали таълим муассасаларидаги сифат самарадорлигини ошириш;
- мамлакатимизда профессионал таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ва бу орқали тажриба алмашинувига эришиш, профессионал таълим муассасаларининг хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;
- хорижий экспертларни жалб этган ҳолда профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва педагогларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш учун семинар-тренинглар ташкил этишни тизимли йўлга қўйиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий тармоқлари ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида малакали кадрлар тайёрлаш орқали соҳани асосий тармоқ сифатида ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини оширишнинг замонавий, илмий-педагогик фаолият натижаларини

инобатга оладиган узлуксиз шаклини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, сифатли таълим мамлакат тараққиётининг пойдеворидир.

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

А.Р. Мелибоев

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг
Професионал таълим интеграцияси бошқармаси бошлиғи,

Ф.Ў. Машарипов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг
Иш берувчилар билан ҳамкорлик ва амалиётни ташкил этиш бўлими бошлиғи

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш жараёнлари таҳлил қилинган. Шунингдек, профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича республикадаги мавжуд иш тажрибаси ўрганилган. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш даврида келиб чиққан меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги номувофиқликлар ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номувозанатга олиб келди. Бу эса профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг биринчи иш жойини излашда қийинчиликларга учрашига сабаб бўлди. Ўрта бўғин кадрларининг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши билан боғлиқ долзарб вазифа ва муаммолар ёритилган. Шу билан бирга, ўрта бўғин кадрларининг маҳаллий ва хорижий меҳнат бозорида иш билан бандлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, ўрта бўғин кадрлари, меҳнат бозори, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, ташқи меҳнат миграцияси, битирувчилар бандлиги, иш ўринлари, меҳнат ярмаркалари, ишсизлик, иш берувчилар, малака талаблари, касбга ўқитиш, касбга йўналтириш жараёнлари, битирувчилар бандлигини рақамлаштириш.

Аннотация. В данной статье анализируются процессы обеспечения трудоустройства выпускников профессиональных образовательных учреждений. Освещаются актуальные задачи и проблемы, связанные с трудоустройством персонала среднего звена на рынке труда. Также были внесены предложения и рекомендации по обеспечению занятости персонала среднего звена на внутреннем и внешнем рынках труда.

Ключевые слова: профессиональное образование, персонал среднего звена, рынок труда, рабочая сила, трудовые ресурсы, внешняя трудовая миграция, трудоустройство выпускников, вакансии, ярмарки труда, безработица, работодатели, квалификационные требования, профессиональное обучение, процессы профориентации, цифровизация трудоустройства выпускников.

Annotation: This article analyzes the processes of ensuring the employment of graduates of vocational educational institutions. The actual tasks and problems related to the employment of middle-level personnel in the labor market are highlighted. Proposals and recommendations were also made to ensure the employment of middle-level personnel in the local and foreign labor markets.

Keywords: vocational education, middle-level personnel, labor market, labor force, labor resources, external labor migration, employment of graduates, vacancies, labor fairs, unemployment, employers, qualification requirements, vocational training, career guidance processes, digitalization of graduate employment.

Глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар, барча соҳаларда рақобатнинг кучайиб бориши янада барқарор тараққиётни таъминлашни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан Республика иқтисодиётида олиб борилаётган инновацион ривожлантириш жараёнлари меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса унга биринчи бор кириб келаётган ёшларнинг ўз қизиқишлари бўйича касб эгаллаб ўз ўрнини топишига таъсир ўтказмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили 150 мингдан ортиқ профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорига кириб келиши аҳоли бандлигига кўмаклашиш, Республикада янги иш ўринларини ташкил этиш, ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда маҳаллий ва хорижий меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган эҳтиёж асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш масаласини тобора долзарб вазифага айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27 сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Айниқса, тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор вазифасида белгиланган асосий мақсадларда таълим соҳасини ривожлантиришга катта урғу берилган. Бу борада профессионал таълим соҳасини ривожлантириш бўйича бир қанча вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, халқаро тажриба асосида меҳнат бозоридаги касб ва лавозимлар ҳамда уларнинг малака даражаларининг мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш, ЮНЕСКО тавсиялари асосида профессионал таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда профессионал таълим муассасаларининг янги қиёфасини яратиш, халқаро тажрибалар асосида кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб мақсадли кўрсаткичларни белгилаш, таълим сифатини яхшилаш, дуал таълимни ривожлантириш концепциясини хорижий экспертлар билан ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Шунингдек, ёшларни профессионал таълим муассасаларида касбга ўқитиш кўламини кенгайтириш ва таълим жозибдорлигини ошириш мақсадида коллеж ва техникумларга ўқувчиларни қабул қилишни бир йилда икки марта ташкил этиш, техникумларда мутахассислик йўналишидан келиб чиқиб давлат гранти ажратишни жорий этиш орқали умумий давлат гранти улушини 50 фоизга етказиш, хусусий секторнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашни тизимли йўлга қўйиш белгиланди.

Бундан ташқари, таълим сифатини баҳолашни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш (EQAVET) тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган намунавий профессионал таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу стратегияда белгиланган вазифалар профессионал таълим муассасаларининг кўплаб битирувчиларини ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш муаммолари билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда бўш иш жойлари мавжуд бўлгани ҳолда ишчи кучи-

нинг иш берувчи томонидан қўйилаётган талабларга мос келмаслиги сабабли битирувчилар бандлигининг таъминланмаслиги ҳолатлари юзага келмоқда.

Бундан ташқари, олинган касблар ва мутахассисликлар ҳар доим ҳам меҳнат бозоридаги мавжуд ўзгариб бораётган талабга тўлиқ мос келавермайди бу эса ишсиз қолаётган ёшларнинг салмоғи ортишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларга қарамай ҳозирги кунда профессионал таълим муассасаларини битирган ёшларнинг эгаллаган касб ва мутахассисликлари бўйича иш ўринларининг етишмаслиги, иш ўринларининг барқарор эмаслиги ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг самарадорлиги пастлиги, меҳнат ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланмаганлиги, иш ҳақи ва меҳнат шароитларининг қониқарсизлиги, иш берувчилар томонидан қўйилаётган талабларга касбий тайёргарликнинг мос эмаслиги битирувчиларни ишга жойлашишда сансалорчилик ҳолатларининг мавжудлиги ўрта бўғин кадрларини меҳнат бозорида иш билан таъминлаш ва ҳақиқий иш билан бандлик ҳолатини мониторинг қилишда бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда.

Иш билан бандликни таъминлаш бўйича илмий қарашлар классик мактабнинг йирик намояндаларидан бири бўлган Адам Смит ва унинг издоши Давид Рикардолар ўз таълимотларида бозор тизими ресурслари орасида, ишчи кучи ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муҳим ўрин тутади ва бозорнинг самарадорлигини таъминлашга қодир деб ҳисоблайдилар. Бу борада француз олими Жан Батист Сей ҳам ишчи кучи ва иш билан бандлик муаммолари бўйича ўз қарашларига эга бўлиб, қатор масалалар бўйича классиклар тутган йўлни тўғри деб баҳолайди.

XIX аср охирларида классикларнинг издошлари уларнинг умумий ғоя ва қарашларини ривожлантириб иқтисодиёт назариясининг неоклассик йўналишини юзага келди. Бу йўналишнинг асосчиси Кембриж университетининг профессори Альфред Маршалл (1842-1924) бўлиб, унинг бозор нархи, тадбиркорлик, истеъмолчилик ҳулқи ва бошқа бир қанча янги назарий қоидалари маълум ва машҳурлашиб ҳозир ҳам иқтисодчилар ундан фойдаланиб келмоқдалар. А.Маршалл талаб ва таклифни тартибга солиш аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга иқтисодий кўрсаткич эканлигига эътибор қаратган.

Шу билан бирга, у бутун ишчи кучи талабини пировард натижа сифатида тартибга солувчи нарса истеъмолчиларнинг талаби бўлиб, унинг мутаносиблиги бозор иқтисодиётидаги муносабатларда ўз-ўзидан амалга оширилади деб ҳисоблаган. Неоклассик назариянинг бошқа вакиллари каби А.Маршалл ҳам аҳолига бериладиган юқори иш ҳақи муқаррар равишда иш билан бандлик даражасини камайтиради ва ишсизлик миқдорини оширади деб ҳисоблаган ҳамда буни асослаш учун у “Энг кам унумдорлик назарияси”дан фойдаланган.

Иш билан бандлик бўйича ҳозирги замон назариялари турли мамлакатлар ва турли вақтларда иқтисодий сиёсат, шу жумладан, аҳолининг иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишда турли назариялардан фойдаланилган. Бироқ 30-йилларда рўй берган энг кучли жаҳон инқирози давридан бошлаб кейнсчилар назарияси устун назария бўлиб қолди, деб айтиш мумкин. Ундан АҚШ президенти Ф. Рузвельт томонидан мамлакатни чуқур тангликдан олиб чиқиш ва оммавий ишсизликни бартараф этиш чораларини кўришда фойдаланилди.

Кейнс назариясининг қоидалари АҚШда 1946 йилда қабул қилинган “Аҳолининг иш билан бандлиги” тўғрисидаги Қонунда, иш билан тўлиқ бандлик ва балансли ривожланиш тўғрисидаги 1978 йилги Қонунда ўз ифодасини топди. Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги 1946 йилдаги Қонунда, хусусан қуйидаги фикр келтирилган: “Конгресс федерал ҳукуматнинг доимий сиёсати ва масъулияти барча амалий воситалардан, барча

лаёқатли, ишлашни хоҳлайдиган ва иш қидираётган барча кишиларга ишга жойлашиш учун тегишли имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланишдан иборат.

Самуэльсон Қонуннинг шу қисмини иқтибос қилиб келтирар экан, шундай фикр билдиради: “Аҳолининг иш билан бандлиги” тўғрисидаги 1946 йилги Қонун мамлакатимизда жорий этилган муҳим янгилик ҳисобланади. У ҳукумат зиммасига иш билан бандликни таъминлаш учун масъулият юклади ва аник ҳаракатлар учун ҳукумат ва конгрессда тегишли механизм яратилди”.

Мазкур жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунда ҳам ўз аксини топган бўлиб амалий жиҳатдан мукамал ҳолга келтирилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Х.Абдурахмонов, Х.П.Абулқосимов, Б.Х.Умурзаков, Г.Қ.Абдурахмонова, З.Я.Худойбердиев, Н.Қ.Зокирова, С.Б.Ғойибназаров ва бошқалар меҳнат бозорининг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги, ишсизлик муаммоси, таълим тизими, таълим хизматлари бозори, таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро интеграциялар, таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини ошириш, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича илмий изланишларни амалга оширганлар.

Жумладан: Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари уларнинг мамлакат меҳнат потенциалини шакллантиришдаги роли билан белгиланади. Меҳнат бозорига кириб келадиган ва меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қиладиган битирувчи ёшларнинг сони корхона ва ташкилотлардаги кадрларнинг бўшаш кўламига боғлиқ бўлади. Яъни қайси соҳа ва йўналишларда ишдан бўшаш кўпроқ бўлса, шу соҳада ишловчи битирувчи ёшлар сони ортиб боради.

М.Мирзакаримова ва У.Раҳимовларнинг илмий мақолаларида тадбиркорлар, давлат ва таълим муассасалари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш борасида республикада мавжуд муаммолар ҳамда амалга оширилаётган тадбирлар таҳлил қилинган.

Ш.Кудбиевнинг мақоласида ўқувчи-ёшларнинг меҳнат бозори тўғрисидаги билимларини кенгайтириш, ўз карьерасини муваффақиятли ташкил этиш йўллари ҳақидаги тасаввурларини ошириш уларнинг меҳнат бозорига рақобатга етарлича тайёр бўлишига олиб келади, кўпчилик ёшларда ўзи эгаллаётган касб-ҳунар имкониятлари тўғрисида кўпроқ хаёлий таассуротлар устун деган хулоса қилинган. Шунингдек, амалий касбий фаолиятга кириб боришнинг биринчи давридаёқ бу тасаввурларнинг амалга ошмаслиги натижасида уларда ҳадиксираш, журъатсизлик билан боғлиқ мураккаб ижтимоий ҳолат юзага келиши ва бу борадаги масалаларнинг ечимини топишда касбга йўналтирилган таълим имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан кўриш мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми, профессионал таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашда чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мазкур тадқиқот ишида мамлакатимиз ҳамда хорижий ривожланган мамлакатлар

иқтисодчи олимларининг бандликни таъминлаш, унинг аҳамияти ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда бандликни таъминлашнинг тутган ўрни бўйича илмий-тадқиқот ишлари, олимларнинг қарашлари ҳамда билдирган фикр-мулоҳазалари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Тадқиқот давомида республикамиздаги профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган амалий тадбирлар, уларнинг натижалари, профессионал таълим муассасалари битирувчилари иш билан бандлигини таъминлаш ва профессионал таълимдан кейинги таълимни давом эттиришлари ҳолати, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда ўзгаришларнинг йиллар бўйича динамикаларини таҳлил этишда тизимли ёндашув, статистик, кузатиш ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўзаро таъсирининг алоҳида жиҳатлари, битирувчилар бандлиги муаммолари миллий ва хорижий адабиётларда етарли даражада кенг ёритиб берилган. Бироқ меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорининг минтақалар кесимидаги профессионал таълим соҳасидаги ўзаро таъсири, Профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш масалалари янада катта эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Республикамизда профессионал таълим тизимини ривожлантиришга эътибор кучайиб бормоқда. Таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасини ҳар йили 1 декабрдан кечиктирмай Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида мувофиқ, меҳнат бозори талабларига мос юқори маалака кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун маалака ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими ташкил этилди.

Шунингдек, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб техникумлар ўқувчиларига амалиёт ўташ жойларини ташкил қилиш ҳамда келгусида ишга жойлашишлари учун республикадаги 800 га яқин тармоқ корхона ва ташкилотларга бириктириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сон қарори қабул қилинган.

Қарорда ҳар йили 1 майга қадар техникум битирувчиларининг бандлигини таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳар йили июль-август ойларида техникум битирувчилари учун ҳар бир туман ва шаҳарда иш берувчиларни жалб қилган ҳолда ярмаркалар, шу жумладан "Карьера куни" тадбирларини ўтказиш, ўқув йили давомида ишлаб чиқариш ташкилотларида тасдиқланган режа-графиклар асосида "Очиқ эшиклар куни"ни ташкил этиш белгиланди.

2021 йилда 171 та техникумда битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш

мақсадида 414 та “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 26 367 нафар техникум битирувчилари иштирок этди.

2022 йилнинг июль-август ойларида Республикадаги 163 та техникумдаги 21 804 нафар битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги 944 та иш берувчи корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда 370 мартаба “Карьера куни” тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг тадбиркорлик билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида олий ва профессионал таълим муассасаларида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш”, “Туризмда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш” ва “Бизнесни ташкил этиш ва юритиш” фанлари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

2021-2023 йилларда Хизматчиларнинг асосий лавозимлар ва ишчилар касблари классификатори лойиҳаси тайёрланиб умумий сони 12 151 бирликка етказилди.

Профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори таълимнинг халқаро стандарт классификацияси асосида табақалаштирилган 3 та таълим даражасига мувофиқ, 10 та билим соҳаси, 22 та таълим соҳаси ва 132 та таълим йўналишларини қамраб олди.

Мазкур классификаторда профессионал таълим даражалари бўйича:

- бошланғич профессионал таълим даражасида (3-даража) 239 та касблар бўйича 511 та квалификация;
 - ўрта профессионал таълим даражасида (4-даража) 339 та касб ва мутахассисликлар бўйича 665 та квалификация;
 - ўрта махсус профессионал таълим даражасида (5-даража) 136 та мутахассисликлар бўйича 196 та квалификациялар мавжуд.
- Жами 714 та касб ва мутахассислик (1372 та квалификация)ни ўз ичига олган.

Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ўтган қисқа вақт мобайнида 2020-2022 йиллар давомида республикадаги профессионал таълим муассасаларига жами 565 минг нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар ҳамда касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган катта ёшдаги фуқаролар ўқишга қабул қилинди.

1-жадвал

Профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумот

Т/р	Таълим муассасаси	2020/2021 ўқув йили (ўқувчилар сони)	2021/2022 ўқув йили (ўқувчилар сони)	2022/2023 ўқув йили (ўқувчилар сони)
1.	Касб-ҳунар мактаби	79 217	92 634	99 040
2.	Коллеж	54 270	46 869	42 369
3.	Техникум	47 078	52 992	50 731

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайти.

Шунингдек, 2021-2023 йилларда Республикадаги 704 та профессионал таълим муассасаларини 346 234 нафар ўқувчилар битириб меҳнат бозорига кириб келишган.

2-жадвал

**Профессионал таълим муассасаларини тугатган битирувчилар сони
тўғрисидаги маълумот**

Т/р	Таълим муассаса	2020/2021 ўқув йили (битирувчилар сони)	2021/2022 ўқув йили (битирувчилар сони)	2022/2023 ўқув йили (битирувчилар сони)
1.	Касб-ҳунар мактаби		74 350	85 108
2.	Коллеж	5038	47 189	48 981
3.	Техникум	2383	22 983	60 202

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайтидан олинган.

Шу билан бирга, 20 017 нафар яъни 18 фоиз битирувчиларнинг бандлиги таъминланмаган. Бу эса меҳнат бозорида Республикамизда кенг қўламли ислохотларга қарамай битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишларида бир қанча муаммолар мавжуд. Жумладан, иш берувчилар билан таълим муассасалари интеграцияси яхши йўлга қўйилмаган. Иш берувчиларнинг эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрланиши натижасида мазкур кадрлар иш берувчиларнинг талабларига жавоб бермайди. Натижада иш берувчилар томонидан қўйилаётган талаблар касбий тайёргарликнинг мос эмаслиги ҳамда битирувчиларни иш берувчилар томонидан баҳоланмаслиги уларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишларида ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, профессионал таълим муассасалари томонидан битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 163-сон қарори билан Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низом асосида бугун жойларда ушбу таълим тажрибаси қўлланилиб келинмоқда. Ҳаммамизга маълум, иқтисодий ривожланишида ўрта бўғин кадрларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчи касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж жуда юқори кўрсаткичларни ташкил этади. Шунинг учун, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ўрганилиб, замонавий технологиялар ва дастгоҳларда ўқиш билан бир вақтда корхона, ташкилотларда иш фаолиятини олиб бориш имкониятини берувчи дуал таълим шакли Ўзбекистон таълим тизимида киритилди.

4-жадвал

**Профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган дуал таълим шакли
бўйича маълумот**

Т/р	Таълим муассаса ва ўқувчилар	2021/2022 ўқув йили	2022/2023 ўқув йили	2023/2024 ўқув йили (прогноз)
1.	Таълим муассасалари сони	63	115	148
2.	Ўқувчилар сони	2125	4350	5954
3.	Тузилган шартномалар сони	1537	1651	1865

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайтидан олинган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва унинг ҳудудларда жойлашган ҳудудий меҳнат органлари ва маҳаллий меҳнат органлари ҳисобланади.

2021-2023 йилнинг шу давригача Республикамизда маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 7073 та бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этилган.

Шундан 2021 йилда 73 146 та корхона ва ташкилотлар иштирокида 2358 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилган бўлиб, бунда 36372 нафар таълим муассасалари битирувчилари иштирок этган, шундан ишга жойлашганлари - 6085 нафар, касб-ҳунарга ўқитишга жалб этилгани - 1180 нафар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига - 695 нафарни ташкил қилади.

2022 йилда 97 480 та корхона ва ташкилотлар иштирокида 3167 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилган бўлиб, бунда 35820 нафар таълим муассасалари битирувчилари иштирок этган бўлиб, шундан ишга жойлашганлари - 7490 нафар, касб-ҳунарга ўқитишга жалб этилгани - 2555 нафари, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига - 626 нафарни ташкил қилади.

2023 йилнинг 6 ой давомида 38622 та корхона ва ташкилотлар иштирокида 1548 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилган бўлиб, бунда 9436 нафар таълим муассасалари битирувчилари иштирок этган, шундан ишга жойлашганлари - 891 нафар, касб-ҳунарга ўқитишга жалб этилгани - 2555 нафари, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига - 162 нафарни ташкил қилади.

Бундан ташқари, маҳаллий меҳнат органлари томонидан 2021-2023 йилнинг шу давригача меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилган 991 358 нафар ишсиз фуқароларнинг бандлигига кўмаклашилган.

Шундан, 2021 йилда 393 805 нафарни, 2022 йилда 407 005 нафарни, 2023 йилнинг 6 ой давомида 190 548 нафар ишсиз фуқароларни меҳнат органлари томонидан бандлигига кўмаклашилган.

Ёшларни биринчи марта меҳнат бозорига кириб келаётган битирувчиларни меҳнат бозорига тайёрлаш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Жумладан, Европада ёшлар учун 3000 га яқин виртуал корхоналар реал корхоналар сифатида фаолият юритмоқда: директори, бухгалтерияси, менежерлари бор, ҳужжатлари юритилади, ҳар бир ходимнинг иш вақти ҳисобга олинди, ишига баҳо берилади ва иш ҳақи тўланади.

Ёшлар бундай фирмаларда 13 ҳафтанинг 3 ҳафтасида виртуал корхонанинг реал аналогига стажировкада бўлади. Стажировкани муваффақиятли тугатганларга 13 ҳафталик иш стажи ҳисобланади. Иш ҳақи меҳнат органлари томонидан тўланади. Одатда бундай ишга ўқишни эндигина тугатган тажрибасиз ёш мутахассислар ёки узоқ вақт иш излаётган ёшлар юборилади.

Бундан ташқари, Бельгиянинг “Розетта-бис План” (“Rosetta-bis Plan”) лойиҳасига кўра тадбиркорлик орқали ўзини ўзи иш билан таъминламоқчи бўлган ёшларга маҳаллий бошқарув идоралари томонидан молиявий ёрдам кўрсатилади. Шунинг учун Белгияда ёшлар орасида ўзини ўзи банд қилиш дунёда энг юқори ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш бўйича ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар мавжуд.

Жумладан:

- Меҳнат бозорида керакли касбларни прогнозлаш механизми мавжуд эмас;
- ўрта бўғин кадрларга бўлган талабни ўрганиш тизими жорий этилмаган;
- хусусий секторда ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тизими йўлга қўйилмаган;
- ҳудудлардаги мавжуд бўш(вакант) иш ўринларидаги ўрта бўғин кадрларга эҳтиёжларни соҳалар кесимида таҳлил қилинмайди;
- кейинги уч ва беш йилда меҳнат бозорида вужудга келадиган мавжуд соҳаларни таҳлил қилиш тизими йўлга қўйилмаган;
- хорижий ривожланган давлатларнинг тегишли меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёж ўрганилмайди;
- бўш иш ўринлари ҳақидаги ахборотларнинг етарли эмаслиги;
- битирувчиларнинг бўш иш ўринлари ва иш топишнинг тегишли усуллари ҳақида етарли даражада хабардор эмаслиги;
- меҳнат органлари томонидан таклиф этилаётган иш ўринларининг жозибадор эмаслиги (паст иш ҳақи, қониқарсиз меҳнат шароитлари ва бошқалар);
- ёш мутахассисларнинг иш тажрибаси етарли эмаслиги;
- битирувчиларнинг баҳолаш жараёнлари иш берувчилар томонидан баҳоланмаслиги.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва билдирилган фикрлар ҳамда мавжуд муаммоларни инобатга олиб, профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Меҳнат бозорида аниқ талабдан келиб чиқиб, касб-хунарга ўқитиш давлат буюртмасини ҳудудий инвестиция дастурлари асосида яратилаётган иш ўринларини инобатга олган ҳолда шакллантириш;
- меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш учун бугун ва истиқболда қандай мутахассисларни қанча миқдорда тайёрлаш кераклигини, замонавий корхоналарда меҳнат фаолияти олиб бориш лаёқатларига эга бўлиш учун улар қандай касбий билим ва кўникмаларга эга бўлишлари кераклигини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- меҳнат бозорида 2030 йилгача мавжуд янги пайдо бўладиган касблар рўйхатини шакллантириш;
- давлатнинг фаол бандлик сиёсати орқали, хусусий секторда ташкил этилаётган иш ўринларига ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорларга имтиёзлар бериш;
- ёшлар бандлиги самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлардан, жумладан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишдан корхоналарни манфаатдорлигини оширадиган солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланиш, ёшларни ишга қабул қилиш учун қўшимча квоталар ажратиш лозим;
- меҳнат бозорида кадрлар тайёрлаш эҳтиёжини шакллантиришда хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, хусусий сектор вакиллари томонидан яратилаётган иш ўринларига касб (мутахассислик)лар бўйича кадрларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

- профессионал таълим муассасаларига қабул параметрларини шакллантиришда хусусий сектор бюртмаларини шакллантиришда Савдо саноат палатасининг ролини ошириш;
- ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган дастурлар, кириб келаётган хорижий инвестиция лойиҳалари, турли давлатлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар, хусусий секторнинг ривожланиш истиқболлари ҳамда ҳудудларнинг ихтисослашуви асосида ташкил бўладиган янги иш ўринлари, хусусан меҳнат бозорига кириб келадиган замонавий касблар бўйича олдиндан прогноз ўрганишларни ташкил этиш;
- ваколатли вазирликлар ва уларнинг тизимидаги институтлар, турли грантлар асосида жалб этиладиган тадқиқот марказлари ва ташкилотлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар йили

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ҳолат ҳамда келажак бўйича миллий ҳисоботлар тайёрлаш;

- профессионал таълим муассасалари битирувчиларини баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш. Бунда Германия баҳолаш стандартини жорий этиш. Касбий амалий имтиҳон шаклида иш берувчилар ва экспертлар томонидан баҳоланади;
- умумтаълим мактаблари, профессионал таълим, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини мониторинг қилиш тизимини рақамлаштириш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ягона электрон платформа жорий қилиш. Бунда мазкур платформа Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги битирувчилар контингенти киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон нашриёти - "Янги Ўзбекистон стратегияси" – Тошкент 2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси" Тошкент, 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги ЎРҚ-642-сон Қонуни 2020 йил 20 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун, ЎРҚ-798-сон. 2022 йил 28 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.
7. Қаландар Абдурахмонов – "Меҳнат иқтисодиёти" назария ва амалиёт дарслик. Иқтисодиёт нашриёти. Тошкент 2019 йил.
8. Гулнора Абдурахмонова – "Меҳнат иқтисодиёти" ўқув қўлланма Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент 2020 йил.
9. Б.Умурзаков, Б.Алимухаммедов Т.Махмудов – "Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларининг асосий вазифалари ва фаолияти" – Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент 2021 йил.
10. Г.Абдурахмонова. - "Инсон ресурсларини бошқариш" дарслик Фан нашриёти Тошкент 2021 йил.

Интернет сайтлари

11. <https://www.gov.uz> — Ўзбекистон Республикаси давлат портали
12. <https://mehnat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти
13. <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
14. <https://edu.uz> — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА КОЛЛАБОРАТИВ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

С.Ю. Ашурова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти бўлим бошлиғи, педагогика
фанлари номзоди, профессор

Аннотация. Ушбу мақола замонавий таълимда коллаборатив технологияларни қўллашда ҳамкорликда ўқитишнинг мазмуни, коллаборатив технологияларни таълим жараёнида қўллашнинг аҳамияти ва коллаборатив методларни қўллаш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: лойиҳалаш, ҳамкорлик, технология, дастур, таълим, профессионал, таълим сифати, метод, коллаборатив таълим

Аннотация. Данная статья посвящена содержанию коллаборативного обучения при использовании коллаборативных технологий в современном образовании, важности использования коллаборативных технологий в образовательном процессе, использованию коллаборативных методов.

Ключевые слова: дизайн, коллаборация, технология, программа, образование, профессионал, качество образования, метод, коллаборативное обучение

Annotation. This article is devoted to the content of collaborative teaching in the use of collaborative technologies in modern education, the importance of using collaborative technologies in the educational process, and the use of collaborative methods.

Key words: design, collaboration, technology, program, education, professional, quality of education, method, collaborative education

Мамлакатимизда профессионал таълим самарадорлигини ва сифатини ошириш, унинг мазмунини такомиллаштириш кўлами кенгайиб бораётир. Таълим сифатини ошириш, илмий-услубий ҳамда ўқув-методик таъминотнинг мазмун жиҳатидан мутлақо янги тизимини яратиш, замонавий талабларга жавоб берадиган янги таълим муассасаларининг барпо этилиши, мавжудларини бугунги кун талаблари асосида реконструкция қилиниши, уларни энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари, лаборатория ва ўқув жиҳозлари билан жиҳозланиши, ўқув жараёнига янги авлод ўқув адабиётлари ҳамда педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилиши профессионал таълим тизимининг барча бўғинларида ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил этиш имкониятини яратди. Шу билан бирга ўқув машғулотлари самарадорлигини янада оширишнинг янги имкониятлари мавжуд бўлиб, улардан

кенгроқ фойдаланиш яхши самара беради. Шундай имкониятлардан бири – бу ўқув машғулотларини коллаборатив технологиялар асосида олиб боришни ташкил этишдир.

Сўнги пайтларда замонавий таълимда ўқитиш ва тарбиялашда янги ёндашувларни излаш бўйича олимлар турли педагогик стратегияларни ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу тадқиқот маконини кенгайтиради ва шу тариқа, бир томондан, маълум стратегия контекстида таълим турлари ва технологияларини кўриб чиқиш, иккинчи томондан, ўқитиш



ва тарбиялашнинг янги стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Албатта, бунда машғулот шаклларини танлашда мавзунинг моҳиятига алоҳида эътибор берилади. Барча шаклдаги машғулот жараёнларида таълим олувчилар хулқи, маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун савол-жавоб қилиш, мунозарали вазият пайдо қилиш, мустақил ишлаш, турли ўйинлардан фойдаланиш каби усулларни қўллаш муҳимдир. Марказда ўқув жараёнини ташкил этишда коллаборатив таълим технологиясини қўллаш яхши самара беради [2].

“

**Педагогика фанида
“коллаборатив” атамаси
“ҳамкорлик”, “шериклик”
деган маънони англатади.
Бу умумий мақсадларга
эришиш учун одамларнинг
биргаликдаги фаолияти
жараёнини англатади -
билим алмашиш, ўрганиш
ва келишувга эришиш.**

Ҳамкорлик асосида ўрганиш стратегиялари: коллаборатив таълим, коллаборатив ўрганиш, билимларни бошқариш, мустақил ўрганиш, тармоқлар орқали ўрганиш.

Ушбу ёндашув доирасида коллаборатив ўрганиш ҳамкорликдаги ўрганиш стратегиясини англатади. Инглиз тилидан таржима қилинганда ҳамкорлик “умумий”, “бирлашган”, “қўшма” деган маънони англатади.

Бугунги кунда коллаборативлик обрўли ва истиқболли деган маънони англатади.

Айни пайтда, бундай концепция яшаш ҳуқуқига эга ва Интернетдаги коллаборативлик барча нарсаларга мингдан ортиқ ҳаволалар бунинг ишонч-

ли далилидир. Технологиялар, лойиҳалар, жараёнлар, дастурлар, иловалар, ишлар, тренинглари, тадқиқотлар коллаборативликда бўлиши мумкин.

Инглиз тилидан – collaborative – умумий, бирлашган, ҳамкорлик деган маъноларни англатади.

“Коллаборатив ўрганиш” (ҳамкорликда ўрганиш) таърифи муаммони ҳал қилиш, топшириқни бажариш ёки маҳсулот яратиш учун ўқувчиларнинг жамоавий ишини ташкил қилиш имконини берадиган ўрганиш стратегияси сифатида тушунилади.

Н.В.Павелеванинг фикрича, “коллаборатив (қўшма) таълим ўқувчилар ўртасидаги ёки ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги яқин ҳамкорлик асосида қурилган ёндашувдир. Жараён иштирокчилари маълумотни фаол биргаликда қидириш, муҳокама қилиш ва маъноларни тушуниш орқали билимга эга бўладилар [4].

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш таълим олувчиларнинг умумий таълим мақсадига эришишга қаратилган биргаликдаги фаолияти амалга ошириладиган синфдаги гуруҳ ишларини ўз ичига олади [1].

Сўнги йилларда электрон таълим контекстида “коллаборатив ўрганиш” атамаси қўлланила бошланди – бу ўрганиш мақсадларида турли хил Web 2.0 хизматларидан фойдаланишдир. Демак, педагогик ўзаро ҳамкорлик ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланади. “Web-2.0” атамаси Жаҳон миқёсидаги глобал ахборот тизимини қуришга янгича ёндашувни назарда тутди, бу эса ўз навбатида Фойдаланувчининг пассивлигини фаолликка ўзгартирди. Фойдаланувчи талабадан контент яратувчига айланади. Web-2.0 хизматлари намунаси бўлган “вики” ва “блог”, Моодле каби янги интернет технологиялари компьютерни ўқитиш муҳитини яратишда янги ёндашувни шакллантирди. “Блог” – бу асосий мазмуни мунтазам равишда

вақтинчалик аҳамиятга эга бўлган ёзувлар (хабарлар) қўшилган, тескари хронологик тартибда тартибланган, тасвирлар ёки мультимедияни ўз ичига олган веб-сайт. Блогларда ташриф буюрувчилар шарҳ ва изоҳлар жойлаштиришлари мумкин, бу блогларни тармоқлараро алоқа муҳитига айлантиради.

Айтиш керакки, педагогик адабиётларда маъно жиҳатдан жуда яқин бўлган иккита атама кўриб чиқилади: “коллоборатив ўрганиш” ва “ҳамкорликда ўрганиш”, шу сабабли баъзи муаллифлар ушбу тушунчаларни алмаштирадilar, уларнинг хусусиятларини тавсифлашда ноаниқликларга йўл қўядилар. Баъзи ҳолларда тадқиқотчилар ушбу тушунчаларга қарши чиқадилар ёки ҳамкорликни ҳамкорликни амалга ошириш воситаси сифатида кўришади.

Ж. Фрейсиннинг ҳамкорликдаги таълим ҳақидаги мулоҳазалари уни “ҳамкорликни ўзаро таъсир фалсафаси ва ҳаёт тарзи сифатида кўриш мумкин, унда одамлар ўз ҳаракатлари, жумладан, ўрганиш учун масъул бўлган ҳамда

шерикларининг имкониятлари ва ҳиссаларини ҳурмат қиладиган ҳаёт тарзи сифатида кўриш мумкин” деган фикрга олиб келади [5, б.10].

А.В.Куликов ҳам худди шундай нуқтаи назарга эга бўлиб, у “коллоборатив ўрганиш катта эҳтимол билан таълим фалсафаси: биз бирга ишлаймиз, бирга ўқиймиз, бирга ўзгарамиз, бирга такомиллаштириламиз”, деб таъкидлайди. Бу фалсафа жамиятнинг ҳозирги ҳолатига уйғунлик билан мос келади [6, б.105].

Коллоборатив ўқитишда ўқитувчи гуруҳнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаракат қилади. Гуруҳ мотивация, маълумот манбаи, ўз-ўзига ёрдам ва ўзаро ёрдам воситаси, билимларни жамоавий куриш учун ўзаро таъсир жойидир.

Ҳамкорликдаги таълим бир қатор назария ва тушунчаларга асосланади:

- 1) билимларни бошқариш, билимларни конвертация қилиш тушунчалари;
- 2) ҳамкорлик педагогикасининг концептуал қоидалари;
- 3) жамоавий, биргаликдаги фаолият, коллегиялик ғоялари;
- 4) алоқа назарияси қоидалари, чунки ушбу ўқув стратегиясида мулоқот билим алмашишнинг асосий воситасидир.

Ҳамкорликдаги таълимнинг тарбиявий аҳамияти ҳамкорлик педагогикаси ғоялари билан таъминланади, бу ўқув жараёнида барча субъектлар умумий фаолиятда дўстлик, ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, коллективизм муносабатлари билан бирлаштирилганлигини тушунишга имкон беради. Ҳамкорлик ҳар бир инсоннинг манфаатлари ва истакларини ҳисобга

“

Коллоборатив ўқитиш «ўрганишнинг табиийлиги» вазиятини яратишга имкон беради, бунда «инсон билимлари ижтимоий ўзаро таъсир орқали кенгайтирилади, ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги рағбатлантирилади. Коллоборатив ўқитиш жараёнида ўқувчи ўз ресурсларини гуруҳ билан баҳам кўради, ўрганиш учун гуруҳ ишларидан фойдаланади» [2, б.67]. Унинг фаолиятининг тузилиши очиқлик, мослашувчанлик ва унда кўтарилиш - эркинликка эга бўлади.

олиш, қўллаб-қувватлаш, келишмовчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, ён беришни ўз ичига олади. Бу конфликтни бошқариш шароитида хатти-ҳаракатларнинг энг самарали шакли.

Коллаборатив ўрганиш таълим салоҳиятига эга бўлиб, ҳамкорлик қилиш, низоларни ҳал қилиш, жамоа, ҳамкорлар билан ўзаро муносабатда бўлиш қобилияти ва тайёрлигини шакллантиришга ёрдам беради. Талабалар ҳамкорлик тамойиллари асосида биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва иштирок этишни, шерик сифатидаги родини тушунишни ўрганадилар. Шу билан бирга, улар ўзлари ўрганганидан фарқ қиладиган турли хил қарашлар ва хулқ-атвор турларига бағрикенглик, биргаликдаги иш натижалари учун жавобгарлик, шахсий фазилатларини ривожлантирадилар, бировнинг нуқтаи назарини ҳурмат қилиш, шерикни тинглаш, бизнес муҳокамасини ўтказиш, зиддиятли вазиятларда ва мунозарали масалаларда келишувга эришиш қобилияти шаклланади.

Ҳамкорликдаги таълим самарадорлиги қуйидаги хусусиятларда ифодаланади:

- **ижобий ўзаро боғлиқлик:** ҳар бир талаба ишда тўлиқ иштирок этиши, ўз вазифасига эга бўлиши, бунинг учун у бошқалар олдида жавобгар бўлиши, унинг ютуқлари гуруҳ самарадорлигига таъсир қилишини тушуниши керак;
- **юзма-юз мулоқот:** ёрдам бериш, бир-бирининг муваффақиятини тарғиб қилиш;
- **ижтимоий кўникмалар:** ҳар бир талаба мулоқотнинг

**самарали усуллари,
шахслараро ва гуруҳдаги
ўзаро муносабатларни
ўзлаштиради;**

- **гуруҳни баҳолаш:** гуруҳ унинг самарадорлигини баҳолаши, уни яхшилаш йўллари ишлаб чиқиши керак .

Таълим олувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий фаолиятда, маълум мақсадга эришмоқ учун ўқитувчи таълим олувчиларни ҳамкорлик жараёнига тортиши зарур. Ўқитувчи қандай қилиб таълим олувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олиши хусусида қисқача маълумот бериб ўтамыз:

- ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил этилиши лозим бўлган фаолият таълим олувчиларга қизиқарли бўлиши, уларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларига мос келиши керак;

- таълим олувчиларни бирор ишга жалб қилар экан, ўқитувчи уларга педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, йўл-йўриқ кўрсатиши шарт;

- таълим олувчилар топшириқни бажаришга киришганларида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда қўлланилаётган ўқитиш технологияларининг энг самарали усулларида бири – бу ҳамкорликда ўқитиш технологиясидир [3].

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг диққат маркази асосида: ўқитувчи – таълим олувчи ва таълим олувчи – таълим олувчи билан ҳамкорликда давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув дастури, ўқув режасида ўзлаштирилиши керак бўлган мавзуларни бир-бирига кўмак берган ҳолда бажарадилар. Айниқса, берилган ўқув материали таълим олувчилар томонидан қайта ишланиб, ўзлаштирилади. Ҳар бир таълим олувчида мустақил ишлаш, мустақил фикр юритиш, мавзуни

лойиҳалаш билан билиш фаоллиги ошиб боради. Таълим олувчилар бир-бирлари билан мавзу юзасидан мунозарада бўлиб, ўқув бахсини юритади. Энг муҳими таълим олувчи мавзунинг таҳлил қилиши давомида ўқув жараёнининг тингловчиси эмас, балки иштирокчисига айланади.

Махсус фанлар бўйича ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг бош ғояси – ўқув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш, балки ўқитувчи – таълим олувчи, таълим олувчи – таълим олувчи билан ҳамкорликда иш бажариб, таълим олувчининг интеллектуал салоҳияти шаклланиб бориб, яратувчанлик, кашфиётчилик қобилиятлари ривожланишига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда махсус фанлар бўйича машғулот жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси қўлланилганда ҳар бир таълим олувчининг ақлий меҳнат асосида фикр юритишида шахс сифатида бир-бири билан онгли муносабатни тарбиялайди. Уларнинг кучи ва қобилиятига ишончи ортади. Ҳар бир таълим олувчининг муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини тушунади. Бу эса таълим олувчиларнинг ўқув материални янада мукамал ўрганишларига, алоҳида пухта илмий изланишларига сабаб бўлади. Таълим олувчилар бир-бирларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришиб, мустақил фикрлайдилар ва ўз фикрларини бемалол ифодаладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Строкова Т.А. Индивидуальная стратегия обучения: сущность и технология разработки // Образование и наука. 2005. № 4. С. 17-26.
2. Тарханова И.Ю. Интерактивные стратегии организации образовательного процесса в вузе: учебное пособие. Ярославль: Изд-во ЯГПУ, 2012. 67 с.
3. Образовательные стратегии и технологии обучения при реализации компетентностного подхода в педагогическом образовании с учётом гуманитарных технологий: Методические рекомендации. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2008. 108 с.
4. Павельева Н.В. Коллаборативное обучение как модель эффективной реализации образовательного процесса // Образование. Карьера. Общество. Кемерово, 2010. № 3 (29). С. 30–37.
5. Фрайсин Ж. Обучение в цифровых сетях: кооперативное обучение, коллаборативное обучение и педагогические инновации // Непрерывное образование XXI век. Петрозаводск: ПетрГУ, 2016. № 4 (16). С. 1–18.
6. Куликов А. В. Системы дистанционного коллаборативного обучения и некоторые аспекты технологии их разработки // Инновации и современные технологии в системе образования: материалы ИИ Международной научно-практической конференции 20–21 февраля 2012 г. Пенза–Ереван–Шадринск: Научноиздателский центр «Сотсиосфера», 2012. С. 105–107.

МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИ: МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Ш.А. Шарофаддинов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий сабаблари, миллий малака тизимининг жорий этилиш тарихи ва унинг ҳуқуқий асослари ҳамда мазкур тизимнинг жорий этилиши орқали меҳнат бозори ва таълим хизматлари интеграциясининг таъминланиши билан боғлиқ жараёнлар ёритилган.

Калит сўзлар: Миллий малака тизими, миллий малака рамкаси, касбий стандартлар, меҳнат бозори ва таълим хизматлари интеграцияси.

Аннотация. В этой статье рассматриваются основные причины реформ, проведенных в системе профессионального образования, история внедрения Национальной системы квалификаций в нашей стране и ее правовая основа, а также процессы, связанные с обеспечением интеграции рынка труда и образовательных услуг посредством поддержания этой системы.

Ключевые слова: Ключевые слова: Национальная система квалификаций, национальная рамка квалификаций, профессиональные стандарты, интеграция рынка труда и образовательных услуг

Annotation. This article examines the main reasons for the reforms carried out in the vocational education system, the history of the introduction of the National Qualifications System in our country and its legal basis, as well as the processes associated with ensuring the integration of the labor market and educational services through the maintenance of this system

Keywords: National Qualifications System, National Qualifications Framework, professional standards, labor market integration and educational services

Иқтисодийнинг турли тармоқларида олиб борилаётган кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий соҳадаларида жадал ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2022 йилда Ўзбекистонга 8 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган, экспорт ҳажми эса 19 млрд долларга етган, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 80,4 млрд долларни ташкил этган¹.

Иқтисодийнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришга янги технологик линияларнинг кириб келиши ва рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши натижасида меҳнат бозорининг кадрларга, шу жумладан, ўрта бўғин кадрларига бўлган талаби ҳам ўзгариб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимидан ушбу ўзгаришларга тез таъсир қилиш меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган зарур касбий ва шахсий компетенциялар, XXI аср кўникмаларига эга мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Юқори малакали кадрлар бу мамлакатнинг энг катта ресурси ҳисобланади. Айнан улар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини ва халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлайди. Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) таҳлилий гуруҳи томонидан Гарвард

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

университети ва Mercer Human халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда Инсон капитали ривожланиши индекси (The Human Capital Index) бўйича эълон қилинган дунё мамлакатлари рейтинги индексида Сингапур, Гонконг, Япония ва Жанубий Корея биринчи тўртликни эгаллаган². Ушбу мамлакатлар чекланган табиий ресурсларга эга бўлсада, юқори инсон капитали ҳисобига иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин олган.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси туб ислоҳотларни белгилаб берди. Хусусан янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, иқтисодий ўсиш суръатлари узлуксиз профессионал таълим тизими олдида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ўзгартириш талабини қўйди. Бандлик ва меҳнат муносабатларини ривожлантириш ишсизликни ва камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозори институтини ривожлантириш, бунда малакали мутахассисларни тайёрлашда уларнинг нафақат маҳаллий меҳнат бозори халқаро меҳнат бозорида ҳам муносиб бандлигини тахминлаш масаласи долзарбдир. Ушбу жараёнда иш берувчиларнинг талабларини аниқ билиш ва уларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш учун ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган механизмнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозори ва таълим тизимининг интеграциясини таъминлаш, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ кадрлар тайёрлаш, ўз навбатида таълим тизимида ҳам халқаро стандарт ва тенденцияларга мувофиқ ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Худди шундай ислоҳотлар 2019-йилда профессионал таълим тизимида амалга оширилди. Олиб борилган тадқиқотлар меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасида қуйидаги номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатди:

01

иш берувчиларнинг касб ва лавозимларга қўйилган талабларни ишлаб чиқишда иштирок этмаслиги сабабли таълим дастурларининг меҳнат бозорида зарур кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаганлиги;

02

таълим муассасаларини, хусусан, профессионал таълим муассасаларини тугатган ёшларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олмаётгани;

03

иш берувчиларнинг меҳнат бозорида қўлида дипломга эга бўлган фуқаролар кўп бўлишига қарамасдан зарур компетенцияга эга бўлган мутахассисларнинг йўқлиги тўғрисидаги эътирозлари;

04

меҳнат бозори ва таълим тизимининг халқаро таълим стандартларига тўлиқ мос эмаслиги;

05

фуқароларнинг норасмий (ноформал ва информал тарзда) эгаллаган билим ва кўникмаларининг тан олиниш механизми мавжуд эмаслиги;

06

таълим дастурларининг касб ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб табақалашмагани;

05

ҳаёт давомида таълим олиш принципларининг самарасизлиги, яъни катта ёшдаги фуқаролар янги квалификацияларни эгаллаши учун етарли шароитлар яратилмаганлиги;

06

ноформал ва информал шаклда эгалланган квалификацияларни валидация қилиш механизми мавжуд эмаслиги.

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш ҳамда халқаро ўзини оқлаган механизмлар асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини жорий этиш мақсадида ЮНЕСКОнинг “Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи” (International Standard Classification of Education (ISCED-2011)) даражалари билан уйғунлаштирилган уч босқичли янги профессионал таълим тизими ташкил этилди. Касб ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, халқаро таълим стандартларига уйғунлаштирилган табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этилди. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ўзгарди. Таълим жараёнини ҳаёт давомида таълим олиш принциплари асосида ташкил этиш йўлга қўйилди. Эндиликда ёшидан қатъи назар борча хоҳловчилар ўзлари хоҳлаган касб ёки мутахассислик бўйича ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Таълим муассасаларини бошқариш тизимига ўзгартиришлар киритилди ва бошқарув жараёни либераллаштирилди.

Шу билан бирга, халқаро тажрибалар асосида меҳнат бозори ва таълим тизими интеграциясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда Миллий малака тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий малака тизими ўзи нима ва у қандай қилиб меҳнат бозори ва таълим тизими интеграциясини таъминлаши мумкин?

Миллий малака тизими – бу меҳнат бозори томонидан ходимларнинг малакасига бўлган талабни ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими томонидан малака таклифини ҳуқуқий ва институционал тартибга солиш механизмлари мажмуидир ².

Миллий малака тизими барча шаклларда эришилган таълим натижалари ва малакаларни тан олади. Формал, ноформал ва информал таълимни тан олиш, тасдиқлаш ва аккредитация қилишда муҳим восита ҳисобланади. Миллий малака тизими орқали ўқувчилар таълим олиш учун янада кенгроқ ва мослашувчан имкониятларга эга бўладилар. Бу нафақат ички балки халқаро бозорда ҳам ўқувчи ва ишчиларнинг ҳаракатчанлигини ошириши мумкин.

Миллий малака тизими бугунги тез ўзгарувчан иқтисодий шароитда ишлаб чиқариш ва хизматларга бўлган талабларни қондириш учун кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида кўрилади. Малака ва аниқ таълим натижалари учун ягона стандартларни белгилаш орқали фуқароларга ўз таъ-

² <https://lex.uz/docs/4814154>

лим йўллари аниқ белгилаш имкониятини беради. Миллий малака тизими ўқувчиларнинг вертикал ва горизонтал йўналишда ривожланиш имкониятини яратади ва уларнинг олдинги олган билимларини формал, ноформал ва информал шаклда бўлишидан қатъи назар, тан олиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда Миллий малака тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги ВМҚ-287-сон қарори. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида «Миллий малака рамкаси» тасдиқланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 сентябрдаги ВМҚ-616-сон қарори.

Тизимни мувофиқлаштирувчи миллий орган, миллий квалификация рамкалари, касбнинг квалификация даражасига қараб меҳнат фаолияти(касб) ва квалификация турлари рўйхати, Тармоқлар малака рамкалари, малака даражалари ва талабларини ўз ичига олган каталог, касбий стандартлар, таълим стандартлари ва дастурлари, малакаларни мустақил баҳолаш/сертификатлаш марказлари, профессионал таълим дастурларини аккредитациялаш ташкилотлари Миллий малака тизимининг асосий элементлари ҳисобланади³.

Миллий квалификация рамкаси – таълим ва касбга ўргатиш жараёнларида олинган билим ва компетенцияларни квалификация даражалари мезонларига мувофиқ таснифлаш инструменти бўлиб, тармоқ касблар бўйича малака рамкалари, касбий стандартларни ишлаб чиқиш учун малака даражаларининг ягона шкаласини белгилайди, малакаларнинг тармоқлараро солиштирилишини таъминлайди ва мувофиқликни тасдиқлаш тизими ва мутахассисларга малака бериш учун асос ҳисобланади.


Миллий малака рамкаси касбий таълимнинг барча даражалари учун миллий ва халқаро миқёсда малакаларни тўплаш ва тан олишнинг ягона механизмларини таъминловчи Миллий малака тизимининг ажралмас қисми ва уни ишлаб чиқишнинг асоси ҳисобланади.

Миллий малакалар рамкасини жорий этиш:

- таълимнинг турли тармоқларида малака рамкаларини боғлайди ва уларни ягона тузилмага келтиради, профессионал таълим ва таълим сифати кафолатларини таъминлайди;
- корхоналарга зарур бўлган кадрларнинг малакаси, кўникма ва компетенцияларини аниқлаш масалаларига ойдинлик киритади;
- профессионал таълим ва касбга ўқитиш муассасаларининг меҳнат бозори ва фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги (ижтимоий шериклик) форматини белгилайди.

³ ЮНЕСКО, <https://unevoc.unesco.org/go.php?q=Qualifications%20Framework>

Касбий стандарт - касбий фаолиятнинг муайян тури доирасида ишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар ва уни амалга ошириш шартлари, шунингдек, ходимнинг малакаси даражаси ва ушбу малакага жавоб берадиган касбий таълим ва ўқитишга қўйиладиган талаблар. Касбий стандартлар кадрлар малакасини, уларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш, уларни аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун асос ҳисобланади.



Миллий малака тизимида профессионал таълим ва касбга ўқитиш жараёни.

Ушбу расмда миллий малака тизимининг жорий этилиши натижасида меҳнат бозори талабларининг таълим хизматлари билан ўзаро интеграцияси қандай кўринишда амалга ошириш келтирилган. Кўриб турганингиздек, Миллий малака рамкаси тармоқ малака рамкаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланиб, тармоқда мавжуд бўлган барча касб ва мутахассисликлар уларни эгаллаш учун талаб этиладиган билим, кўникма ва компетенциялардан келиб чиқиб тармоқдаги касб ва мутахассисликларнинг малака даражаси белгиланади. Бунда тармоқ малака рамкасининг ҳар бир даражаси учун билим, кўникма ва компетенцияларга қўйилган талаблар миллий малака рамкасига мувофиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнлари, жорий этилган сифат стандартларига мувофиқ ҳар бир иш ўрни учун аниқ бажариладиган меҳнат функциялари белгиланади. Ушбу меҳнат функциялари, уларга тегишли бўлган меҳнат ҳаракатлари, зарур билим ва кўникмалар касбий стандартларда батафсил акс эттирилади.

Юқорида қайд этилганидек, касбий стандартларда касбий фаолиятнинг муайян тури доирасида ишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар ва уни амалга ошириш шартлари, ходимнинг малакаси даражаси аниқ белгиланган бўлади. Касбий стандартлар бевосита иш берувчилар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тармоқ кенгаши томонидан тасдиқланади. Ушбу касбий стандартлар асосида таълим ташкилотлари тегишли таълим дастурларини ишлаб чиқади ва у асосида таълим жараёнини ташкил этади.

Бу эса, ўз навбатида, малакаларни эгаллаш ва уларни тан олиш тизимини осонлаштириш билан бирга фуқароларга ҳаёт давомида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириб, таълим олувчилар ва меҳнат мигрантларининг ички ва ташқи меҳнат бозоридаги мобиллигига ижобий таъсир кўрсатади. Амалдаги таълим тизимига алтернатив равишда норасмий ва информал таълим натижаларининг тан олиш механизмлари жорий этилиши таълимда рақобат муҳитини шакллантириш эвазига унинг сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Т/г	Профессионал таълим муассасаси тури	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили	2022/2023 ўқув йили
1.	Касб-хунар мактаби		74 350	85 108
2.	Коллеж	5 038	47 189	48 981
3.	Техникум	2 383	22 983	60 202
	Жами	7 421	144 522	194 291

Профессионал таълим муассасалари битирувчилари тўғрисидаги маълумот.

2021/2022 ўқув йилида профессионал таълим муассасаларини 194 минг 291 нафар ўқувчи тугатган. Уларнинг 100 мингдан ортиғини 18 ёшдан катта бўлган фуқаролар ташкил этади. 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли курсларда жами 11 мингдан ортиқ фуқаролар ўқиган. Катта ёшдаги фуқаролар учун ҳаёт давомида меҳнат бозори ўзгаришларидан келиб чиқиб касб ўрганиш имконияти яратилди. 2021/2022 ўқув йилида 298 та касб ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқишда 300 дан ортиқ касбий стандартлардан фойдаланилган.

Ўзбекистонда миллий малака тизимини жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, ушбу тизим самарали ишлашини таъминлаш бўйича қўйидаги йўналишларда ислохотларни давом этиши муҳим деб ҳисоблаймиз.

Миллий малака рамкасининг бошқа минтақалар малака рамкалари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ва бу орқали таълим муассасалари битирувчиларига халқаро меҳнат бозорига кириб бориш имкониятларини кенгайтириш.

Тармоқ кенгашлари ва малакани баҳолаш марказлари фаолият самарадорлигини ошириш, уларнинг реал ваколатларини кенгайтириш.

Таълим натижаларини тан олишнинг амалдаги тизими формал таълим натижалари асосида таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш имкониятини беради аммо ноформал ва информал таълим натижаларини тан олиш механизмлари жорий этилган бўлсада, улар билан таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш имконияти чекланган. Бу эса ўз навбатида ҳаёт давомида таълим олиш принципининг бузилишига олиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан малакани баҳолаш марказларида тегишли баҳолашдан ўтган ва ўз квалификациясини тасдиқлаган фуқароларга тегишли йўналиш бўйича таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш имкониятини бериш учун зарур ҳуқуқий асос яратиш керак.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида Миллий малака тизимини жорий этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Тизимни жорий этишнинг ҳуқуқий асоси яратилди, тизим иштирокчилари ва элементлари белгиланиб уларнинг ишлаш механизмлари жорий этилди. Бунинг натижасида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича 24 та тармоқ кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди, 41 та малакани баҳолаш марказлари аккредитациядан ўтиб ўз фаолиятини бошлади, 2097 та касб стандартлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди, таълим дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида иш берувчилар иштироки таъминланди, компетенцияга асосланган таълим дастурлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Амалга оширилган ислохотларни давом эттириш, бунда сифатни таъминлашга аълоҳида эътибор қаратиш Миллий малака тизимини жорий этишдан кўз-

ланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга, пировард натижада меҳнат бозорини ёқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31-декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4939-сон қарори;
3. Мазкур вазифалар ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15-майдаги “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” ВМҚ-287-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 сентябрдаги “Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ВМҚ-616-сон қарори.
5. М.Холмухамедов, Профессионал таълим тизимини замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш//Узликсиз таълим.-Тошкент, 2021. №6. -Б.3-8.
6. Блинов В.И. Национальная рамка квалификаций и качество профессионального образования // Вестник ТГПУ. Серия: Педагогика. – 2006. – Выпуск 10 (61).
7. Олейникова О.Н. Профессиональные стандарты: принцип формирования, назначение и структура : Метод. пособие // – М. : АНО Центр ИРПО, 2011, –
8. <https://lex.uz>
9. <https://www.etfqual.eu/?lang=ru>
10. <https://mehnat.uz/ru/professional-standarts?page=49>
11. https://www.cedefop.europa.eu/files/4100_en.pdf
12. <https://www.cedefop.europa.eu/en/projects/national-qualifications-framework-nqf>
13. <https://unevoc.unesco.org/home/UNEVOC+Publications/lang=en/akt=detail/qs=6690>
14. <https://www.fema.gov/emergency-managers/nims/components/nqs-supplemental-documents>

ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – КАСБИЙ АМАЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Ў.Д. Хидиров

Олий ва профессионал таълим муассасалари моддий-техник базасини
мустаҳкамлаш маркази директори, педагогика фанлари номзоди

Ш.Авазов

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори,
педагогика фанлари номзоди

Аннотация.

Мамлакатимизда профессионал ва олий таълим сифатини оширишнинг асосий шarti ва устувор йўналишларидан бири профессионал ва олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилишдир. Ўзбекистондаги замонавий профессионал ва олий таълим тизими илғор мамлакатларнинг таълим тизимлари билан рақобатлаша оладиган даражага етиши учун ҳар бир профессионал ва олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини муносиб шакллантириш зарур. Бу нафақат назарий билимларни, балки ўқувчилар ва талабаларнинг амалий кўникмаларини, касбий маҳоратини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир қилади. Мақолада мазкур масаланинг турли жиҳатлари ҳар томонлама таҳлил этилган.

Калит сўзлар:

профессионал ва олий таълим тизими, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари, моддий-техник база, моддий-техник таъминот, касбий таълим, касбий амалий таълим, касбий амалий таълим сифати, касбий фаолиятга амалий тайёргарлик.

Аннотация.

Одним из главных условий и приоритетов повышения качества профессионального и высшего образования в нашей стране является модернизация материально-технической базы профессиональных и высших образовательных учреждений. Для того чтобы современная система профессионального и высшего образования в Узбекистане достигла уровня, способного конкурировать с образовательными системами передовых стран, необходимо адекватно сформировать материально-техническую базу каждого профессионального и высшего образовательного учреждения. Это прямо и косвенно влияет на развитие не только теоретических знаний, но и практических навыков, профессионализма и творческих способностей у учащихся и студентов. В статье дается всесторонний анализ различных аспектов этого вопроса.

Ключевые слова:

система профессионального и высшего образования, профессиональные образовательные учреждения, высшие образовательные учреждения, материально-техническая база, материально-техническое обеспечение, профессиональное обучение, профессиональное практическое обучение, качество профессионального практического обучения, практическая подготовка к профессиональной деятельности.

Annotation.

One of the main conditions and priorities for improving the quality of professional and higher education in our country is the modernization of the material and technical base of professional and higher educational institutions. In order for the modern system of professional and higher education in Uzbekistan to reach a level capable of competing with the educational systems of advanced countries, it is necessary to adequately form the material and technical base of each professional and higher educational institution. This directly and indirectly affects the development of not only theoretical knowledge, but also practical skills, professionalism and creative abilities of learners and students. The article provides a comprehensive analysis of various aspects of this issue.

Key words:

system of professional and higher education, professional educational institutions, higher educational institutions, material and technical base, material and technical support, professional learning, professional practical learning, quality of professional practical learning, practical preparation for professional activity.

Ёшларнинг пухта таълим олиши ва фан-техниканинг энг сўнги ютуқларидан хабардор бўлиб, келажакда етук кадр бўлиб етишишлари ҳар бир юрт фуқароси учун ғоят муҳим масаладир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Ўзбекистонда олий ва профессионал таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилаётгани, изла-ниш ва тадқиқотлар олиб борилаётгани сабаби ҳам шунда [1].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, бугунги ўта мураккаб ва синовли даврда “тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади ...Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир... Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз...

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарал ифойдаланиш зарур... Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз”. Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун профессионал ва олий таълим сифатини ошириш орқали мазкур соҳадаги хизматлар билан меҳнат

бозори ўртасидаги муносабатларни уй-ғунлаштириш долзарб илмий-амалий муаммога айланган.

Мамлакатимизда профессионал ва олий таълим сифатини оширишнинг энг асосий шarti ва устувор йўналишларидан бири - профессионал ва олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) моддий-техник базасини модернизация қилишдан иборат.

Ўзбекистондаги замонавий профессионал ва олий таълим тизими илғор мамлакатларнинг таълим тизимлари билан рақобатлаша оладиган даражага эришиши учун ҳар бир таълим муассасасида ўқувчи-талабаларнинг нафақат назарий билимлари, балки амалий кўникмалари, профессионаллиги ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир қиладиган моддий-техника базасини шакллантиришга етарлича сармоя киритиш талаб этилмоқда.

Бу борада ривожланган хорижий давлатлар (Польша, Германия, Жанубий Корея, Япония, Швейцария), халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари ўқув ва илмий-тадқиқот лабораториялари жиҳозлари, ўқув устахоналари асбоб-ускуналари, мини-цехлар ва турли хил ўқув техникалари билан узлуксиз таъминланмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида таълим муассасалари 56 та кичик технологик жиҳозлар (мини-цех), 414 тўплам “Пайвандлаш иши” устахонаси жиҳозлари, 145 тўплам “Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш” устахонаси жиҳозлари, 358 тўплам “Қишлоқ хўжалиги техникалари ва автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш” устахонаси жиҳозлари, 812 тўплам “Тикувчилик иши” устахонаси жиҳозлари, 102 тўплам “Дурадгорлик иши” устахонаси жиҳозлари, 70 тўплам “Маиший хизмат машиналарини таъмирлаш” устахонаси жиҳозлари, 130 тўплам “Сув, газ таъмино-

ти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш” устaxonаси жиҳозлари, 84 тўплам “Қурилиш-пардозлаш ишлари” устaxonаси жиҳозлари, 150 тўплам “Компьютер техникаларини таъмирлаш” устaxonаси жиҳозлари, 1435 тўплам бошқа турдаги устaxonа жиҳозлари, шунингдек, 3786 тўплам илмий-тадқиқот ва ўқув-лабораториялари жиҳозлари, 30 991 та компьютер техникалари, 1528 та енгил ва юк ўқув машиналари, 828 та трактор, 58 та комбайн ва пахта териш машиналари, 1386 та қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланди.

Бироқ, иш жойларида замонавий технологик база йўқлиги (жиҳозларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги), касбий таълим жараёнида мавжуд ре- сурслардан самарасиз фойдаланиш, замонавий касбий таълим технологиялари ва дастурий воситалар етишмаслиги ҳамда ахборот технологияларидан етарлича фойдаланмаслик, таълим муассасаларида ўқув амалиётини, корхоналарда ўқув-ишлаб чиқариш ҳамда дипломолди амалиётларини тўлиқ ташкил қила олмаслик замонавий профессионал ва олий таълимнинг зарурий сифатини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистонда замонавий жамиятнинг барқарор ривожланиш тенденцияларига ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатига жавоб берадиган профессионал ва олий таълим тизимини яратиш масаласи ўртага қўйилган. Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, энг аввало, ўқувчи-талабаларда келажак касбини онгли равишда танлаш ва касбий фаолиятга амалий тайёргарликни талаблар даражасида таъминлашга имкон беради. Таълим муассасаларини ахборотлаштириш ва ўқув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари, ин- терактив таълим методлари ҳамда мустақил ишларнинг мақбул шаклларини қўллаш асосида ривожлантириш, шунингдек таълим жараёнига кредит-модул тизими ва компетентлик ёндашувини жорий

этиш бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш муаммосини янги таълим стандартлари талабларига мувофиқ ҳал қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида профессионал ва олий таълим соҳасидаги инновацион фаолият «Таълим тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Инновацияларни жорий этишнинг бош мақсади мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишдан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча йўналишларига мос профессионал ва олий таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари: профессионал ва олий таълим тизимининг илмий-педагогик, ўқув-методик, ташкилий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий, кадрлар ва моддий-техник таъминотини такомиллаштириш, ушбу тизимларда инновацион лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш кабилар ҳисобланади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, профессионал ва олий таълим тизимида касбий таълим жараёнларини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш учун, энг аввало, замонавий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланиш муаммоси ҳал қилиниши керак. Хусусан, замонавий ўқув қўлланмаларни модулли ҳамда компьютер технологияларини бирлаштириш тажрибасидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш мумкин. Бу профессионал ва олий таълимни нафақат индивидуаллаштиришга, балки мавжуд билимларни тубдан янгилашга, ўқув жараёнининг ҳар бир иштирокчисига ўз режимида ишлашга имкон беради [2].

Шунингдек, замонавий профессионал ва олий таълим ташкилотида ўқув материалларини фаол ўзлаштириш мақсадида махсус аппаратли ва дастурий воситалар-

га асосланган мультимедиа тизими интерфаол таълим жараёни учун энг самарали воситалардан биридир. Интерактив таълим - ўқувчи-талабанинг билиш фаолиятини фаоллаштириш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган «субъект-субъект» муносабатларига асосланган муайян таълим методлари тизимидир. Бундай ўзаро муносабат таълим олувчиларни фаоллаштириш тамойилларига, уларнинг шахсий тажрибасига ва қайтар алоқалар ўрнатилишига асосланади. Интерактив таълим методлари мажмуи: ақлий ҳужум; муаммоли баён; кейс-стади; ишга алоқадор ўйинлар; блиц сўровлар; ўқув лойиҳалари; аниқ вазиятларни таҳлил қилиш ва шу кабиларни қамраб олади [3].

Шу билан бирга, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш учун алоҳида ихтисослашган технопарклар яратиш фояси ҳам долзарб масалага айланмоқда. Технопарк - юқори малакали техник-муҳандис кадрлар тайёрлашга, инновацион технологиялар ва фояларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва жорий этишга хизмат қилувчи юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган махсус майдонча бўлиб, ўқувчи-талабаларни тегишли соҳалар бўйича муҳандислик-конструкторлик ва илмий-тадқиқий фаолиятга иложи борица кўпроқ жалб этишга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларининг профили (ихтисослашуви) унинг моддий-техника базасини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу таълим ташкилотларида мутахассислар тайёрлашдаги асосий фарқ таълим муассасасининг вазифаларини замонавий мутахассисга қўйилган талаблар билан чамбарчас боғлашда, ўқув жараёнини тегишли технологик талаблар асосида касбий кўникмаларни шакллантиришга йўналтиришда ўз аксини топади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида профессионал ва олий таълимнинг амалий жиҳатларини яхлит мажмуий ифодалаш учун “амалий таълим” ёки “ишлаб чиқа-

риш таълими” тушунчасига маънодош сифатида “касбий амалий таълим” (ёки “амалий касбий таълим”) тушунчасидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқувчи-талабаларда умумий ва касбий компетенциялар асосан касбий амалий таълим - амалий-лаборатория машғулоти, ўқув ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шакллантирилади. Мазкур тушунчадан фойдаланишда қандайдир қийинчилик пайдо бўлса, унга маънодош сифатида “касбий фаолиятга амалий тайёргарлик” тушунчасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Демак, таълим муассасаларида ўқув жараёнининг умумий тавсифидан келиб чиққан ҳолда касбий таълимнинг назарий ва амалий жиҳатларини алоҳида қараб чиқиш зарурияти вужудга келган. Чунки мазкур таълим ташкилотларида касбий таълим жараёни ўзаро узвий боғланган, бир-бирини тақозо қилувчи икки циклдан иборат бўлади:

- 1) касбий назарий таълим (касбга назарий тайёргарлик) – бу умумий ва махсус технология, технологик техника, тармоқ иқтисодиёти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси, тармоқ экологияси каби ўқув фанлари бўйича маъруза машғулоти, аудиториядан ташқари мустақил назарий тайёргарлик;
- 2) касбий амалий таълим (касбга амалий тайёргарлик) – умумкасбий ва махсус фанлар бўйича амалий-лаборатория машғулоти, бириккита махсус технология фанлари бўйича ўқув амалиёти, ишлаб чиқариш (ёки технология) амалиёти ҳамда диплом олди амалиёти мажмуи.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларидаги касбий назарий ёки амалий таълим мажбурий ёки танлов ўқув фанларига ўхшаган алоҳида ўқув фани эмас. Касбий амалий таълим – таълим муассасалари-

даги умумий касбий-педагогик жараённинг ўзига хос мақсади, мазмуни, мантиғи, тамойиллари, шакллари, методлари ва амалга ошириш воситаларига эга бўлган алоҳида мустақил қисми. Унинг моҳияти, биринчидан, яхлит профессионал ва олий таълимнинг алоҳида, энг зарур таркибий қисми эканлиги билан, иккинчидан, бўлғуси мутахассисни касбий камол топтиришда нисбатан ўз ўрни ҳамда предметига эгаллиги, яъни касбий фаолиятнинг аниқ соҳаси бўйича амалий кўникма ва малакалар – касбий компетенцияларни шакллантирувчи алоҳида тизим эканлиги билан аниқланади.

Таълим муассасаларидаги касбий амалий таълим тизими эгалланган назарий билимларни мустақамлашга, уларни турли стандарт ва ностандарт вазиятда қўллашга, шунингдек, ўқувчи-талабаларда таҳлилий ва ижодий тафаккурни, коммуникатив ва ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга, индивидуал ва гуруҳли ишлаш имкониятларини яратишга, қизиқиш ва мотивацияларни уйғотишга ёрдам беради. Шу сабабли таълим муассасаларининг ўқув биноларида касбий таълим дастурларида назарда тутилган семинар, амалий-лаборатория ва ўқув амалиёти машғулотларини ўтказишга имкон берадиган зарур асбоб-ускуналар мажмуи ва таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган ўқув аудиториялари (хоналари) бўлиши шарт. Ўқув лабораторияси, ўқув устахонаси, компьютер хонаси, лингафон хонаси, ўқув-тажриба майдончаси, ўқув базаси, ўқув хўжалиги, ўқув полигонни, ўқув-ишлаб чиқариш маркази ва шу каби махсус жиҳозланган ўқув хоналарида амалий машғулотларнинг қуйидаги турларини ўтказиш мумкин: лаборатория иши; семинар машғулоти; якка тартибдаги мустақил иш; назорат иши; синов машқи; амалий тадқиқот ва тажриба; ўқув мунозараси; тадқиқий практикum; давра суҳбати; муаммоли кейс; ишга алоқадор ўйин; ўргатувчи тренинг ва шу кабилар. Амалий машғулотлар жойига кўра: ўқув аудиторияси-хонасида ва онлайн машғулот (масо-

фавий); бажариш шаклига кўра: индивидуал, кичик гуруҳларда ишлаш ва жамоавий шаклда ўтказилиши мумкин.

Демак, таълим муассасаларидаги касбий амалий таълим жараёнининг сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири моддий-техника базаси ҳисобланади. Моддий-техника базасини яратишда ҳал қилиниши керак бўлган асосий вазифалардан бири - бу ўқувчи-талабаларнинг индивидуал эҳтиёжини қондирадиган, билиш фаолиятини фаоллаштирадиган таълим воситалари ва методлари асосида ўқув ахборотларини самарали ўзлаштиришга ёрдам берадиган таълим муҳитини яратишдир.

Бугунги кунда таълим муассасаси моддий-техника базасини модернизация қилиш касбий амалий таълим жараёни ёки касбий фаолиятга амалий тайёргарлик сифатини таъминлашнинг, бошқача айтганда, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг зарурий шартига айланган. Ушбу таълим ташкилотлари моддий-техника базасининг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- 1) асосий фондлар (меҳнат воситалари);
- 2) дастмоя - айланма фондлар (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш захиралари);
- 3) технологиялар (методлар, усуллар, амаллар ва операциялар кетма-кетлиги, иш режими ва бошқалар).

Шу сабабли, бўлғуси мутахассисларни касбга тайёрлашнинг муносиб моддий-техник таъминоти битирувчиларда касбий компетентлик сифати етарли даражада шаклланишини, бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўқишни тугатиб, ишга жойлашган корхонадаги касбий фаолияти самарадорлигини белгилайди.

Таълим муассасасининг маконий муҳити (инфратузилмаси) қандай ташкил

этилиши, уларда мутахассис тайёрлашни моддий-техник таъминлаш муаммоси назарий жиҳатдан шу кунга қадар тўлиқ ҳал этилмаган. Таълим муассасасининг таркибий тузилмаси ҳамда моддий-техника базаси иқтисодиётнинг хилма-хил тармоқларига мансуб ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиладиган техника ва технологияларга мослиги таълим ташкилоти томонидан ўз инфратузилмасини ривожлантириш ва янгилаш учун ажратилган зарурий маблағлар ҳажмига боғлиқ бўлади. Зеро, «мутахассислар тайёрлашнинг моддий-техник таъминоти» тушунчасига шу кунга қадар аниқ, ягона таъриф берилмаган. Бу тушунчанинг синоними сифатида “моддий-техник база” ва “моддий-техник жиҳозланиш” каби тушунчалардан фойдаланилади”. Моддий-техник база” тушунчасига берилган таърифларда, биринчи навбатда, унинг моддий элементлари, яъни меҳнат воситалари ёки меҳнат воситалари ва предметларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш воситалари эътироф этилади.

Таълим муассасасининг фаолиятини мажмуий баҳолашда (лицензиялаш, аттестация ва аккредитациядан ўтказишда) моддий-техник таъминот эмас, балки айнан моддий-техника базасининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

“Моддий-техник таъминот” ва “моддий-техник база” тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, “илмий-техник фаолиятнинг моддий-техник таъминоти” деганда илмий-тадқиқот ишини ўтказиш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ашёвий (моддий) шароитлар яратиш назарда тутилади [5]. Демак, моддий-техник таъминотга зарурий ресурсларга эҳтиёжларни аниқлаш, ресурсларни режали тақсимлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиш бериш, шунингдек, илмий асбоб-ускуна, жиҳозлардан жамоавий фойдаланишни ташкил этиш, ижара ва шу кабилар киради

“Мутахассислар тайёрлашнинг мақбул моддий-техник таъминоти» деганда

уларни сифатли тайёрлаш учун ашёвий (моддий) шарт-шароитлар яратиш, яъни кадрларни сифатли тайёрлаш учун зарур ва етарли бўлган моддий-техник база, унга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, ресурсларни режали тақсимлаш ва уларни истеъмолчига (касб-ҳунар мактаби, коллеж, техникум, институт, университет, академияга ёки факультет, кафедра ва лабораторияга) етказиб бериш ва илмий асбоб-ускуналар, жиҳозлардан самарали фойдаланиш тушунилади.

Қуйида профессионал ва олий таълим ташкилотлари тузилмасида моддий-техник таъминот қандай ўрин эгаллашини қисқача кўриб чиқамиз. Ушбу таълим муассасалари тизимли объект сифатида кўп сонли ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир қилувчи элементлар ва қуйи тизимлардан иборат бўлганлиги учун улар мураккаб тизимлар гуруҳига киритилади.

Таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш тизимининг тузилмасини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) бошқарув органи (маъмурият (ректорат), педагогик (илмий) кенгаш, таълим ташкилоти бўлинмалари (ўқув бошқармаси (бўлими), режалаштириш ва молия бўлими, кадрлар ва илмий-тадқиқот бўлими);
- 2) «ўқув жараёни» кичик тизимини ташкил этувчи элементлар (ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни, ташкил этилиши ва технологияларини таъминловчи элементлар мажмуи);
- 3) «ўқув жараёни таъминоти» кичик тизимини ташкил этувчи элементлар (яхлит ўқув-тарбия жараёнини услубий, ахборий, моддий-техник, меъёрий, кадрлар, ресурслар ва илмий жиҳатдан қўллаб турувчи элементлар мажмуи);
- 4) таъсир объектлари;
- 5) мутахассис тайёрлаш сифатининг экспертизасини амалга оширади-

ган тескари алоқа элементи (қайта алоқа канали орқали ўқув-тарбия жараёнининг сифатини таҳлил қилиш натижалари бошқарув органи томонидан қабул қилинади ва кейинчалик таълим ташкилотининг фаолияти ва ривожланишини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади);

- б) ўқув жараёни сифатининг таҳлилин аналга оширадиган тескари алоқа элементи (ўқувчи-талабаларни тайёрлаш сифатининг таҳлили мутахассислар тайёрлаш сифатини назорат қилиш кичик тизими томонидан аналга ошириладиган сифат экспертизаси орқали аналга оширилади ҳамда таҳлил натижалари қайта алоқа канали орқали бошқарув органига тақдим этилиб, у ерда бўлғуси мутахассис модели билан таққосланади ва шу асосда таълим ташкилоти фаолиятининг тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилади).

Ресурслар таъминотининг етарлиги, меъёрий ва ўқув-методик таъминот, ўқув-тарбия жараёни моддий-техника базасининг ривожланиш даражаси, ўқув-тарбия жараёнининг методик ва ахборот таъминоти ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари таълим ташкилотининг барқарорлиги ва сифатини таъминловчи асосий шартлар рўйхатига киритилган.

Моддий-техник таъминот муаммосига профессионал ва олий таълим тизими доимий дуч келади. Хўш, профессионал ва олий таълим ташкилотига қанча восита (маблағ) керак бўлади? Бу саволга жавоб, бир томондан, жуда оддий, иккинчи томондан - мураккаб. Масалан, ўқув жараёнини узлуксиз ташкил қилишда ўқув ва иш режаси, профессор-ўқитувчининг индивидуал иш режаси, ўқув юкламасига талабнома, амалиёт шартномаси, синов варақаси, гуруҳ журнали, Давлат аттестация комиссияси (ДАК) журнали, ҳисобот,

хизмат сафари ва шу кабиларнинг тегишли бланкалари талаб этилади. Ўқувчи-талабалар ва профессор-ўқитувчиларга дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, махсус журнал ва газеталар керак бўлади. Ўқув аудиториялари (хоналари) стол, стул, доска, бўр ва бошқа канцелярия (иш юришти) ашёларини, шунингдек ёритишни, иссиқлик таъминотини ҳамда даврий таъмирлашни - оқлаш, бўйаш ва пардозлашни талаб қилади. Ўқувчи-талабаларнинг амалиётлари, телефонларга техник хизмат кўрсатиш, қозонхоналарни таъмирлаш ва коммунал хизматлар учун ҳам тўловларга маблағ керак бўлади. Ҳар қандай таълим ташкилоти биноларининг фасади ва томлари, ички хоналари, иситиш ва сув таъминоти тармоқлари доимий равишда таъмирлашга муҳтож бўлади. Демак, профессионал ва олий таълим ташкилотининг моддий-техник базаси, хусусан, уни яратиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш "моддий-техник таъминот" натижасида таъминланади.

Таълим муассасасининг моддий-техника базаси шартли равишда бевосита ва билвосита кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Бевосита (мутахассис тайёрлаш сифатига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи) кўрсаткичларга асосан қуйидагилар киради: асосий ўқув-методик адабиётлар сони, қўшимча илмий адабиётлар сони, бинолар сони, компьютер техникалари сони, ўқув-техник воситалари сони ва шу кабилар.

Билвосита (мутахассис тайёрлаш сифатига бирор - бир восита орқали таъсир қилувчи) кўрсаткичларга эса қуйидагилар киради: бир нафар ўқувчи-талабани ўқув мебеллари билан таъминлашнинг умумий нархи; жиҳозлар эскиришини ҳисобга олувчи коэффициент; эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш билан боғлиқ улушларни ҳисобга олувчи коэффициент; ёқилғи сарфининг ўртача нормаси; ёқилғи-мойлаш материалларининг ўртача нархи; турли транспорт воситасининг эскириш коэффициенти; биноларнинг эскириш коэф-

фициенти; бир нафар ўқувчи-талабага бланкали хужжатларни сарфлаш нормаси; минтақадаги алоқа каналларига уланиш тарифи; телефон алоқаси учун минтақадаги абонент тўловининг ўртача тарифи; алоқа каналларига уланиш коэффициенти; таълим ташкилоти жойлашган ҳудудда 1 м^3 бинони иситиш учун иссиқлик миқдори нормаси; электр энергияси учун тўловнинг минтақавий тарифи; технологик эҳтиёжлар учун иссиқлик сарфини ҳисобга олиш коэффициенти; 1 м^2 майдонни ёритишнинг минтақавий санитария нормаси; ўқув-технологик мақсадлар учун электр энергияси истеъмолини ошириш коэффициенти; электр энергияси истеъмоли учун тўлов нормативи; бир нафар киши учун минтақавий сув истеъмоли нормаси; сув таъминоти ва сув қочиришнинг минтақавий тарифи; ҳақиқий истеъмол ва бошқа коммунал хизматлар бўйича биноларни сақлаш харажатларини аниқлаш коэффициенти; жорий таъмирлашнинг умумий қийматдаги ишлар улушини ҳисобга олувчи коэффициент; бир ўқув йилида ўқув режадаги фанларнинг ўртача сони; ўқувчи-талабалар амалиёти ўтказиладиган жойга борадиган профессор-ўқитувчи учун хизмат сафари харажатлари миқдори (кунлик); ўқувчи-талабалар амалиёти ўтказиладиган жойда профессор-ўқитувчи турар жойига тўлов компенсацияси; профессор-ўқитувчининг ўқувчи-талабалар амалиёти ўтказиладиган жойга йўлкира нархи; малака ошириш даврийлиги; турли шаклларда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш харажатлари; бир саҳифани кўпайтириш нархи (қоғоз нархини ҳам ўз ичига олади) ва шу кабилар.

Сўровномалар орқали таълим муассасалари моддий-техник базасининг таъминланганлик кўрсаткичларини эксперт баҳолаш жараёнини амалга ошириш мумкин. Экспертлар сифатида ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, лойиҳалаш, илмий ва таълим ташкилотларининг илмий-педагогик ходимлари жалб қилинади. Экспертлар сони 5-10 нафар киши бўлиши энг мақбул

ҳисобланади. Фикрларни тўплаш (маълумотлар олиш) аниқлигини оширишга бир нечта экспертлар гуруҳлари билан сўровлар ўтказиш орқали эришиш мумкин. Шу билан бирга, гуруҳга унинг бир хиллигини ташкил этувчи экспертлар танлаб киритилиши керак. Масалан, конструктор ёки муҳандислар, кафедра мудирлари ёки бўлим бошлиқлари гуруҳлари ва ҳоказо..

Эксперт баҳолашни белгиланган мақсадга кўра турли кўламларда ташкил этиш мумкин. Масалан, бирор-бир ўқув фанининг моддий-техник база билан таъминланганлигини баҳолаш учун, энг аввало, уларни тавсифловчи қуйидаги мезон-кўрсаткичлар ишлаб чиқилади[4]:

1 - жиҳозларнинг фан дастурига мувофиқлиги;

2 - жиҳозларнинг замон талабларига мослиги;

3 – жиҳозларнинг ўқувчи-талабалар контингентини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни учун етарлилиги;

4 – жиҳозлардан бошқа фанларни ўқитишда фойдаланиш имконияти;

5 – ўқув фанининг ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлиги.

Кейин 4-5 нафар кишидан иборат экспертлар гуруҳини жалб қилган ҳолда, уларнинг ҳар биридан юқорида келтирилган барча мезон-кўрсаткичларни 2-5 баллик тизимда қуйидагича баҳолаш сўралади:

2 балл - кўрсаткич жуда салбий;

3 балл - кўрсаткич қониқарли;

4 балл - кўрсаткич яхши;

5 балл - кўрсаткич аъло.

Эксперт баҳолаш натижасини умумлаштириш асосида тегишли ўқув фани бўйича моддий-техник базанинг қайси кўрсаткичлари қониқарсиз, қониқарли ёки яхши эканлиги аниқланиб, шу асосда моддий-техник таъминот режаси тузилади ва зарурий ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилади.

Республикамизда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик мақсадларидан бири - таълим муассасасининг мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш талабларига, жамият ва ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларига мос қулай, самарадор бўлиши ва сифатли фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат. Ушбу

мақсадларга эришиш учун сифатли профессионал ва олий таълим олиш имкони берадиган тенг қўламли касбий таълим ва технология муҳитлари, инфратузилма ва ўқишга кириш шароитлари яратилиши керак. Бошқача айтганда, профессионал ва олий таълим, фан ҳамда замонавий технологияларнинг реал интеграцияси бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда бош вазифага айланмоқда. Бундай интеграция механизмларидан бири профессионал ва олий таълим ташкилотида технологик жиҳатдан яхлит тўйинган касбий таълим муҳитини шакллантириш, яъни етарли даражадаги моддий-техник базани яратиш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон
2. Антропов В.А. Организация материально-технического обеспечения образовательных учреждений высшего профессионального образования // В.А. Антропов, Т.А. Конова // Вестник УрФУ. Серия: Экономика и управление. - 2011. - № 6. - С. 162-173.
3. Арутюнян Г.Н. Практические занятия как средства формирования профессиональных компетенций в педагогическом вузе // Г.Н. Арутюнян, Н.Р. Маркосян / Web ofScholar. - 2018. - Т. 2, № 10 (28). -С. 11-13.
4. Пак Х.С. Проблемы оценки эффективности развития материально-технической базы высших учебных заведений // Х.С. Пак, В.В. Корец, Р.В. Большаков, Г.Б. Макаренко / Транспортное дело России. - 2019. - № 3. - С. 96-98.
5. Рахимов Б.Х. Подготовка научно-педагогических кадров в системе высшего образования // Б.Х. Рахимов, А.И. Бурибаева, У.Э. Хамдамов / Евразийское Научное Объединение. - 2020. - № 2-6 (60). - С. 393-396.

ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИДИР

О.А. Бақоев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил тадқиқотчиси,
Вобкент туман 2-сон касб-ҳунар мактаби директори

Аннотация: Мақолада профессионал таълим тизимида дуал таълим шаклини жорий этиш бўйича Республикада амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дуал таълимни амалга ошириш босқичлари, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (GIZ) "Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишлар ва уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Профессионал таълим, корхона, ташкилот, дуал таълим, касбга йўналтириш, халқаро ҳамкорлик, назария ва амалиёт.

Аннотация: В статье рассмотрены работы, проводимые в республике по внедрению формы дуального обучения в систему профессионального образования, принятые нормативно-правовые документы, методические указания по внедрению дуального обучения, Германская организация международного сотрудничества (GIZ) «Поддержка процессов реформирования и модернизации системы профессионального образования в Узбекистане» будут обсуждены работы, которые будут проводиться в рамках проекта, и их эффективность.

Ключевые слова: Профессиональное образование, предприятие, организация, дуальное образование, профориентация, международное сотрудничество, теория и практика.

Abstract: The article carried out the work carried out in the republic on the introduction of a form of dual education into the system of vocational education, adopted legal documents, guidelines for the introduction of dual education, the German Organization for International Cooperation (GIZ) «Support for the processes of reforming and modernizing the system of vocational education in Uzbekistan» will discuss the work that will be carried out within the framework of the "support" project and their effectiveness.

Key words: Vocational education, enterprise, organization, dual education, careerguidance, international cooperation, theory and practice.

Ўтган йилларда профессионал таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати давом этмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда

жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий, рақобатбардош, малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан бири этиб белгиламоқда.

Мамлакатимизда инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденция-

ларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида, Президентимиз томонидан 2019 йил 6 сентябрда “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5812-сонли Фармон қабул қилинди [2].

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, профессионал таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ёшларнинг касб ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш белгиланди [1]. Дуал таълим моҳиятан, ҳам таълим муассасаси ва ҳам ишлаб чиқаришда паралел ўқитишни англатади. Чунки, ҳозир профессионал таълимнинг энг асосий муаммоларидан бири назария ва амалиёт ўртасидаги бўшлиқнинг мавжудлигидир. Иқтисодиётнинг реал сектори учун мутахассислар тайёрлаш ва бу муаммони ҳал этиш бўйича бугунги кунда энг истиқболли йўналиш дуал таълим ҳисобланади. Жаҳонда тан олинган дуал таълим кадрлар тайёрлашнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, у таълим муассасадаги назарий тайёргарлик билан корхонада ишлаб чиқариш тайёргарлигини бирлаштиради.

Ўқитиш назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик тамойилига асосланади. Агар дуал ўқитиш тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда таълим муассасасида назарий тайёргарлик ва ташкилот ёки корхонада иш жойида амалий машғулотларни бирлаштиради. Ўқиш вақти иш

вақти билан алмашади. Бундай вақтда таълим олувчи оладиган мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларини ва у ишлаётган корхонанинг имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳар хил давомийликка эга бўлиши мумкин, лекин вақт ўлчови бўйича машғулотларнинг амалий қисми календар йилининг камида 50% ни ташкил қилиши керак. Касб олишнинг бундай ёндашуви таълимнинг классик шаклига нисбатан инкор этилмайдиган афзалликларга эга.

Ёшларнинг замонавий касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикас Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 163-сон “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланди [3].

Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ дуал таълимни ташкил этиш ва унинг босқичлари, дуал таълимда ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш амалиётини олиб бориш тартиби, дуал таълим иштирокчиларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш схемалари белгиланди.

Бундан ташқари мазкур Низомда ташкилот, дуал таълим дастури, иш жойи, ўқув-амалий қисм, устоз, шартнома каби тушунчалар қўлланилди.

Дуал таълимни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- дуал таълим ташкил этиладиган ташкилотлар иқтисодиёт тармоқларида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб шакллантирилади;
- ташкилот ва профессионал таълим муассасаси ҳамда ташкилот ва ўқувчи ўртасида шартнома тузилади;

■ ҳудудларда касбга йўналтириш ишларини ташкил этилади;

■ меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган талаб ва таклифлар доимий ўрганиб борилади;

■ дуал таълим дастурлари асосида тайёрланаётган кадрлар баҳола-ниб борилади.

■ дуал таълим дастури вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув-методик ҳужжатлар асосида профессионал таълим муассасаси томонидан ташкилот билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва янгилаб борилади;

■ ўқитиш давомийлиги, назарий ва амалий таълим муддатлари ҳамда якуний давлат аттестацияси ташкилот ва профессионал таълим муассасаси томонидан тасдиқланадиган ўқув режаси ва ўқув жараёни графиги асосида белгиланади.

■ ўқув жараёни графигида ўқувчилар бир ҳафтада, қоида тариқасида, камида икки кун профессионал таълим муассасасида таълим дастурининг назарий, ўқув ва амалий қисмини, қолган кунлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмларини ташкилотда ўтказишлари назарда тутилади.

■ ўқув жараёни графигига мувофиқ касб ёки мутахассислик бўйича ўқитиш муддати белгиланади. Ўқитишнинг давомийлиги кундузги таълим шакли бўйича тегишли таълим дастурларидан кам бўлишига (кўп бўлиши мумкин) йўл қўйилмайди.

■ ташкилотнинг тегишли бўйруғи асосида дуал таълим бўйича ўқувчи(лар)га ташкилотнинг тажрибали ходимларидан устоз бириктирилади.

■ устозга ташкилот томонидан белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жорий этилади. Устознинг фаолияти ташкилот мутасаддилари томонидан назорат қилинади.

■ ташкилот томонидан ўқувчи-

ларга бириктириладиган ҳар бир устозга тўғри келадиган ўқувчилар ва иш ўринлари сони технологик жараёнларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда профессионал таълим муассасаси билан келишилади.

■ ўқувчига дуал таълим жараёнида ташкилотдаги меҳнат фаолияти учун ташкилот томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақи тўланади.

■ дуал таълимнинг назарий, ўқув ва амалий қисми амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ профессионал таълим муассасасида ташкил этилади.

■ ташкилотнинг малакали мутахассислари машғулотларни ўтказишга жалб этилади.

■ дуал таълим жараёни профессионал таълим муассасаси томонидан ташкилот билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ўқув режаси ва ўқув жараёни графиги асосида ташкил этилади. Ўқувчиларнинг таълим жараёнининг назарий, ўқув ва амалий қисмидаги иштироки профессионал таълим муассасасида гуруҳ журналларида, ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмидаги иштироки ташкилотдаги ўқувчилар кундалигида қайд этиб борилади. Ташкилот ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмдаги иштироки юзасидан қўшимча қайд этиш ҳужжатларини юритиши мумкин.

■ профессионал таълим муассасаси ва ташкилот ўқувчиларнинг иштироки, ўзлаштириши, ички тартиб-қоидаларга риоя этиши каби масалаларда маълумот алмашинувини йўлга қўяди.

■ ўқувчиларни баҳолаш ва якуний давлат аттестациясини ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вобкент туман 2-сон касб-ҳунар мактабида жорий йилнинг 1 февраль куни Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ)нинг “Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида халқаро экспертлар ҳамда Ўзбекистон профессионал таълим тизимида ислоҳот ва модернизация жараёнини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси ходимлари кутиб олинди.

Ташриф давомида меҳмонлар касб-ҳунар мактаби ўқув жараёни ва таълим муассасасида ташкил этилган “Royal Garments” МЧЖнинг тикувчилик соҳаси бўйича ишлаб чиқариш ҳамда миллий зардўзлик соҳасида фаолият юритаётган “Намроева Парвина” оилавий корхонасининг зардўзлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ)нинг “Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш тармоқлари учун касбий таълим” номли минтақавий лойиҳаси меҳнат бозори эҳтиёжлари билан касбий таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини амалга ошириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ва Марказий Осиё минтақасига мос келадиган дуал – икки томонлама касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимини жорий этиш шунингдек, қишлоқ жойларида енгил саноат ва тўқимачилик соҳасида касбий таълимни, саноатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳамкорлик дастури доирасида давлат органлари, бизнес ҳамжамиятлари

(ишлаб чиқарувчилар) ва профессионал таълим муассасалари ҳамкорлигида профессионал таълим тизими учун касбий (профессионал) стандартлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий базаларни биргаликда ишлаб чиқиш, Вобкент туман ҳокимлиги вакиллари, “Vobkent tola klaster” МЧЖ, “G’ayrat chodak” МЧЖ, “Royal Garments” МЧЖ вакиллари ҳамда Вобкент туман 2-сон касб-ҳунар мактаби раҳбарияти ўртасида мувофиқлаштирилган ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.

2023-2024 ўқув йилида енгил саноат соҳасида “Тикувчи” ва “Йигирув ишлаб чиқариш” касблари бўйича профессионал кадрларни тайёрлашда “Vobkent tola klaster” МЧЖ, “G’ayrat chodak” МЧЖ, “Royal Garments” МЧЖлар билан амалиётга йўналтирилган таълим дастурлари асосида Дуал таълим асосида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Ўтказилган давра суҳбатида дуал таълимни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, корхоналар ва ўқув муассасаларининг мажбурият ва вазифалари, шунингдек, Германияда дуал таълимнинг ташкил этилиши тўғрисида мунозара ўтказилди.

Германияда дуал таълимнинг ташкил этилишида асосий ўринда корхоналар ва уларнинг уюшмалари эгаллайди. Корхона ёшларни ишга қабул қилади ва уларни мутахассис бўлиб етиштириш учун ўқув марказига юборади. Ўқув жараёни 3 кун корхонада амалий иш ўрганиш, 2 кун ўқув марказида назарий таълим орқали амалга оширилади. Бунда ўқувчи бутун мамлакат доирасида белгиланган камида 590 евро маош билан таъминланади. Корхоналарнинг иқтисодий аҳволига асосан маош миқдори (590 еврода кам бўлмаган ҳолда) ҳар хил бўлиши мумкин. Ўқув-меъёрий ҳужжатлари (ўқув режа, ўқув дастури ва ҳ.к.) уюшмалар томонидан тасдиқланади ва татбиқ этиш учун ўқув марказларига юборилади. Ўқув марказларининг жиҳозланиши, ўқитувчиларнинг рағбатлантирилиши уюшмалар томонидан амалга оширилади[4].

Демак, Германиянинг дуал таълими бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидагиларни таклиф сифатида тавсия этиш мумкин:

■ Бу тизимни Ўзбекистонда қўллашда маҳаллий имкониятларни ҳисобга олиш керак бўлади. Жумладан, касбий уюшмалар тўлиқ шаклланмаганлиги, барча корхоналар уюшмаларга аъзо бўлиши мажбурий бўлмаганлиги сабабли бу вазифа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

■ Ўқув режа ва ўқув дастурларни маҳаллий имкониятдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш керак.

■ Корхонада ишлайдиган устозларни ва таълим муассасаларида фаолият юри-

таётган ишлаб чиқариш таълими усталарини доимий равишда рағбатлантириб бориш керак.

■ Таълим муассасалари билан корхоналарни ҳамкорлигини таъминлайдиган платформа ташкил этилиши лозим бўлади.

■ Дуал таълим асосида ходимларини тайёрлаётган корхоналарга давлат томонидан имтиёзлар (масалан, солиқ имтиёзлари, жиҳозлар бўйича божхона имтиёзлари ва ҳ.к.) берилиши мутахассисларни тайёрлашга бўлган эътиборни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" Қонун. Т.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 163-сон қарори.
4. Петров Ю.Н. Дуальная система инженерно-педагогического образования - инновационная модель современного профессионального образования. Н. Новгород, 2009 г. 280 с.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.У. Рўзиев

Профессional таълимни ривожлантириш институти директор ўринбосари,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада профессионал таълим педагоглари узлуксиз касбий ривожлантириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш, малака ошириш тизимини ислоҳ этиш тенденциялари таҳлил қилиниб, профессионал таълим педагоглари олдида қўйилган вазифалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Профессионал таълим, меҳнат бозори, “Ҳаёт давомида таълим олиш принципи”, таълим дастурлари, Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи, компетенция.

Аннотация: В статье анализируются тенденции непрерывного профессионального развития педагогов профессионального образования, переподготовки и совершенствования системы профессионального образования, реформирования системы профессионального образования, а также задачи, стоящие перед педагогами профессионального образования.

Ключевые слова: Профессиональное образование, рынок труда, «Принцип непрерывного обучения», образовательные программы, Международный стандартный классификатор образования, компетентность.

Annotation: This article presents an analysis of the trend of continuous professional development, retraining and improvement of the system of professional education of teachers, reforming the system of advanced training, and also presents the tasks assigned to teachers of professional education.

Keywords: Vocational education, labor market, «the principle of lifelong learning» educational programs, International Standard Classification of Education, competence

Ҳозирда профессионал таълим жараёнида компетенциявий ёндашувга асосланган инновацион таълим технологияларидан ва фаол усуллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувларни қўллаш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда профессионал таълим педагоглари олдида янги талаблар қўйилади. Профессионал таълимда янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашнинг асоси, бизнингча, олий педагогик таълимнинг фундаменталлашуви ва ўзгариб боришида кўзга ташланади. Жумладан, ижтимоий-

лаштириш, табақаларга бўлиб ўргатиш ва инновацион-педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш ана шулар жумласидандир. Ўқитишнинг янги шакллари яъни, масофадан туриб таълим олиш, интернет-таълимини татбиқ этиш ва шу билан бирга, касбий, амалий компетентликка эга бўлган ўқитувчилар тайёрлаш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Замонавий педагог ўз билимларини доимий ошириб бориши, узлуксиз касбий ривожланиши талаб этилади. Бу жараён касбий компетенцияларнинг узлуксиз ривожланиши билан боғлиқ.

Педагогнинг касбий фаолияти ўз ичига педагогик фаолиятнинг комплекс тур-

ларини қамраб олади. Улар, ўз навбатида, чуқур билим, педагог касбий фаолияти талаб қиладиган мутахассислиги бўйича такомиллашган кўникмаларни талаб қиладди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш педагог касбий компетенциясига, унинг доимий такомиллашиб боришига боғлиқ. Бунда, албатта педагогнинг касбий, шахсий сифатлари ҳам унинг касбий компетенцияси аспектидан ҳисобланади. Шу икки нарса – педагогнинг вазифаси ва шахсий-касбий хусусиятлари унинг компетенцияси асоси бўлса, унинг такомиллашиб бориши педагог касбий компетенциясини белгилайди.

Педагог шахсий тавсифи ва ўзига хослиги. Илмий зеҳн – эрудиция, касбий педагогик маданият, педагогик маҳорат, зиёлилик, касбий педагогик йўналганлик, педагогик фикр юритиш, ўз фаолиятини севиш, олий даражадаги умуммаданият, кузатувчанлик, сезгирлик, ижодкорлик, талабчанлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, юксак маънавият, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш, коммуникабельлик, педагогик оптимизм, талабалар билан ишлашга иштиёқ, интеллектуал фаоллик, янгиликларга қизиқиш ва уларни татбиқ этиш.

Педагогнинг махсус тайёргарлиги. Бунда педагогнинг ўз мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари кўзда тутилади. Ўз предметини илмий даражада билиш. Мазкур фаннинг замонавий ютуқлари ва истиқболли йўналишларини ва ривожланиши даражасини билиш. Ушбу тармоқ ишлаб чиқаришнинг бугунги кундаги ютуқларини билиш. Ўз соҳаси бўйича давлат стандартларидан хабардорлик. Предметни ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини билиш. Мутахассислар тайёрлаш тизимида ўз мутахассислиги қандай аҳамият касб этишини билиш.

Педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги. Муваффақиятли педагогик

фаолият учун зарур бўлган психология-педагогика соҳалари бўйича зарур бўлган билим ва кўникмалари. Психологик-педагогик билимлар. Педагогик ва психологик билимлари (таълим назарияси, тарбия назарияси, талабалар психологияси ва бошқалар), педагогик фаолият назарияси бўйича билимлар, профессионал таълимнинг замонавий концепциялари тўғрисида билимлар, ўз предмети бўйича ўқитиш методикасини билиш. Педагогик билимлар: диагностика; прогностик; лойиҳалаш; конструктивлик; коммуникативлик; ташкилотчилик; таҳлил қилиш.

Касбий компетенция мутахассиснинг касбий тайёргарлиги жараёнларида шаклланади ва такомиллашиб боради. Олий ўқув юртида олиб борилган таълим касбий компетентлик асосларининг шаклланиши жараёни деб қаралса, малака ошириш тизимидаги ўқиш бу касбий компетенция такомиллашуви ва янада чуқурлашуви жараёни саналади ҳамда компетенциянинг олий даражага кўтарилиши деб баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда профессионал таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий-педагогик компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тизимини ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, профессионал таълимнинг барча босқичларида, узвийликни таъминлаш, таълим беришнинг инновацион усулларини жорий этиш, мустақил таълим олиш орқали ўз-ўзини ривожлантиришнинг, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг инновацион ва креатив шаклларини жорий этиш орқали барча профессионал таълим иштирокчилари учун уларнинг ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш имкониятини яратиш долзарб вазифалардан биридир. Бунда мустақил ва эҳтиёжга асосланган таълимни компетенциявий ёндашувлар асосида йўлга қўйиш, узлуксиз таълим олишнинг электрон дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва объектив баҳолаш механизмларини яратиш долзарб масалалардан биридир.

Профессионал таълим тизимида бутун умр давомида узлуксиз таълим олиш ҳаётӣ заруратга айланди ва мустақил таълим тизими таълим узлуксизлигини таъминлашнинг муҳим аспекти сифатида профессионал таълимнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Узлуксиз малака ошириш тизими - бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишда ривожлантириб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизим ҳисобланади.

Мамлакатимизда Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021йил 26 февралдаги "Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" - ги 106-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида йиғилган кўп йиллик миллий ва хорижий илғор тажрибалар акс эттирилгани ҳолда республика профессионал таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларининг устувор йўналишлари, уларни бошқариш тамойиллари ва мониторингининг асослари белгилаб берилди.

Қарорда «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш;

таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим

дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш вазифалари белгиланди.

Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомда профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш тартиби ва шакллари белгилаб берилди. Бунда, масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш - қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат шакл-турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва офлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шакли;

мустақил малака ошириш - бошқарув ҳамда педагог кадрлар томонидан таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган давлат таълим талабларига мувофиқ янги билим, кўникма ва малакаларни мустақил ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш шакли;

муқобил малака ошириш - индивидуал касбий маҳорат кўникмаларини тасдиқлашнинг амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли.

Малака оширишнинг мустақил ва муқобил шакллари (пуллик ўқув курслари, қисқа муддатли курслар, стажировка, тренинглари, маҳорат дарслари ва бошқалар) жорий этилиши тадқиқоти ишмишни янада долзарблигини оширади. Бизнинг тадқиқот ишимизда малака оширишга янги шаклларнинг жорий этилиши узлуксиз таълимнинг янги парадигмалари ва ёндашувларини ўрганишни (компетенциявий, андрогогик, эвтагогик), таълимни рақамли трансформациясини жорий этишни (смарт дидактика, рақамли таълим), хорижий тажрибаларни ўрганишни (касбий стандарт талаблари, компетенциялар кластери), замонавий таълимда бошқарув ва

педагог кадрларга қўйилаётган компетенция талабларини (софт, ҳард, селф компетенциялар), қисқа муддатли курсларни яратишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишни, узлуксиз малака ошириш методлари ва технологияларини такомиллаштириш масалалари асосий вазифа сифатида белгиланди. Бу вазифаларни амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, ҳамкорлик қилиш муҳим саналди.

Халқаро тажрибаларга кўра дунёда катта ёшлиларни ўқитиш масаласи ва малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлаш, қўшимча касбий таълим дастурларини ўзлаштиришни истовчи катта ёшлиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратиб беришга қаратилган, давлат ёки халқаро миқёсда ҳам фаолият юритувчи таълим марказлари, институтлар мавжуд. Жумладан, ЮНЕСКО таълим институти (Гамбург), Халқаро таълимни режалаштириш институти (Париж), Халқаро таълим институти (АҚШ), Швейцария катталар таълими ташкилоти, Катталар таълимнинг миллий институти (Буюк Британия), Халқаро педагогик тадқиқотлар институти (Германия) шулар жумласидандир.

Малака ошириш тизимини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларни ўрганишда Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини хорижий илмий-инновацион лойиҳа ва грантларга жалб этиш ва амалга ошириш, шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича муайян ишлар бажарилиб келинмоқда. Хусусан, Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Россия Федерацияси профессионал таълимни ривожлантириш институти (ИРПО), Белоруссия Республикаси профессионал таълим институти (РИПО), Немис Халқ Университетлари ассоциацияси (DVV), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ), "Sparkassenstiftung" Германия халқаро ҳамкорлик фонди, Британиянинг "Pearson Education Limited" таълим, нашр ва баҳолаш хизмати, Швейцариянинг "SustainableSkills", ЮНЕСКО каби олий таълим муассасалари ҳамда лойиҳа доирасидаги ташкилотлар билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021.464 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сон Қарори
4. Аношкина В. Л., Резванов С. В. Образование. Инновация. Будущее. 2001. Раздел. 3. Стадии становления концепции непрерывного образования. URL: sbiblio.com/biblio/archive/resvanov_obrasovanie/
5. Ахмедов А.Э., Смольянинова И.В., Шаталов М.А. Система непрерывного образования как драйвер совершенствования профессиональных компетенций// Профессиональное образование и рынка труда. 2016. №3. С.26-28.

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ СТАНДАРТИНИ ЯРАТИШ ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Н.Н.Каримова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти, “Персонални бошқариш” кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Аннотация. Мақолада педагогнинг касбий стандарти мазмуни, моҳияти, педагогнинг касбий стандартини яратишга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, касбий стандартларни ўрганишда хорижий тажрибалар, касбий стандартларни қабул қилиш орқали таълимда эришиладиган натижалар келтирилган. Шунингдек, касбий стандартлар орқали педагогнинг касбий компетенцияларини баҳолаш, сертификациялаш, аттестацияси тизимларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: педагог, педагогика, касб стандарти, стандарт, компетентлик, миллий малака рамкаси, сертификат, аттестация, тизимли ёндашув.

Аннотация. В статье представлены содержание и сущность профессионального стандарта педагога, возникновение необходимости создания профессионального стандарта педагога, результаты, достигнутые в образовании за счет внедрения профессиональных стандартов, зарубежный опыт изучения профессиональных стандартов. Также освещены вопросы совершенствования системы оценки, аттестации и аттестации профессиональных компетенций педагогов посредством профессиональных стандартов.

Ключевые слова: педагог, педагогика, профессиональный стандарт, стандарт, компетенция, национальная рамка квалификации, сертификат, аттестация, системный подход.

Annotation. The article presents the content and essence of the professional standard of the teacher, the emergence of the need to create a professional standard of the teacher, the results achieved in education through the adoption of professional standards of foreign experience in the study of professional standards. The issues of improving the system of assessment, certification and attestation of professional competencies of teachers through professional standards are also covered.

Keywords: pedagogue, pedagogy, professional standard, standard, competence, national qualification framework, certificate, attestation, systematic approach.

Сўнги йилларда педагогик фаолиятда мавжуд касбий стандартларнинг мазмунини шакллантириш, ривожлантириш ва танқидий таҳлил қилиш тамойиллари педагог олимлар томонидан олиб бориладиган психологик, педагогик тадқиқотларнинг асосий предмети бўлиб қолди. Шунингдек, бу муаммони қиёсий жиҳатдан ўрганишга эътибор кучайтирилди.

2000-йилларнинг бошларида касбий стандартларга янгидан эътибор қаратилди, бунинг асосий сабаби: янги касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва АҚШ, Австралия, Европа Иттифоқи ва бошқа

мамлакатларнинг миллий таълим тизимларида янги авлод стандартларига ўтиш бўлди.

Ҳозир мамлакатимизда ҳам таълим тизимини замонавий тенденциялар асосида такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар узлуксиз таълим олиш тизимини такомиллаштириш педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш механизмларини яратиш ҳамда педагогнинг касбий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруриятини туғдирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15

майдаги 287-сон “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда келтирилган “Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими тўғрисида”ги низомда Ўзбекистонда илк маротаба “касбий стандарт”, “миллий малака рамкаси” атамаларига таъриф берилди. Шунингдек, компетенцияларни баҳолаш бўйича фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар реестрини, Касб стандартлари миллий реестрини ҳамда Тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига таълим соҳасини ислоҳ қилиш тадбирларини амалга ошириш, Миллий ва тармоқлар малакалар рамкалари, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори ҳамда профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторига бевосита алоқадор бўлган долзарб ўзгаришларни тизимли равишда киритиб боришни таъминлаш вазифалари белгиланди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш истиқболли хорижий тажрибаларни ўрганишни тақозо этади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Америка ва Европада профессионал ва олий таълимнинг кризиси кўзга ташланиб қолди. Таълим иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бизнеснинг еҳтиёжларидан орқада қолиб кетди, битирувчилар меҳнат фаолиятига бевосита киришиб кета олмай қолдилар. Шундай қилиб, кун тартибига иш берувчилар томонидан ходимларга қўйиладиган талабларни шакллантириш масаласи қўйилди. Ишга кирувчилар мазкур талабларни ўзлаштирганликларини кўрсатишлари керак. Юқорида айтилган талабларни шакллантириш “касб стандартлари”нинг яратилишига тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Касб стандарти — асосий меҳнат

функциялари ва уларни бажариш шароитларини ифодаловчи, кўникма даражасига, меҳнат мазмуни, сифати ва шароитларига қўйилган талабларни белгиловчи стандарт.

Хусусан, бир қатор Европа мамлакатлари (Финляндия, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқалар)да педагогларнинг профессионал стандартлари, шунингдек, халқаро стандартлари батафсил тавсифланган ва ўрганилган.

Хорижий мутахассисларнинг фикрларига кўра, педагогнинг ривожланиши ва таълим сифатини рағбатлантирадиган назорат ва ўлчов воситалари сифатида касбий стандартлардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан жараённинг барча иштирокчилари ўз роли, баҳолаш мақсадлари, талаблар, компетенциялар мазмуни ва ўлчов мезонлари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш даражасига боғлиқ.

Шунингдек, педагогик фаолият соҳасида касбий стандартлардан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий маконидаги давомий зиддиятларга ҳам эътибор бериш лозим. Шу билан бирга, бу муаммо таълим тизими фаолиятининг барча даражаларига тааллуқлидир.

Касбий стандартлар концептуал равишда «педагогнинг малакасини баҳолаш учун объектив восита, таълим муассасаларида педагог кадрларни танлаш воситаси, меҳнат шартномасини шакллантириш учун асос, ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни тиклаш воситаси» деб белгиланди.

Дунёнинг кўплаб ривожланган (АҚШ, Франция, Германия, Испания, Австрия, Австралия, Япония ва бошқалар) мамлакатларида, шунингдек, айрим ривожланаётган мамлакатларда (Покистон, Қатар, Ҳиндистон ва бошқалар) педагогик фаолият соҳасида профессионал стандартларни фаол ишлаб чиқиш ва жорий этиш XX асрнинг 80-йилларида бошланган.

Бир қатор бошқа мамлакатларда (Буюк Британия, Австралия ва бошқалар) асосий соҳалар қаторига:

- хавфсиз таълим маконини ривожлантириш;
- педагогларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;
- педагогнинг инновацион салоҳияти ва зарур ресурслар билан ишлаш, шу жумладан соҳалараро контекста;
- таълимни қайта кўриб чиқиш, назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этиш;
- ўқув жараёнида ва умуман жараённинг ўзида воқеаларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва моделлаштириш;
- педагогик маданият ва кадритлар тизими.

Бундай фарқланиш педагогнинг касбий ривожланишига нисбатан компетенцияли ёндашувга кўпроқ тўғри келади, бу эса ўз навбатида профессионал стандартда белгиланган функцияларнинг батафсил ва кичик-кичик бўлакларга бўлиниб “умумий меҳнат функциялари”, “оддий меҳнат функциялари”, кейин эса “меҳнат фаолияти, зарур кўникмалар, билимлар” каби бўлимларга бўлинишдан кўра мантиқий тушунарли дескрепторларга мувофиқ педагогга изчил режалаштирилишига имкон беради.

Европа мутахассисларининг фикрига кўра, педагогнинг касбий стандартлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- а) таълим фаолияти амалиёти соҳасида аниқ муносабатларни аниқлаш;
- б) педагогларни шахсий ва касбий такомиллаштириш ва уни баҳолаш учун долзарб жиҳатларни аниқлаш;
- в) ўқув-тарбия жараёнининг сифатини ошириш мақсадида, шу жумладан касбий ривожланишни баҳолаш ва

мониторинг қилиш орқали педагогларнинг касбий ўсишини рағбатлантиришда таълим муассасалари маъмуриятига ёрдам кўрсатиш.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогнинг хорижий профессионал стандартларининг муҳим терминологик конструкцияси «тушуниш» (understanding) деб таърифланади. У ўқитиш технологияси, мавзунинг мазмуни, стандартнинг мазмуни, ўқувчиларнинг психологик ва педагогик хусусиятлари, уларнинг эҳтиёжлари ва бошқалар, стандартларнинг тузилиши ва мақсадини тушуниш, ўз шахсий ва касбий қобилиятлари ва эҳтиёжларини тушуниш ва бошқалар учун қўлланилади.

Касб стандартлари сифатли таълим дастурлари ва касбга ўқитиш дастурларини шакллантиришга муҳим ҳисса қўша олади, шунингдек мутахассис тайёрлаш жараёнида замонавий, самарали таълим технологияларини қўллашга йўл очади.

Сертификация ва турли тоифадаги ходимлар аттестацияси тизимлари асоси бўлиб хизмат қила олади.

Касбий стандартларни қўллаш негизида таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан қуйидагиларни амалга ошириш тушунилади:

- ишга қабул қилишда ходимнинг малакасини аниқлашда;
- эгаллаб турган лавозимига мувофиқлигини аниқлаш бўйича аттестация ўтказишда;
- ходимларни таълим турини аниқлаш учун қўшимча касбий таълим олишга йўналтиришда;
- меҳнат ҳаракатлари ва билим ҳамда кўникмаларга бўлган талабларни аниқлаш учун лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишда;
- лавозим номларини аниқлаш учун штат жадвалини ишлаб чиқишда.

Касбий стандартлар қуйидагилар учун керак:

Биринчидан, ходимнинг малакасини ва тегишли лавозимга мослигини аниқлашда. Бунда касбий стандарт – малакавий маълумотномага қараганда батафсилроқ ҳужжат ҳисобланади.

Иккинчидан:

- касбий таълим олиш;
- касбий таълим бериш;
- қўшимча касбий таълим олиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда.

Педагогнинг профессионал стандартини жорий қилиш унинг функциялари ва вазифаларини бажаришда терминологик аниқлик, ҳуқуқий тартибга солишни уйғунлаштириш, стандартни қўллаш ва уни профессионал жамоа томонидан тушу-

ниш учун шаффоф механизмларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, шунингдек, амалий фаолиятда стандартдан фойдаланишнинг аниқ афзалликларини билиш шарт билан амалга оширилиши мумкин.

Шу мақсадда бугунги кунда касбий стандарт учун ягона терминологияни ишлаб чиқиш, талаблар, баҳолашнинг асосий соҳалари, ривожланиш даражалари ва уларни баҳолаш учун шаффоф дискрепторларни ишлаб чиқиш учун профессионал педагогик жамоага эксперт муҳокамасини ўтказиш учун топширилиши мумкин.

Касбий стандартлар таълим сифатини бошқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг оптимал воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда педагогнинг касбий стандартини жорий қилиш, педагогик касбий таълимни стандартлаштириш усулларини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Al-Dajeh H.I. Jordanian vocational, secondary education teachers and acquisition of the National professional standards // Education. – 2012. – №133. – p.221–232.
2. Australian Professional Standards for Teachers, Australian Institute for Teaching and School Leadership, available at. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.aitsl.edu.au/australian-professional-standards-for-teachers/standards/list>
3. Brundrett, M., Silcock P. Achieving Competence, Success and Excellence in Teaching, L., N.Y., RoutledgeFarmer
4. Caena F. Teachers' core competences: requirements and development, European Commission. Education and Training 2020, Thematic Working Group «Professional Development of Teachers», p.287
5. Профессиональный стандарт «Педагог» (педагогическая деятельность в до школьном, начальном общем, основном общем, среднем общем образовании (воспитатель, учитель)). Утвержден приказом Министерства труда и социальной защиты Российской Федерации от 18 октября 2013 г.
6. In TASC Model Core Teaching Standards: A Resource for State Dialogue. 2011. URL: http://www.ccsso.org/Resources/Publications/In_TASC_Model_Core_Teaching_Standards_A_Resource_for_State_Dialogue_%28April_2011%29.
7. Дудин М.Н. Профессиональный стандарт педагога: проблемы имплементации в мировой практике //
8. Экономикатруда. – 2020. – Том 7. – №3. – С.267–288. doi:10.18334/et.7.3.100661.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

К.Т.Уматалиева

Профессионал таълимни ривожлантириш институти докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада профессионал таълимни ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида ўқитувчининг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг муҳимлиги очиб берилган. Мақолада ўқитувчининг касбий компетенциясини ривожлантириш ва унинг профессионал таълим муассасасида ўқувчиларнинг касбий ва умумий компетенцияларини шакллантиришга таъсири ўртасида параллеллик мавжуд. Ўқитувчиларнинг касбий малакаси мустақил равишда, фаол, содир бўлаётган ўзгаришларга мослашувчан муносабатда бўлиш қобилиятини, ўз ривожланиши учун жавобгарликни қадрият сифатида қабул қилишни назарда тутди. Мақолада касбий компетенцияни шакллантириш босқичлари, ўқитувчининг касбий компетенциясининг таркибий қисмлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, ўқитувчи, педагогик фаолият, касбий компетенция, малака ошириш жараёни.

Аннотация: В данной статье раскрывается важность развития профессиональной компетентности педагога как одной из основополагающих составных развития профессионального образования. В статье проведена параллель развития профессиональной компетентности педагога и влияние её на формирование профессиональных и общих компетентностей учащихся в профессиональном образовательном учреждении. Профессиональная компетентность педагогов предполагает способность реализоваться самостоятельным, активным, гибко реагирующим на происходящие изменения, способностью принятия ответственности относящийся к собственному развитию как к ценности. В статье рассмотрены этапы формирования профессиональной компетентности, компоненты а также составляющие профессиональной компетентности педагога.

Ключевые слова: профессиональное образование, педагог, педагогическая деятельность, профессиональная компетентность, процесс повзшения квалификации.

Abstract: This article reveals the importance of the development of professional competence of a teacher as one of the fundamental components of the development of vocational education. The article draws a parallel between the development of professional competence of a teacher and its influence on the formation of professional and general competencies of students in a professional educational institution. The professional competence of teachers presupposes the ability to be realized independently, active, flexibly responding to the changes taking place, the ability to take responsibility for one's own development as a value. The article considers the stages of formation of professional competence, components and components of professional competence of a teacher.

Key words: professional education, teacher, pedagogical activity, professional competence, professional development process.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим тизимида ташқи омиллар сезиларли таъсир кўрсатмоқда. У тубдан янги талабларга дуч келмоқда, уларнинг доимий ўсиши жаҳон ривожла-

нишининг бир қатор тенденциялари билан боғлиқ. Масалан, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши келажакдаги мутахассислардан замонавий фикрлашни, жамиятни демократлаштиришни, сиёсий

ва ижтимоий танлов имкониятларини кенгайтиришни талаб қилади, таълим муассасасининг олдиға фуқароларнинг бундай танловга тайёрлигини шакллантириш заруратини қўяди, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва чуқур бандликдаги таркибий ўзгаришлар, ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган доимий эҳтиёжни аниқлаш, улар таълим муассасалари битирувчиларининг ҳаёти давомида ўқиш истаги ва қобилиятини ривожлантириш зарурлигини аниқлайдилар.

Профессионал таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, турлари ва йўналишлари ҳамда ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий компетентлигини шакллантириш муаммолари юзасидан Р.Н.Джураев [1], Ш.Э.Қурбонов[2], А. Р. Ходжабаев[2], К. Т. Олимов, [4], Ш.С.Шарипов, М. Б. Уразова [5], Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсинов ҳамда А.А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Ф.М.Зокирова, Ж.А.Хамидова, О.Н.Тўрақулов таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича изланишлар олиб бордилар

Касбий компетенцияларни эгаллаш, шахсий компетенцияларни ўрганиш ва педагогик-психологик хусусиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш орқали шахснинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари С. Брейк, К. Макконнелл, Ж. Робинсон, Ж. Кейнс, А. Курнот, Е. Гост Р. Каттелл каби олимлар томонидан ўрганилган. J. Grayson, К. Рожерс, Ж. Деви, А. Маслоу, Р. Martens, К. Делл, Ж. Ф. Лётард ва бошқалар. [6]

Ушбу талабларни қондириш учун профессионал таълим муассасаси доимий равишда ўзгариши керак. Фаол, ўзгаришларга мослашувчан, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, қадриятлар сифатида ўз ривожланиши билан боғлиқ, эга ва доимий ўқитувчи малакасини оши-

риш учун тайёр. Шундай қилиб, биринчи навбатда ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш учун махсус талаблар мавжуд. [7]

Касбий компетенция-бу ўқитувчининг касбий фаолият шароитида касбий муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш қобилиятидир. Шунингдек, ушбу тушунчани шахсий ва касбий сифатларнинг комбинацияси сифатида педагогик фаолиятнинг самарадорлигини белгилайдиган билим ва кўникмалар йиғиндиси сифатида аниқлаш мумкин.

Касбий компетенция тушунчаси билан бир қаторда касбий компетенцияни ривожлантириш каби тушунча ҳам мавжуд. [8]

Касбий компетенцияни ривожлантириш – бу касбий тажрибани ўзлаштириш ва модернизация қилишнинг динамик жараёни бўлиб, индивидуал касбий фазилатларни ривожлантиришга, доимий ривожланиш ва ўзини такомиллаштиришни ўз ичига олган касбий тажрибани тўплашга олиб келади. Профессионал таълими тизими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш босқичларини аниқлаш керак:

1. Ўз-ўзини ривожлантириш ва эҳтиёжни англаш;
2. Ўз-ўзини ривожлантиришни режалаштириш (мақсадлар, вазифалар, ечимлар);
3. Ўз-ўзини намоён қилиш, таҳлил қилиш, ўз-ўзини коррекция қилиш.

Касбий компетентликни шакллантириш циклик жараёндир, чунки педагогик фаолият жараёнида профессионалликни доимий равишда такомиллаштириш керак ва ҳар сафар санаб ўтилган босқичлар такрорланади, аммо янги сифатда. [9]

Профессиоанол таълими ўқитувчисининг касбий малакаси, одатда, қарор қабул қилиш билан боғлиқ педагогик фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлган билим, кўникма ва тажриба даражасини акс еттирувчи ишбилармонлик ва шахсий фазилатларнинг ажралмас хусусияти сифатида белгиланади. [10]. Професионал таълим ўқитувчисининг касбий компетентлигининг асосий таркибий қисмлари:

- ижтимоий-ҳуқуқий компетенция давлат муассасалари ва одамлар билан ўзаро муносабатлар соҳасидаги билим ва кўникмалар, шунингдек, касбий мулоқот ва хулқ-атвор усулларини билиш;
- шахсий компетенция-узлуксиз касбий ўсиш ва касбий ривожланиш қобилияти, шунингдек касбий ишда ўзини-ўзи англаш;
- Професионал таълим ўқитувчисининг касбий компетенцияси предмет, психологик, педагогик ва методик компонентларни ҳам ўз ичига олиши керак. [11]

Мавзу компонентига қуйидагилар киради:

- ўқитилаётган фан соҳасидаги билимлар;
- ўқитиладиган фан бўйича замонавий илмий тадқиқотларда йўналтирилганлик;
- интизомни ўқитиш усулларини билиш (турли хил ўқитиш усуллари ва техникаларида ҳаракат қилиш қобилияти);
- замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларидадан фойдаланиш;
- кенг қўламли таълим-тарбия

вазифаларини ҳал этиш муваффақиятини белгилловчи асосий психологик-педагогик билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

- ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларини аниқлаш ва уларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини қуриш қобилияти;

- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларидаги бўшлиқларни аниқлаш, бўшлиқларни бартараф этишнинг индивидуал усулларини амалга ошириш;

- ўқитувчилар таркибида қулай микроклимни яратиш қобилияти. [12]

Услубий компетенция:

- ўқув материални режалаштириш, танлаш, синтез қилиш ва лойиҳалаш қобилияти;
- дарсларнинг турли шаклларини ташкил қила олиш;
- ўқишга фаолиятга асосланган ёндашувни амалга ошириш қобилияти ва ўқувчиларнинг ўқув ишларини ташкил этиш қобилияти;
- инновацион таълим технологияларини қўллаш қобилияти;
- ўқувчиларнинг касбий ва умумий компетентлигини шакллантиришда педагогик методлардан фойдалана олиш;
- синфда ва синфдан ташқари машғулотларда мустақил ишларни ташкил эта олиш. [13]

Юқоридагиларга асосланиб, бугунги кунда юқори касбий малакага эга ўқитувчи ўз мавзусини билади ва ўз ишини яхши кўради, шунингдек, у турли хил замонавий ўқитиш усуллари ва технологияларига эга, юқори компетентли ўқитувчи турли хил ўқитиш усулларига эга, ўқувчиларнинг қизиқишини қандай уйғотиш ва сақлашни билади, ўрганиш тезлигини

ўқувчилар билан ўлчайди. Билимларни ўзлаштириш суръати, уларнинг диққатини бошқаради, аниқ, олдиндан келишилган назорат тизимига эга, билимларни холисона баҳолайди, ўқувчиларни хур-

мат қилади ва энг муҳими, профессионал таълими ўқитувчиси шахсий таълим концепциясига эга ва доимий равишда ривожланиб боради..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев Р.Ҳ. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Пед. фан.док....дисс. автореф - СПб.: 1995. – 436.,
2. Курбанов Ш.Э. Социально педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров. Дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: УзНИИПН, 2000. – 527 б.,
3. Ходжабоев А.Р, Хусанов И. Профессионал таълим методологияси. - Т.: "Фан ва технология", 2007. - 192 б.,
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Педагогик технологиялар. – Т.: Fan va texnologiya, 2012, 300 б., Шарипов Ш.С. Касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. Т.: "Фан", 2005. - 136 б.,
5. Уразова М.Б. Ёўлажак профессионал таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Пед. фан.док....дисс. автореф.-Т.: 2015. - 21 б.,
6. Уразова М.Б. Теория и практика подготовки будущего педагога профессионального образования к проективной деятельности: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – Ташкент, 2012,
7. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. Ахборот технологиялари. - Т.: Ўқитувчи. 2002. - 133 б.,
8. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. П. ф. д.дисс. - Т.: 2007. - 305 б.
9. Закирова Ф.М. Теоритические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических вузах: Автореф.дис...док.пед.наук. - Т.: ТГПУ, 2008. - 42 б.,
10. Макконелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс. Учебник. -М.: ИНФРА - М. - 2003. - 972 б.,
11. Трегубова Е.С. Оптимизация процесса профессионального воспитания студентов технического колледжа: целевая педагогическая программа. Красногорск: Красногор. гос. колледж, 2013. 11. Фролова С.Л. Преемственность в профессиональном воспитании студентов колледжа и вуза // Вопросы воспитания. 2008. № 7. 6. 17–20.
12. Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты: докл. на отднии филос. образования и теории педагогики РАО [Электронный ресурс]. URL: <http://eidos.ru/journal/2002/0423-1.htm> (дата обращения: 20.04.2016).
13. Кушин В.С. Общие основы педагогики. - Р-н/Д.: Март, 2002

КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Т. Жуманиёзова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология”
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация.

Мақолада Олий таълим тизимида педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш, таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқитувчиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш имконини берадиган методлар ва уларни қўллаш амалиёти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар.

Олий таълим, инновацион фаолият, креатив ва тизимли фикрлаш, интерактив методлар.

Абстрактный.

В статье развитие научно-инновационной деятельности педагогов в системе высшего образования, организация образовательного процесса в соответствии с мировой практикой внедрения новых педагогических технологий и методов обучения, развитие творческой компетентности педагогов, обеспечения прочной интеграции науки, образования и производства, образования в образовательном процессе обсуждаются методы и практика их применения, позволяющие повысить качество, подготовку конкурентоспособных кадров, эффективную организацию научной и инновационной деятельности.

Ключевые слова.

Высшее образование, инновационная активность, творческое и системное мышление, интерактивные методы.

Annotation.

The article discusses the organization of the educational process in accordance with international practice of training, retraining, advanced training and development of scientific and innovative activities of teachers in the higher education system, the introduction of new pedagogical technologies and methods of teaching education, ensuring a strong integration of science, education and production through the development of integrative creativity teachers, improving quality, talks about methods that allow you to effectively organize scientific and innovative activities, and the practice of their application.

Keywords.

Higher education, innovation activity, creative and systems thinking, interactive methods

Таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш айнан таълим берувчининг интегратор креатив фаолиятини тақозо этади.

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш; халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш педагог кадр-

ларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш кўзда тутилган.

Психология соҳасида психогенетик ёндашув вакиллари, шахсни шакллантиришнинг асосий манбаи, ген атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири омиллари бўлиб, баъзи йўналишлар асосан генетика, бошқалари эса атроф-муҳит таъсирини таъкидлайди. Масалан, хусусиятлар назариясининг асосчиси Г.Олпорт ҳар бир шахсни унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали яхшироқ тушуниш мумкин, деб ҳисоблаган. Хусусиятни одамнинг турли вақтларда ва турли вазиятларда ўзини бир хил тутишга мойиллиги сифатида таснифлайди.

Когнитив психология йўналиши вакиллари шахс шаклланишининг энг муҳим омили сифатида интеллект ва фикрлаш жараёнларини келтириб ўтадилар. Ушбу ёндашув доирасида психодинамик ориентация вакиллари шахснинг хулқ-атворини ҳиссиётлар, ҳаракатлар ва психиканинг бошқа нораціонал компонентлари орқали тушунтиради. Психогенетик ёндашув шахс креатив компетентликнинг компонентларининг ривожланиш хусусиятларини илмий талқин қилишда ёрдам беради

Когнитив назария вакиллари (Ж.Пиаже, Д.Келли ва бошқалар) шахс психикасининг интеллектуал билиш доираси хусусиятларига суянадилар. Ж. Пиаженинг назариясида шахс «тушунувчи, таҳлил қилувчи» сифатида ташқи муҳитга мослашади, бу ассимиляция (атроф-муҳит элементларининг ўзлаштирилиши) ва турар жой (тирик организмнинг атроф-муҳит шароитларига мослашиши) жараёнларини мувозанатлаш орқали содир бўлади. Ж.Пиаже шахснинг интеллектуал ривожланишини психик ривожланишнинг бошқа жиҳатлари учун асос деб ҳисоблайди.

Олимнинг фикрича, инсон ахлоқининг ривожланиши когнитив қобилиятлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлади.

В.Н.Дружинин креативлик фақат вазиятга (ситуатив) боғлиқ хусусият - жавоб реакцияси бўлиши мумкинлигини, у нафақат хулқ-атворга (вазиятли-ситуатив) хос, балки шахсий хусусият бўлиб шаклланиши атроф-муҳит шароити таъсирида юзага келишини таъкидлайди. У ўз қарашларида креативлик хусусият бўлиб, у фақат атроф-муҳит имкон берсагина фаоллашади деб тушунтиради, муаллиф креативликнинг дастлабки босқичларини инсон ҳаёт фаолиятининг муайян соҳасига ихтисослаштирилмаган умумий ижодкорлик қобилияти эканлиги ҳақида фикр юритади.

Е.Ландау креативликни умумий маънода ижтимоий, интеллектуал ва бадиий функцияларнинг энг юқори даражаси деб изоҳлайди.

Креативлик атамасининг ҳосилалари сифатида «креатив фикрлаш», «креатив шахс», «креатив хулқ-атвор», «креатив тафаккур», «креатив жараён», «креатив маҳсулот», «креатив компетенция», «креатив компетентлик», «креатив потенциал» каби тушунчалар кенг қўлланилади. Бу тушунчалар педагогик-психологик жиҳатдан бир-бирига яқин, бири иккинчисини тўлдирувчи хусусиятга эга бўлсада, улар бир масаланинг турли томонларини изоҳлайди.

«Креатив фикрлаш». Қадимги юнон файласуфи Афлотун асарларида креатив фикрлаш инсоннинг турли тушунчаларни яратишга қаратилган мушоҳада юритиш қобилияти сифатида изоҳланади.

Психолог олим Д. Векслер ўз тадқиқотларида креатив фикрлашни бир муаммо ёки масала юзасидан бир вақтда бир нечта ечимларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида тушунтириб, креатив фикрлаш стереотип, шаблонли, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятидаги ўзига хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам бе-

ришини таъкидлайди.

ПИСА (ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини баҳолаш халқаро дастури) тадқиқотларининг асосий мақсади таълим олувчиларда креатив фикрлашни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, креатив фикрлаш таълим олиш жараёнида масалани ечишда тасаввурларни оригинал ва самарали ривожлантиришга олиб келадиган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштиришда самарали иштирок этиш қобилияти деб таърифланади.

Креатив фикрлаш шаблонлар (ечимнинг аниқлиги ва чегараланганлиги, турли муаммоларга бир хилдаги ёндашув, муаммоларнинг ички моҳиятини кўра билмаслик) ва анъанавий қабул қилинган услублар асосида фикрлашга тескари бўлган фикрлаш усули ҳисобланади.

Креатив шахс. Креативлик хусусиятига эга бўлган инсонларга нисбатан креатив шахс ёки креативлар атамасини қўллаш орқали изоҳланади. Муаммоларни ечишда ностандарт усулларни қўллашга мойил, оригинал ва ностандарт фикрлаш кўникмасига эга, воқеа, ҳодиса жараёнларни таҳлил қилишда ҳар қандай ғайриоддий фикрларни ривожлантириб, улардан янги ғоялар ярата оладиган шахс креатив шахс ҳисобланади. Улар мулоқот жараёнида очиқ бўладилар, бу шахсларда танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳазилни тушуниш туйғуси яхши шаклланган бўлиб, қизиқувчан, сезгир, фикрлашда бой фантазияга, мослашувчанлик ва ўз ғояларини синчковлик билан батафсил ишлаб чиқиш малакаларига эга бўладилар.

Креатив хулқ-атвор. Креатив хулқ-атвор – индивиднинг ўз мулоқотида ташқи мотивация ва инсоннинг ўз ҳаракатларини ташқи мотивацияга жавоб реакцияси сифатида юзага келтириш жараёни ҳисобланади. Креатив бўлиш учун инсонга рағ-

батлантирувчи муҳит керак. Инсон ўзини қандай бўлса шундай қабул қилишаётганини ҳис қилиши ва у ўзига ишончини йўқотмасдан ўз истеъдодларини эркин ва ҳар қандай вазиятда кўрсата олишиимконига эга бўлиши учун хулқ-атвори креативлик хусусиятлари шаклланиши керак.

Креатив тафаккур.
Фалсафий нуқтаи назардан тафаккур – ўрганилаётган объектнинг хоссалари ва қонуниятларини тушунча, тамойил ва аксиомалари бўлган абстракциялар орқали умумлаштириш ва билвосита инъикос этиши жараёнидир.

Инсон тафаккурининг анъанавий қолиплардан четга чиқиши, ўзига хос, оригинал қарорлар қабул қилишга қодирлигини ифодаловчи ушбу тушунча ҳақида тадқиқотчилар креатив тафаккур фақат катталарда тўлиқ ривожланишга эришадди, чунки у туғма қобилият ва ҳаёт тажрибасининг ўзаро тасирида шаклланади деб ҳисоблайдилар. Ўқитувчи тафаккурини оригинал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга чақириш, ғояларни ишлаб чиқишга мажбурлаш; кенг мушоҳада этиш, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи ва стереотиплар қобиғидан чиқиб кетиш креатив тафаккурга боғлиқ бўлади.

Қуйида креатив фикрлаш малакаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган бир қатор методларни кўриб чиқамиз:

Ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси (Генрих Альтшулер). Ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси - ихтирочи ва фантаст ёзувчи Гейнрих Альтшуллер томонидан 1946 йилда асос солинган. ТРИЗ - бу инновацион ғоялар ва муаммоларни ҳал қилиш учун методология, асбоблар тўплами, билимлар базаси ва моделлаштириш технологияси. ТРИЗ муаммоларни шакллантириш, тизим

таҳлили, носозликларни таҳлил қилиш ва эволюция учун воситалар ва усулларни тақдим этади. Ақлий ҳужум техникасидан фарқли ўлароқ муаммони ҳал қилиш учун ғоялар ва вариантлар тартибсиз шакллантирилади, ТРИЗ техникасининг мақсади янги тизимни ихтиро қилиш ёки эскисини такомиллаштиришга алгоритмик ёндашувни яратишдир.

Делпҳи усули.

Делпҳи усули – бу сўровлар, интервьюлар, ақлий ҳужумлар орқали тўғри қарорни аниқлашда максимал консенсусга эришишга имкон берадиган техникадир. Делпҳи усули ёрдамида таҳлил қилиш бир неча босқичда амалга оширилади, натижалар статистик усуллар билан қайта ишланади. Усулнинг асосий принципи шундан иборатки, бир қатор мустақил экспертлар (кўпинча бир-бирига боғлиқ бўлмаган ва бир-бирлари ҳақида билмайдилар) тузилмавий шахслар гуруҳига (жамоа) қараганда натижани яхшироқ баҳолайдилар ва башорат қиладилар.

Бу қарама-қарши позицияларнинг ташувчилари ўртасида очиқ тўқнашувларнинг олдини олишга имкон беради, чунки у мутахассислар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқани ва қўшма иш натижасида юзага келадиган ва кўпчиликнинг фикрига мослашишдан иборат бўлган гуруҳ таъсирини истисно қилади. Бу экспертларни бир жойда тўпламасдан (масалан, электрон почта орқали) сўровни экспертиорияда ўтказиш имконини беради. Муаммога тадқиқотчилар гуруҳлари, уларнинг ҳар бири ёзма равишда алоҳида жавоб беради, ташкилий гуруҳ – эксперт хулосаларини бирлаштиради.

Латерал фикрлаш (Эдвард де Боно).

Британиялик психолог Эдвард де Боно ижодкорлик ва фикрлашнинг кўп-лаб усулларини таклиф қилди. У латерал

фикрлаш контсепциясининг муаллифи бўлиб, латерал фикрлашнинг бир мисоли «Олти шляпа» техникасидир (оқ - аналитик фикрлаш, қизил - ҳиссий фикрлаш, одам муаммога бир неча нуқтаи назардан қараши мумкин), қора - танқидий фикрлаш, сариқ - оптимистик фикрлаш, яшил - ижодий фикрлаш, кўк - катта истиқболда фикрлаш)ни яъни оқ-фактлар ва объективлик; қизил-ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар; қора-танқид; сариқ-афзалликлар ва ижобий томонлар; яшил-ижодкорлик ва креативлик; кўк--таҳлил ва хулосага олиб келишни англатади. Мажозий маънода, ҳар бир шляпани кийиб, одам муаммога бир неча нуқтаи назардан қараши мумкин. Бу техникани қўллаш давомида барча жамоа аъзолари бир вақтнинг ўзиде шляпаларни маълум тартибда «синаб кўришади», чунки ҳар бир шляпа муҳокама қилинаётган мавзу бўйича маълум бир нуқтаи назарни кўрсатади.

Синектика (Уилям Гордон).

Синектика янги ғояларни яратишнинг энг қийин ва қизиқ усулларидан бири бўлиб, XX асрнинг 50-йиллари бошларида пайдо бўлган, унинг асосчилари америкалик ихтирочи ва инсон тафаккурининг тадқиқотчиси Уилям Гордон ва унинг ҳамкасби Жорж Принсдир. Методологияда иштирокчилар «маълумнинг номаълуми ва номаълумни маълум қилиш»га ҳаракат қилишади. Методология ўн босқичдан иборат: муаммони таҳлил қилиш ва аниқлаш, муаммонинг ўз-ўзидан ечимини таклиф қилиш, муаммони янгидан шакллантириш, тўғридан-тўғри ўхшашликларни қуриш, шахсий аналогияларни қуриш, рамзий ўхшашликларни яратиш, яна тўғридан-тўғри ўхшашликларни яратиш, тўғридан-тўғри ўхшашликларни таҳлил қилиш, аналогияларни уза-тиш, муаммо ва уни ҳал қилишда ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Синектика усулининг моҳияти тегишли ўхшашликларни танлаш орқали муаммоларни ҳал қилишдир. Булар:

Бевосита ўхшашлик. Шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қиладиган тизимлар ва объектларнинг элементларига ўхшашлик.

Рамзий ўхшашлик. У турли хил таққослашлар, метафора, таниш ва нотаниш нарсалар ёки ҳодисаларда парадоксларни излашга асосланган. Ушбу турдаги ўхшашлик воқеа (наrsa, жараён) ларнинг оддий ва ғайриоддий ўхшашликларини топишга қаратилган.

Шахсий ўхшашлик. У тадқиқот объекти ёки унинг бир қисмини таҳлил қилишда фикрлашнинг стереотипик чекловларидан воз кечишга ва мавзуга ғайриоддий бурчакдан қарашга имкон беради.

Фантастик ўхшашлик. Ўрганилаётган объектни одатий қонунлар ва ҳодисалар ишламайдиган ҳақиқий бўлмаган, ҳаёлий шароитларда тақдим этиш. Бу тадқиқотчига объектив ҳақиқатга боғланмасдан ечим топишга имкон беради.

«6-3-5 техникаси» 1968 йилда немис профессори Бернд Рорбах томонидан тақлиф қилинган. 6 киши 3 та фикрини 5 дақиқа ичида ёзади. Кейин иштирокчилар иш қоғозларини алмашадилар ва улар асосида ҳар бир фикрга таяниб яна 3 та вариантни тақлиф қилишади. Шундай қилиб, ажратилган вақт ичида 108 та ғоя яратилиши мумкин.

Талабаларга таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига

талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизimini жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш, таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имижини шакллантириш каби масалаларни ҳал қилиш бевосита ўқитувчининг касбий салоҳияти, креатив тафаккурига боғлиқ бўлиб, педагогнинг креативлик сифатларини ривожлантириш лозим.

Ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш учун ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида креативликни ривожлантириш методикаларининг ўрни ва роли аҳамиятлидир.

Креатив фикрлашни ривожлантириш ҳамма учун фойдалидир, чунки у мутлақо ҳар қандай фаолиятда натижаларга эришишга имкон беради. Китоб ўқиш, кўргазмаларга ташриф буюриш ва кўп юриш, ҳар куни кундалик ва интеллектуал муаммоларни ҳал қилишнинг янги усулларини излашни одатга айлантириш орқали креатив фикрлаш малакалари ривожланади. Тез-тез тасодифий сўз усулидан фойдаланиш, муаммони шакллантириш ва бир қатор сўзларни ёзиб чиқиш, кейин уларни белгиланган муаммо билан боғлаш, ўзаро боғлиқ вариантларни кўплаб топиш орқали ҳам креатив маҳорат шаклланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли фармони <https://lex.uz/docs/4545884>
2. BBDO Алексом Осборном «Как придумать» (англ. HowtoThinkUp) в 1942 г.
3. Альтшуллер Г.С. О психологии изобретательского творчества/Г.С. Альтшуллер, Р.Б. Шапиро//Вопросы психологии. - 1956, № 6. - С. 37 - 49.

ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Бегимқулов Ҳасанбой Шукурбой ўғли

Профессионал таълимни ривожлантириш институти Персонални бошқариш
кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли таълим муҳитида рақамли трансформацияни амалга ошириш жараёнлари, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг таълим тизимидаги ўзгаришларга мослашиши тез фурсатда ўсиб бораётган меҳнат бозорига мос тарзда ривожланиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими, замонавий таълим, рақамли билимлар

Аннотация: В данной статье освещаются процессы цифровой трансформации в цифровой образовательной среде, адаптации преподавателей и студентов к изменениям в системе образования, вопросы развития в соответствии с быстро меняющимся рынком труда.

Ключевые слова: цифровые технологии, информационно-коммуникационные технологии, система повышения квалификации и переподготовки кадров, современное образование, цифровые знания.

Annotation: this article covers the processes of digital transformation in the digital educational environment, the adaptation of educators and learners to changes in the educational system at a quick opportunity to develop in a way that suits the reading labor market.

Keywords: digital technologies, information and Communication Technologies, a system of professional development and retraining, modern education, digital knowledge.

Таълим тизими трансформацияси шароитида раҳбар ва педагог-кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондиришга мослашиши керак. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда рақамли технологияларнинг асосий афзалликларидан бири унинг мослашувчан таълим имкониятларини таъминлашдир. Электрон таълим платформалари ва рақамли ҳамкорлик воситалари раҳбар ходимлар ва педагог-кадрларга ўзига қулай вақтда ҳамда қулай шаклда малакасини ошириш ва бутун дунё бўйлаб соҳа мутахассислари билан алоқа ўрнатиш имконини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар ўқитувчиларнинг педагогик билим ва кўникмаларини оширишда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Таълимда рақамли технологияларни қўллаш орқали малака ошириш жараёнини ташкил этишни У.Ш.Бегимқулов, М.Мирсолиева, Т.Т.Шоймардонов, А.Э.Обидов, К.Каримов, М.Инназаров, Ғ. Отамуродов, Ш.Позилова ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларида ўрганишган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида И.В.Берестова, В.П. Беспалко, И.В.Варганова, Т.Т.Везилов, И.Б.Горбунов, И.Б.Готская, В.Ю.Грушевская, Н.А.Дмитриевская, А.К.Мошкалов ва бошқаларнинг ишларида малака ошириш жараёнларини рақамли таълим муҳитини тақлиф этиш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммоси кўриб ўтилган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда рақамли таълим муҳитида педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёни муаммоси етарлича ўрганилмаган. Бу эса рақамли технологияларга асосланган малака ошириш жараёни, унинг назарий ва амалий асосларини

ишлаб чиқиш зарурати, мазмунини замон талаблари даражасида ишлаб чиқиш муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Тараққиётнинг мисли кўрилмаган даражада тезлашиши, рақамлаштириш жараёнларининг зумда янгиланаётгани, ҳар бир соҳа мутахассисидан ўз билим ва малакасини мунтазам ошириб боришни талаб қилади. Давлатимиз раҳбари бу борада қуйидагича фикр билдирган эди: «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш давр талаби. Бу бизга юксалишнинг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда». [1]

Замонавий жамият ҳаётига рақамли технологияларни жадал жорий этиш, ахборот маконини шакллантириш ва электрон таълим тизимларини ривожлантириш узлуксиз таълимнинг барча босқичлари каби педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари таълим жараёнларини ташкил этиш, таълимга ёндашувларни сифатли қайта кўриб чиқиш, шунингдек, таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида янги илмий ва инновацион ғояларни шакллантиришга олиб келади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида рақамлаштирилган тизимнинг жорий этилиши таълим ва бошқарув учун янги имкониятлар яратиб, маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш, ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот қилишни осонлаштиради.

Ўқув жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини ошириш, тингловчиларни фаоллаштириш, инновацион таълим технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш қулайликларини яратади. Шунингдек, таълим ва бошқарувда инсон омили иштирокининг камайиши, очиқ, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган муҳит шакллантирилишини таъминлайди.

Таълим сифатини оширишдан ташқари, технологик ўзгаришлар ҳам таълимда кўпроқ мослашувчанлик, мослаштириш ва жамият қуриш имкониятларини тақдим этади. Модуллаштириш, микрокредит маълумотлари, онлайн масофавий таълим, юзма-юз ва онлайн таълимнинг аралаш шакллари (шунингдек, ўз муассасаларидан ташқари) тобора кенг тарқалган. Аралаштирилган таълим ахборот ва билим олиш, кўникмаларни ривожлантириш ва таълимни қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда таълимнинг турли шакллари билан таълим тажрибасини бойитади. Бу ҳам таълим олиш муваффақиятини оширишга ҳисса қўшади. Юқори сифатли рақамли таълим ва иш муҳити рақамли ўқув материаллари, рақамли топшириқлар ва рақамли йўл-йўриқ ва фикр-мулоҳазалар билан фаол ўқишни қўллаб-қувватлайди [1].

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари малакавий аттестация жараёнларига рақамли технологияларнинг жорий этилиши жараёнлар шаффоф ва холислик тамойиллари асосида ташкил этилишини таъминлайди. Бу борада Педагогик инновациялар институтида Аттестация жараёнларини ташкил этишда фойдаланилаётган <https://my.moqt.uz> дастурий таъминотининг имкониятлари катта.


Мазкур дастурий таъминот орқали тингловчиларнинг касбий фаолияти давомида малака ошириш жараёнини ташкил этиш имконияти яратилади. Тизимда жами 27500 нафардан ортиқ тингловчилар рўйхатдан ўтказилган ва тизим ўзида қуйидаги компонентларни акс эттиради. Булар марказлар.моқт.уз Ушбу компонентда профессионал таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар кадрлар ҳамда умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчилари малака оширадиган жами 25 та марказ фаолияти мувофиқлаштирилади. 2 – пункт: мк.моқт.уз Ушбу пунктда педагогларнинг эҳтиёжга асосланган малака ошириш жараёни ташкил этилади, раҳбар ва педагог кадрлар ўз касбий соҳасида эҳтиёжлардан келиб чиқиб қисқа муддатли курсларда таҳсил олишади. 3 пункт: мт.моқт.уз ушбу пункт масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш имконини беради мт.моқт.уз қисмида 3 ёшгача фарзанди борлар, ногиронлиги бўлганлар, пенсия ёшидаги тингловчиларнинг малакасини ошириш имкониятлари мавжуд. пф.моқт.уз Раҳбар ва педагог кадрларнинг электрон портфолиоси пунктида тингловчиларнинг малака ошириш оралиғидаги касбий фаолияти натижалари акс эттирилади. Бундан ташқари тизим ўзида тингловчиларнинг дарс жараёнини назорат қилишнинг электрон давомат тизимини, курсга қабул қилиш, курсдан чиқариш, малака ошириш якунига кўра электрон қайднома чиқариш каби бир қанча функцияларни қамраб олган.

Рақамли технологиядан фойдаланиш имкониятларини максимал даражада ошириш мақсадида таълим муассасаси ва унинг раҳбар-ҳодимларининг узвий ўзгаришини «рақамли трансформация» деб атаймиз. Таълимда рақамли трансформацияга интеграциялашган ёндашувимиз схематик тарзда 1-расмда кўрсатилган.



1-расм: Таълимдаги рақамли трансформация.

Босқичли ёндашув. Бизнинг ёндашувимиз таълим модели, ташкилий дизайн, жараёнлар, ИТ ва трансформациядаги одамларни ўз ичига оламиз. Биз ёндашувимизда беш босқични ажратамиз, улар алоҳида босқичлар сифатида ҳам ишлатилиши мумкин[3]



2-расм: Босқичма-босқич ёндашув

Биз сизга турли вақтларда трансформация жараёнида ва турли ролларда ёрдам бера оламиз. Мисол учун, бутун жараёни амалга оширишга рақбарлик қилиш орқали босқичма-босқич ёндашувни камайтириш мумкин, бироқ рақамли трансформациянинг алоҳида босқичлари ва улар билан боғлиқ фаолиятларни қўллаб-қувватлашни ҳам кўриб чиқиш лозим. Бунга таълим моделини ишлаб чиқиш билан бир қаторда фикрлаш, ахборот режасини сиёсатини тузиш ёки синовдан ўтказиш, рақамли технология бошқаруви етуклигини тадқиқ қилиш, босқичма-босқич ўрганиш, маълумотларни ҳимоя қилиш ходими ва бошқалар киради[3].

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, рақамли технологияларни таълимда қўллаш ҳақида қуйидаги хулосага келиш мумкин: рақамли технологиялар умумий таълим ютуқларини қўллаб-қувватлаши ҳамда турли фанларни ўқитишда сифат кўрсаткичини ошириш; рақамли технологиялар саводхонлик бўйича таълим ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва таълим олувчилар гуруҳлари ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳамда ўқув режа ва фан дастурларида берилган таълим мазмуни ва шакли эътиборга олинган ҳолда таълимнинг рақамли технологиялар дастурлари, ўқув материаллари яратилади. Бу эса, таълим олувчи таълимнинг кейинги босқичида касбий билим ва кўникмаларни янада чуқурроқ ўзлаштиришига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
2. Бегимқулов Ҳ.Ш., Халиков Э.М. Педагог-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда рақамли технологияларнинг ўрни. // НамДУ Илмий ахборотномаси. № 5, 390-393, 2023 йил.
3. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. - Т.: ТАТУ. 2020 йил
4. Бекчоновна Ш. Б. Масофавий таълимнинг рақамли трансформацияси. «Рақамли педагогика: ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги Халқаро миқёсда илмий-амалий анжуман (10 декабрь, 2021 йил) – Т.: ТДПУ, 2021. 54-57 б.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН КАСБ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ("БИЗНЕС ВА БОШҚАРУВ" СОҲАСИ МИСОЛИДА)

Н.К.Абдурахмонова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти "Профессионал таълимни инновацион ривожлантириш бошқармаси" бош мутахассиси

Н.Р.Сирожиддинова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти "Таълим технологиялари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш" бўлими бош мутахассиси

Аннотация. Ушбу мақолада муаллифлар Касб стандартлари ҳамда функционал таҳлил асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш, профессионал таълим тизимида Август семинарларини ўтказиш ва унда муҳокама этиладиган масалалар, профессионал таълим муассасаларида таълим дастурларини, жумладан "Бизнес ва бошқарув" соҳаси касб ва мутахассисликлари таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритади.

Калит сўзлар: профессионал таълим, касб стандарти, таълим дастурлари, малака талаби, ўқув режа, ўқув дастури, WorldSkills стандартлари, дуал таълим, компетенцияга асосланган таълим (competency based learning).

Аннотация. В данной статье авторы рассматривают разработку образовательных программ на основе профессиональных стандартов и функционального анализа, проведение августовских семинаров в системе профессионального образования и обсуждаемые в них вопросы, образовательные программы в профессиональных образовательных учреждениях, в том числе по специальности «Бизнес и менеджмент». Специалист рассказывает о проделанной работе по совершенствованию образовательных программ.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональный стандарт, образовательные программы, квалификационные требования, учебный план, стандарты WorldSkills, дуальное образование, компетентностное обучение.

Abstract. In this article, the authors discuss the development of educational programs based on professional standards and functional analysis, conducting August seminars in the professional education system and the issues discussed therein, educational programs in professional educational institutions, including the profession of «Business and Management» and specialties talks about the work done to improve educational programs.

Key words: professional education, professional standard, educational programs, qualification requirement, curriculum, curriculum, WorldSkills standards, dual education, competency-based learning.

Ўзбекистонда Миллий квалификация рамкаси, тармоқ квалификация рамкалари, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандартлари ва дастурлари тасдиқлангандан сўнг мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан

келиб чиқиб табақалаштирилган ўқитиш муддатлари жорий қилинди ва таълим дастурлари ҳамда шакллари ўзгарди.

Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашган ва меҳнат бозори талаблари асосида мослашувчан кадрлар тайёрлаш

янги профессионал таълим дастурлари асосида жорий этилади.

Ўз навбатида, ишчи касблар билан ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш тизими бир-биридан тўлиқ ажратилди ва алоҳида ўқув режа ҳамда дастурлар асосида ўқитилиши белгиланди.

Профессионал таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўқувчиларни эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари яратилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиради. Мазкур ёндашув асосида таълим дастурлари касб ёки мутахассисликнинг (касб ёки мутахассисликка тегишли квалификациялар) касб стандарти ҳамда касб ёки мутахассисликнинг тармоқ-тариф малака маълумотларини функционал таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади.

Касб стандартлари асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш қуйидагича амалга оширилади: касб стандарти-касб ёки мутахассислик малака талаби-касб ўқув режаси-фан(модул) дастури. Мазкур схемада кўриниб турибдики ҳар бир касб малака талабини ишлаб чиқиш асоси бу иш берувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган касб стандарти ҳисобланади. Касб стандартидаги меҳнат функциялари касб ва мутахассисларнинг малака талабида компетенциялар кўринишида акс этади. Шу билан бирга, малака талабидаги мазкур компетенциялар қайси фан кесимида қандай билим ва кўникмалар ҳисобига шакллантирилиши ҳам акс этган. Малака талабидаги компетенцияларни шакллантириш учун ўқитилиши керак бўлган фанлар касб ёки мутахассислик ўқув режасини шакллантиришга асос ҳисобланади.

Функционал таҳлил – бу вазифа ва натижа ёрдамида меҳнат фаолиятини баён қилишдир. Агар муайян касб ёки мутахассислик бўйича касб стандартлари ишлаб чиқилмаган бўлса, функционал таҳлилни таълим соҳаси вакиллари корхона вакиллари билан биргаликда таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида амалга оширадилар. Мазкур усул соҳаларнинг замонавий ривожланиш босқичи ва турли корхоналарда меҳнатни ташкил этиш хусусиятларига жуда мос келиши халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган. Усулнинг афзаллиги шундаки, у таълим муассасаси битирувчилари келажакда ишлайдиган минтақавий меҳнат бозорларидаги ишлаш технологияси ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришларни инобатга олиш назарда тутилади.

Малака талаблари бу - узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйилдиган талаблардир. Бунда таълим дастурини ўзлаштирган битирувчиларнинг умумий ва касбий компетенцияларига қўйилдиган талаблар, битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи ва таълим дастурини ўзлаштирган битирувчиларга қўйилган талабларни баҳолаш акс эттирилади. Касб ёки мутахассисликларнинг малака талаблари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- Битирувчининг касбий фаолият соҳаси;
- Битирувчининг касбий фаолият объектлари;
- Битирувчининг умумий компетенциясига қўйилдиган талаблар;
- Битирувчининг касбий компетенциясига қўйилдиган талаблар;
- Касбнинг таълим дастурини ўзлаштиришга қўйилган талаблар ва битирувчиларни баҳолаш.

Ўқув режаси - профессионал таълимнинг муайян касби ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари (модуллари) ва курслари ҳамда малака амалиётлари таркиби, уларни ўрганиш изчиллиги, соҳа ва тармоқларда иш турларининг мавсумийлигини ҳамда соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади

Ўқув дастури-муайян фан (модули)нинг ҳажмини, мазмунини, ўқитиш натижалари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайдиган билим, кўникма ҳамда компетенцияларни эгаллашда, тўлиқ ҳажмда бажарилиши шарт бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ўқув дастури ўқув фан (модули) (назарий, амалий, семинар, лаборатория ва бошқа) мавзулари мазмунини, ажратилган соатлар, ўрганиш натижалари (learning outcomes), ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда ўқитишнинг ташкилий шаклини белгилаб беради.

Дастур муайян бир касб ва мутахассислик (квалификация)нинг малака талаблари асосида ишлаб чиқилиб, ўқитиш натижалари, билим ва кўникмалар, мавзулар номи ва қисқача мазмунини, уларга ажратилган соат, ўқув дастури якунида эришиладиган ўзлаштириш (ўқитиш) натижаларини ўқувчиларнинг билим ҳамда кўникмаларини баҳолаш усулларини ўз ичига олади.

Дастур аниқ, тизимлаштирилган, ўқув жараёнига ўзгартиришлар киритиб бориш имконини берувчи, ўзлаштириш натижаларини билим ва кўникмаларга асосланган ҳолда баҳолаш, ўқувчилар касбга ўқитиш меҳнат кўникмаларига асосланган ҳолда ўзлаштириши учун зарур ва етарли бўлган билим, кўникма, малакалар мазмунини ҳамда ҳажмини, уларни ўрганиш кетма-кетлигини белгилайди.

Профессионал таълимда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни шакллантиришда ўқув дастурларини мазмунини ва унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун профессионал таълим тизими ўқув дастурларини белгилаш талаблар асосида ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш асосий вазифа этиб белгилашган.

Шу сабабли профессионал таълимда таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилганларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 14 апрелдаги “Профессионал таълим тизимида тайёрланадиган касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 93-сон буйруғи асосида амалдаги таълим дастурларини тажриба-синов натижалари, иш берувчилар таклифлари ва хорижий давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида таълим дастурлари ишлаб чиқувчи олий ва профессионал таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчи ва педагог ходимлари ҳамда иш берувчи ташкилот мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари шакллантирилди. Профессионал таълимни ривожлантириш институтида 2023 йилнинг март-апрель ойларида таълим соҳалари бўйича шакллантирилган ишчи гуруҳ аъзолари учун семинарлар ташкил этилди.

Профессионал таълим муассасаларида 2022-2023 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш, меҳнат бозори ва таълим интеграциясини таъминлаш, профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагоглариининг касбий салоҳиятини ошириш, янги ишлаб чиқилган ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, ўқув-методик таъминотни кучайтириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишда илғор замонавий технологияларни

кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 9 августда “Профессионал таълим муассасаларининг 2022/2023 ўқув йилига тайёргарлиги бўйича Август семинарларини ўтказиш тўғрисида” ги 267-сон буйруғи тасдиқланди. Август семинарларини профессионал таълим тизимида:

- Тайм менежмент, WorldSkills стандартлари, дуал таълим, компетенцияга асосланган таълим (competency based learning), касбга ўқитиш ва малака оширишда рақамли таълим технологияларини қўллаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ташкил этиш;
- Август семинарларини ўқитишнинг замонавий ва интерактив методларини жорий этиш орқали рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи ўқув дастурларини ишлаб чиққан ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарини жалб этган ҳолда юқори даражада жиҳозланган аудитория ва устахоналарда ташкил этиш;
- Дуал таълим жорий этилган профессионал таълим муассасалари ва ҳамкор ташкилотлар билан дуал таълим принципларини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни оммалаштириш ҳамда тажриба алмашишни ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ўтказиладиган Август семинарларида иштирокчиларга таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, халқаро лойиҳалар экспертлари билан ишлаб чиқилган таълим дастурлари, дуал таълимни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар, ишлаб чиқилган услубий қўлланма, тавсия ва йўриқномалар тақдим этилади.

Жумладан “Бизнес ва бошқарув”

соҳаси йўналишлари бўйича ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тасдиқланган ишчи гуруҳ томонидан касб ва мутахассисликлар таълим дастурлари тайм менежмент, компетенцияга асосланган таълим (competency based learning), касбга ўқитишда рақамли таълим технологияларини қўллаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда такомиллаштирилди:

Инсон ресурсларини бошқариш таълим йўналиши 40411001-Ходимларни бошқариш касби, Кадрлар инспектори квалификацияси бўйича махсус фанлар блокадаги “Персонални бошқариш” фани “Инсон ресурсларини бошқариш” фани деб номланди. Инсон ресурслари бу - ташкилотда ишлайдиган малакали мутахассислардир. Инсон ресурсларини бошқариш аслида ходимларни бошқариш бўлиб, корхонанинг активлари бўлган ишчиларга эътибор беради. Шу муносабат билан бундай ходимлар баъзан инсон капитали деб аталади. Инсон ресурсларини бошқариш (HR менежмент) нима? Инсон ресурсларини бошқариш (Human Resources Management - HRM, ёки оддийгина HR) ташкилотнинг шу ерда ишлайдиган одамларни ёллаш, бошқариш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ички сиёсати ёки ички комплекс функцияси ҳисобланиб, инсон фаолиятига таъсир қилувчи барча жараёнлар ва дастурлар HR нинг бир қисмидир. HR нинг асосий стратегик функциялари корхона ва бизнес стратегиясини мувозанатлаш; ташкилот жараёнларининг реинжиниринги; ташкилот ходимлари билан ўзаро ахборот алоқаси, ўзгаришларни бошқаришдир. HR менежери ташкилий етакчилик ва бошқарув маданияти мониторинги учун жавобгар ҳисобланади. HR маконда фарқ қилиши мумкин бўлган бандлик ва меҳнат қонунларига риоя қилишни таъминлайди;

Рекрутмент ўқув амалиёти. Бу сўзнинг луғавий маъноси французча “recruit” - танлаш демакдир. Ёллаш, таркибни тўл-

дириш, пул эвазига хизматга чақириш (ёллаш) каби маъноларни ҳам англатади. Ҳозирги кунда бу атама тор маънода, маълум ҳақ эвазига малакали кадрларни қидириш ва танлаш жараёнига нисбатан қўлланилмоқда. Унинг ишга жойлаштириш агентликларидан фарқи шундаки, ишга жойлаштириш агентлиги хизмат учун иш қидираётган шахсдан тўлов олса, рекрутинг агентлиги буюртмачи компания билан шартнома имзолайди ва шунга асосан улардан гонорар олади. Рекрутинг билан шуғулланадиган консултантларнинг фаолияти юборилган резюмелар орасидан талабга жавоб берадиган номзодларни саралаб иш берувчига 3-5 кишилик қисқа рўйхат (short-list) тақдим қилиш ҳамда интервьюни ташкил қилишдан иборат. Одатда, бугунги кунда рекрутинг хизматининг нархи талаб қилинаётган мутахассис йиллик иш ҳақи миқдорининг 15 – 25 % ини ташкил этади.

Офис менежери квалификацияси бўйича “Мунозара кўникмалари” ўқув амалиёти киритилди. Музокаралар, одатда, томонлар ўртасида бир-бирига ижозат бериш ёки келишмовчиликни ўз ичига олади. Бироқ, музокаралар олиб борилган битимларнинг иккала томон ўртасида учрашиши талаб этилмайди, чунки томонлардан бири бошқа томонга қараганда кўпроқ таъсирга эга бўлиши мумкин. Музокаралар расмий келишувлар ёки шартномаларга олиб келиши ёки муаммони қандай ҳал қилиш, муаммони ҳал қилиш ёки ҳаракатлар режасини белгилаш ҳақида камроқ расмий тушунча бериши мумкин.

Умуман олганда, ечимларни музокаралаш ишбилармонлик ютуғининг яққол белгисидир. Музокара кўникмаларини талаб қиладиган ишлар савдо, менежмент, маркетинг, мижозларга хизмат кўрсатиш, кўчмас мулк ва ҳуқуқ каби музокаралар кўникмаларини баҳолайдиган турли хил

иш жойлари мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда мазкур касб битирувчилари қандай ташкилотда фаолият юритишларидан қатъий назар мунозара кўникмаларига эга бўлишлари керак.

“Тайм менежмент” ўқув амалиёти. Ҳар қандай инсон учун бир сутка 24 соатдан иборат, лекин ҳар ким ҳам етарлича фойдалана олмайди. Кимлардир муваффақиятли, кимлардир эса муваффақиятсиз, кимларнингдир ҳаёт сифати юқори кимларнингдир ҳаёти сифатсиз, кимлардир ҳар кунги 24 соатлик вақт капиталидан фойдаланиб ҳаётда истаган нарсасига эришади, кимлардир эса вақт ресурсларини бекорга сарфлаб оқибатда ҳеч нарсасиз қолади. Мазкур фаннинг долзарблиги шундаки, тайм менежмент – вақтни бошқариш санъатидан фойдаланган ҳолда ҳаётда аниқ мақсадлар қўйиб, режалар тузиб, тайм менежментнинг самарали усуллари билан фойдаланган ҳолда муваффақиятли фаолият кўрсатишга замин яратади. Курс якунида ўқувчи ўзининг вақт капитали, вақт ресурслари ҳақида реал тасаввур ҳосил қилади, вақт кушандаларини барта раф этишни ўрганади, ҳаётини ва шахсий мақсадларга эришишда вақтдан самарали фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилади, мақсадга эришиш учун “етти қадам” психологик техникасини ўрганади, миллионерлар қондаси ва режалаштиришнинг квадрат усули асосида ишлаш кўникмасини ҳосил қилади, вақтни бошқаришнинг олтин қоидаларини билиб олади ҳамда вақтни бошқариш санъатидан бохабар бўлади.

Шунингдек, Логистикада операция фаолият(тармоқлар бўйича) касби бўйича “Логистика жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш” фани “Бизнес логистикаси” фанига, “Логистика тизимлари ва операциялари самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш” фани “Логистика инфратузилмалари” фанига, фан номи ўз ичига қамраб олиши керак бўлган мавзуларга тўлалигича мос тушмаганлиги сабабли, ўзгартирилди.

“Логистика” фани кенг тармоқли бўлганлиги, яъни у ўз ичига сотиб олиш, тақсимлаш, оморларга жойлаш, ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш, иқтисодиётни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида маҳсулот ва захираларни сақлаш, уларни истеъмолчиларга ўз вақтида, керакли миқдорда етказиш зарурлиги, ишлаб чиқариш корхоналаршда бу жараёнларнинг назорати ҳақида ўқувчиларда назарий ва амалий билимларни шакллантириш мақсадида “Бизнес логистикаси” фани яқиндан ёрдам беради.

“Логистика инфратузилмалари”- транспорт-экспедиторлик хизмати, автомобилларда халқаро ташишда Ўзбекистон Республикасининг халқаро келишув ва конвенциялари, божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштиришдан ўтказиш, логистик марказларнинг жойлашуви ҳамда уларнинг шаклланиши, етказиб берилаётган юкнинг таннарихи, етказиб беришдаги транспорт тарифи, импорт маҳсулотлар учун бож ҳисоблаш, захираларни суғурталаш кўникмаларини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

50410901-Менежмент мутахассисли-

ги таълим дастурлари “Бизнес ҳуқуқи”, “Ишлаб чиқариш менежменти”, “Сифат менежменти”, “Омадли бизнесни яратиш”, “Тайм менежменти” фанларини киритиш орқали такомиллаштирилди.

“Бизнес ва бошқарув” соҳаси 4-даража касблари “Умумкасбий фанлар” ҳамда 5-даража “Табиий ва гуманитар фанлар” блокадаги фан(модул) номлари ва ажратилган соат миқдорлари касб ва мутахассисликлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда бирхиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда Август семинарларини самарали ташкил этиш мақсадида ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар берилади, янги киритилган касблар ва мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган таълим дастурлари шўъбалар кесимида муҳокама қилинади ва тушунтириш ишлари ташкил этилади, таълим сифатини таъминлаш, самарали касбга йўналтириш стратегиялари бўйича халқаро тажрибалар, тавсиялар ҳамда педагог кадрларнинг фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган тақдимотлар асосида ўтказилади ва методик ёрдам кўрсатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 287-сон қарори. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 14 апрелдаги “Профессионал таълим тизимида тайёрланадиган касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 93-сон буйруғи
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 9 августдаги “Профессионал таълим муассасаларининг 2022/2023 ўқув йилига тайёргарлиги бўйича Август семинарларини ўтказиш тўғрисида” ги 267-сон буйруғи
5. Рашидов Ҳ. Ф., Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане: Автореф. Дис. ... док. пед. наук. –Т.: 2005. –47с.

МУНДАРИЖА

ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ

Профессional таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва ўзаро ҳамкорлик

3

З.Худайбердиев

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ – КЕЛАЖАК ТАЪЛИМИ

Профессional таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш – барқарор иқтисодиётнинг асоси

8

Б. Шойқулов
Ш. Рахимов

Профессional таълим тизими педагог кадрлари малакасини ошириш: амалга оширилаётган ишлар ва халқаро ҳамкорлик

13

Ў. Алижонов

Меҳнат бозорида профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини ошириш

17

А. Мелибоев
Ф. Машарипов

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Махсус фанларни ўқитишда коллаборатив таълимнинг аҳамияти

27

С. Ашурова

Миллий малака тизими: меҳнат бозори ва таълим тизими интеграциясини таъминлаш механизми сифатида

32

Ш. Шарофаддинов

Профессional ва олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш – касбий амалий таълим сифатини таъминлашнинг асосий шarti

39

Ў.Д. Хидиров
Ш.Авазов

Дуал таълимни жорий этиш профессионал кадрлар тайёрлашнинг самарали усулидир

48

О. Бақоев

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК

53

Профессional таълимда малака ошириш тизимини такомиллаштиришда халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари

Д. Рўзиев

57

Педагогнинг касбий стандартини яратиш жаҳон амалиётида педагогик муаммо сифатида

Н. Каримова

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Ўқитувчининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий мезонлари

61

К.Т.Уматалиева

Креатив фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари

65

М. Жуманиёзова

Таълимда рақамли технологиялар жорий этишнинг замонавий тенденциялари

70

Ҳ. Бегимқулов

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

Профессional таълим тизимида тайёрланадиган касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларини такомиллаштириш ("Бизнес ва бошқарув" соҳаси мисолида)

74

Н.К.Абдурахмонова
Н.Р.Сирожиддинова

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ

2023 йил, 2-сон

Таҳрир ҳайъати раиси
Иброҳим Абдураҳмонов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
Комилжон Каримов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг
биринчи ўринбосари

Бош муҳаррир
Зайниддин Худайбердиев

Профессional таълимни ривожлантириш
институту директори

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Рисбай Джураев
Қаландар Абдураҳмонов
Қаҳрамон Олимов
Нарзулла Муслимов
Екатерина Артамонова
Санобар Ашурова
Марина Уразова

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,
фан ва инновациялар вазирлиги
ҳузуридаги Профессional таълимни
ривожлантириш институти**

Манзил:

**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
2-чимбой кўчаси, 96-уй.**

Телефон: 71-246-90-37

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Журнал Ўзбекистондаги профессионал
таълим муассасаларига тарқатилади.

Ижодий жамоа:
Нодир Юсупов
Хусан Нишонов
Дониёр Тешаев

Дизайнер ва саҳифаловчи
Абдималик Абрайқулов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигидан
№1591-рақамли гувоҳнома билан
24.04.2022 санасида рўйхатдан ўтказилган.

Адади 1000 нусха. Буюртма №001

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

“Ўзбекистонда профессионал таълим”
журнали таҳририяти сизни ўзаро
ҳамкорликка таклиф этади.

Журналимиз саҳифаларида
профессional таълим тизимини
ривожлантиришга, ўқув жараёнини
такомиллаштиришга қаратилган
илмий-услубий, таҳлилий мақолалар
нашр этилади.

Профессional таълимда қўлланилаётган
инновацион технологиялар, касб-ҳунар
ўрганишга оид методик тавсиялар
ҳақида, шунингдек, жорий этилган
илғор тажрибалар ҳамда тизимда
амалга оширилаётган ибратли ишлар ва
янгиликлар ҳақида ўз фикрларингизни
биз билан ўртоқлашишингиз мумкин.
Ҳурматли профессионал таълим
фидойилари, устозлар!

Таҳририятимиз сиз билан ҳамкорлик
қилишдан жуда мамнун.
Мақолаларингизни қуйидаги манзиллар
орқали бизга юборинг,
тажрибаларингизни ҳамкасбларингиз
билан бўлишинг!

Телефон: +99871-227-19-24


Мобиль: +99898-210-88-58

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Обуна индекси 1396

edu.profedu.uz

Методик таъминлаш платформаси



Платформанинг асосий саҳифалари:

Ўқув-меъёрий ҳужжатлар;
Дарсликлар;
Ўқув қўлланмалар;
Қўшимча адабиётлар;
Ўқитиш материаллари тўплами;
Қисқа муддатли курслар;
Методик тавсиялар;
Методик йўриқномалар;
Видео ресурслар;
Инфографикалар;
Сиз учун фойдали;
Муҳокама учун.

Ушбу ахборот тизими профессионал таълим муассасаларига онлайн методик таъминотни амалга оширади



prof-talim.edu.uz

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг академик лицейлар ва профессионал таълим муассасалари платформаси



cgtvet.uz

Катталарга таълим бериш ва ўқитиш халқаро дастури бўйича онлайн малака ошириш платформаси



help.edu.uz

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига оид энг кўп бериладиган саволларга жавоблар портали



edu.profedu.uz

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг фаолиятини методик таъминлаш платформаси



my.moqt.uz

Профессионал таълимнинг масофавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш платформаси



vacancy.edu.uz

Олий ва профессионал таълим муассасаларида мавжуд бўш иш ўринларига ҳужжатларни онлайн юбориш платформаси



PROFESSIONAL TA'LIMNI
RIVOJLANTIRISH
INSTITUTI

